**¤ЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ОЛИЙ ВА ¤РТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Мухаммад-умар АЃМЕДОВ,
Комилжон ўУЛОМОВ,
Неъматжон МАНСУРОВ

# «Амалий санъатда композиция»

5140900 - Касбий таълим (5140700 - Амалий санъат)
бакалавриат таълим йґналиши талабалари учун ґіув іґлланма

# ТОШКЕНТ – 2007

Анотация: Ушбу ґiув iґлланма ґзбек миллий халi амалий санъатининг асоси хисобланган наiiошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги турлари бґйича «Амалий санъатда композиция» фанидан ёзилган бґлиб, педогогика университетларининг «Санъат» факультетлари 5140900-Амалий санъат йґналиши учун мґлжалланган. Дастур талабаларнинг Амалий санъатнинг ушбу турлари бґйича назарий ва амалий билимларини шакллантиришни, келажакда авлоддан авлодга ґтиб келаётган миллий анъаналар асосида вояга етказишни ва µунар ґргатишни ґз олдига маiсад iилиб iґяди.

Муаллифлар: доцент в\б М.Аµмедов,
ґiитувчи Комилжон ўуломов,
катта ґiитувчи Н.Мансуров.

Таiризчилар: Тасвирий санъат ва уни ґiитиш методикаси
кафедраси мудири п.ф.н. доцент
Нозим ТОЛИПОВ
К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн
институти профессори:
Неъмат Абдуллаев

Масъул муµаррир: Педагогика фанлари номзоди
доцент БОТИР БОЙМЕТОВ

Ушбу ґiув iґлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий кенгашининг 2007 йил ______ куни бґлиб ґтган -сонли мажлиси iарори билан нашрга тавсия этилган.

# МУҚАДДИМА

Ґозирги кунда Республикамизда таълим-тарбияни жаµон стандартлари талаб даражасида бґлиши алоµида аµамият касб этади.

«**Халі бадиий µунармандчилик ва амалий санъатининг янада ривожлантиришни давлат йґли билан іґллаб-іувватлаш чора-тадбирлар тґІрисида**»ги Президентимиз фармони, «**Таълим тґІрисида**»ги іонун ва «**Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури**» іабул іилингандан кейин ґрта-махсус, касб-µунар таълимини ислоµ іилиш долзарб масала бґлиб іолди.

«Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоµ іилиш , баркамол авлодни вояга етказиш» тґІрисида ¤збекистон Республикаси Президентининг Фармони бир неча муµим, долзарб масалаларни ґз ичига олади. Хусусан,

- таълим-тарбия тизимини тубдан ислоµ іилиш, уни замон талаби даражасиги кґтариш , миллий кадрлар тайёрлашнинг Янги тизимини барпо іилиш, келажак учун баркамол ва салоµиятли алодни тарбиялаш;
- узлуксиз таълимнинг барча босіичлари учун давлат стандартларини ишлаб чиіиш, тасдиілаш ва амалиётга тадбиі этиш;
- узлуксиз таълим тизимининг миллий моделини амалга ошириш;

Шунинг учун бу соµада янги ґіув режалар, дастурлар ва ґіув іґлланмалар яратиш муµим аµамиятга эгадир.

Маълумки, ґзбек халі амалий санъати ґзбек халіи маданиятининг бир бґлаги бґлиб, бадиий эстетик билимларнинг шакилланишида катта аµамиятга эгадир. ¤збек халі амалий санъати асосини наііошлик ташкил этади. Јадимги тарихий обидалар ¤рта аср шарі меъморчилик санъатининг гґзал намуналари бґлиб, улар ґзининг улуІворлиги ва наіш намуналарининг бетакрорлиги, нафислиги билан бутун дунёга донІи кетган.

Безакли санъатнинг кенг таріалган шакли бґлмиш наііошлик башариятнинг илк даврларидан унга µамрох бґлиб келган. Унинг энг оддий принциплари-уйІунлик, бир-бирига мутаносиблик ва усулларнинг іайта

такрорланиши рангларнинг нафислигидир. Кґп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди. Наіюшлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ґргатиш методлари сифатида µам авлоддан авлодга ґтиб келган. Бунда халі усталаримизнинг хизмати беіиёсдир. Наішнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия оріали бирлаштирилган шаклларнинг маісадга мувофиілиги ва гґзаллиги билан фаріланади.

Мазкур ґіув іґлланмада замонавий кампьютер техналогиясидан фойдаланиб, содда ислимий, хандасий наіш композицияларини тузиш ва уларни ранглаш усуллари µаіида µам сґз борган. Шунингдек, наіш композицияларини кампьютер график дастури **(Corel Draw 13 Graphics Suite)** оріали іандай ясаш босіичлари кґрсатиб берилган.

¤іув іґлланманинг асосий маісади:

- бакалавриат таълим йґналиши талабалари учун тайёрланган ґіув дастурларидан жой олган мавзуларини ёритиб бериш;
- вазифаларни бажариш методикасини ишлаб чиіиш,
- ґіувчиларни устоз ва шогирд миллий анъаналарини давом эттиришга ґргатиш,
- турли наіш композициялари ва буюмлар эскизини компюьтерда бажаришга іаратилган.

Jґлланмада мутафаккир-олимлар, халі усталари, рассом-педагогларларнинг фикрларидан фойдаланилган. Шунингдек, машµур халі усталари µамда ґіувчи талабаларнинг ижодий ишларидан намуналар келтирилган.

Маълумки, ёшларни бадиий жиµатдан баркамол, Ватанга ва миллий санъатга садоіат руµида тарбиялаб вояга етказишда Амалий санъатнинг ґрни алоµида аµамият касб этади. Бу эса ґз навбатида Санъат факултетларида олиб ґіитилаётган махсус фанларнинг чуіур ва асосли бґлишини таіазо этади, олим ва рассомлар, халқ усталари зиммасига юксак вазифаларни белгилайди.

«Амалий санъат» предмети «Санъат» факултетларида олиб борилаётган эстетик циклидаги ґіитиладиган барча махсус фанларнинг асоси µисобланади ва улар ґртасида бевосита боІлиіликни таъминлайди. ¤іувчи чуіур билим ва

малакаларга эга бўлиш учун амалий санъатнинг тури ва жанрлари борасида етарли маълумотларга эга бўлмоІи лозим. У шунингдек, композиция асослари, іаламтасвир, рангтасвир, µайкалтарошлик, тасвирий санъат, бадиий безак санъати ва дизайн асослари каби бошіа мутахассислик фанларни µам назарий, µам амалий жиµатдан юіори даражада ўзлаштира олиши керак.

Мазкур ўіув іўлланма кўп йиллик тажриба синов машІулотларида амалга оширилган тажриба ва хулосалар асосида яратилган бўлиб, унда «Наққошлик»нинг маісад ва вазифалари, тасвирлаш методлари тарихидан іисіа лавµалар, амалий-санъатда мавжуд асосий іонун-іоидалар, амалий санъат турлари ва унда ишлатиладиган ашёлар тавсифи ўрин олган. Ушбу ўіув іўлланмадан Амалий санъат бўйича шуІулланувчи барча мутахассислар, бакалавриат таълим йўналиши талабалари фойдаланишлари мумкин.

***Илмдан бир шуъла дилга тушган он,***
***Шундан билурсанким илм бепаён.***

***Фирдавсий***

## I-БОБ. АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ.

***збек хал амалий санъати тарихи, Амалий санъат турларининг аҳамияти. Наошлик санъати ва унинг тарихи. Наошлик санъати мактаблари ва уларнинг намоёндалари. Наошлик санъатининг ривожланиши.***

¤збек халіининг кґп асрлик тарихида халі амалий безак санъати маданий меросимизнинг асосий іисмини ташкил этади. ¤збек диёрида вужудга келиб, гуллаб яшнаган амалий санъат турлари бемисил ва бетакрорлиги билан дунёга машµур. Бу тараііиёт босiчи µаiида фикр юритар эканмиз, ґзбек амалий безак санъатининг келиб чиљиши инсониятнинг илк даври, яъни ибтидоий жамоа даврига бориб таіалишининг гувоµи бґламиз.

¤лкамиз заминидаги археологик іазишлар натижасида топилган ёдгорликларнинг гувоµлик беришича, инсоннинг жисмга бадиий ишлов бериш усулида буюм яратиш фаолияти тош асридаёі бошланиб, асрлар оша µозиргача давом этиб келмоіда.

Бизгача ибтидоий жамоа тузумида ашёвий далиллар -меµнат ва ов іуроллари, уй-анжом ва безак буюмлари, одамлар яшаган манзил іолдиілари етиб келган. Тупроі остида іолиб кетган тарихий ёдгорликлар одам ва µайвонлар жасадининг іолдиілари, Іор ва ертґла деворларига чизилган сурат ва бґртма тасвирлар ибтидоий жамоа даври тарихини ґрганишнинг муµим манбаи µисобланади.

***расм.***

Палеолит даврида амалий-декоратив санъат намуналари µам кенг таріала бошлади. Буюмларни наіш билан безашга, турли таіинчоіларга, туморларга эµтиёж пайдо бґлганлиги археологлар томонидан топилган ашёвий буюмларда намоён бґлмоіда. Одамларнинг ґтроі µолга ґтишлари, табиат іонун-іоидаларини кузатиш симметрия, ритм, шакл туйІуларини ґсишига сабаб бґлди. Бир хил элементларнинг текис іайтарилиши ёки оралаб келиши асосида вужудга келадиган ґзига хос наііошлик санъатини майдонга келтирди. Наііошлик янги тош (неолит) асрида кенг ёйилди, декоратив-амалий санъатнинг тараііий этишга таъсир кґрсатди ва ёрдам берди. Кулолчилик ва бошіа буюмларни наіш билан безаш кенг тус олди. Параллел, спиралсимон ва тґліинсимон чизиілар, айланалар шу даврдаги кґпгина наішларнинг асосини ташкил этади. Геометрик наішлар аста-секин схематик одам, µайвонлар ва ґсимликлар дунёсидан олинган шакллар билан бойитилиб, мазмунан кенгайиб борди. Унинг

элементлари коинот кучларининг рамзий белгиларини акс эттира борди. Масалан, розетка-іуёш рамзи, тґліинсимон чизиі- µаракат, сув рамзи ва µоказо.

Наіiошлик санъати эндиликда декоратив функцияни бажарибгина іолмай, балки шу билан бирга, кишиларнинг Iоявий ва фалсафий тушунчаларни µам ифодалай бошлади.

Бронза асрида ¤рта Осиёда кулолчилик янада ривожланди. Кулолчилик дастгоµларининг юзага келиши эса, яратилган буюмларнинг янада нафис ва гґзал бґлишини таъминлади. Чустдан топилган іизил фонга іора бґёілар билан расм ва наішлар ишлаган сопол буюмлар диііатга сазовордир. ***2- расм***.

Темир асрида µам декоартив-амалий санъат етакчи ґринни эгаллайди. Безаш ишларида геометрик наішлардан ташіари, сюжетли композициялардан фойдаланиш алоµида ривожланган.

¤рта Осиёнинг іадимги даври санъати ва маданиятини ґрганишда ер остидан, іабрлардан топилган турли декоратив амалий санъат намуналари, жанг, ов ва меµнат іуроллари µам муµим роль ґйнайди. Сопол буюмлар, бронза, олтин, кумушдан ишланган, кишилар эµтиёжи учун ишлатиладиган буюмлар юзаси наішлар билан безатилган, бґртма тасвир ва µайкаллар билан пардозланган. Айрим буюмлар юзасига эса µаётий воіеалар акси туширилган. Ана шу далилий материаллар ґтмиш санъати ва маданияти, кишиларнинг эстетик, бадиий іарашларини билишга хизмат іилади.

¤збекистон µудудида археологик іазилмалардан Хоразм, СґIд, Баітрия ва бошіа вилоятларда наіiошлик санъатининг ривожланганлиги маълум. Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа (I-IIаср), Далварзинтепа (I-аср) будда ибодатхоналари іазилмаларидан топилган расм, наіш іолдиілари бунинг яііол далилидир.

Эрамиздан аввалги IV-VI асрларда ¤рта Осиёдаги бадиий µаёт ва маданиятни тушунишда Амударёнинг юіори оіими томонидан топилган "Амударё бойлиги" (Окс бойлиги) муµим ґринни эгаллайди. Ґозирги кунда Лондондаги Британия музейида саіланаётган бу ёдгорликлар ичида олтиндан

ясалган µайкаллар, турли кґза, билагузук, узук, муµр, тангалар, олтиндан ясалган арава ва іуроллар диііатга сазовордир. ***3-расм.***

Буюк саркарда Искандар Зуліарнай (Александр Македонский) эрамиздан аввалги IV асрларда Ахмонийлар давлатини тор-мор этиб, ¤рта Осиё ерларининг кґпгина іисмини ґзига іаратиб олди. Фаіат Хоразм,ФарІона ва Сирдарё бґйидаги кґчманчи іабилаларгина ґз мустаіиллигини саілаб іолди.

Амалий санъатга бу іадар чуіур фалсафий ёндошиш натижасида шартлилик, стилизация - рамзийликка асосланган бадиий безак асарлари яратиш кучайган. Ушбу тарихий омил ґзбек миллий безак санъатининг гуркираб ривожланишига туртки бґлган ва µозирда жаµонга машµур меъморчилик ёдгорликларимиз улардаги ганчкорлик, кошинкорлик, наііошлик, хаттотлик, тоштарошлик ва бошіа турдаги санъатларнинг ажойиб даражада уйІунлигидан ва мужассамлигидан далолатдир. Халі амалий безак санъати кишиларнинг маънавий оламини бойитади, бадиий дидини шакллантиради, руµиятини тарбиялайди. Шунинг учун µам ґзбек халі амалий санъати кишиларни бадиий- аµлоіий, умуминсоний тарбиялаб, уларнинг илмий дунёіарашларини шакллантиришда, µамда маданий даражасини оширишда энг зарур манбалардан бири µисобланади.

Яіин ґтмишда ґзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган наііошлик, ганчкорлик, тош ва суяк ґймакорлиги, кандакорлик, пичоічилик, бґйрачилик, заргарлик, каштачилик, зардґзлик, гиламдґзлик, кигизчилик, саватчилик каби турларининг ґзига хос бажариш технологиялари, µаііиій миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар µамда шу соµаларда ном іозонган усталарнинг хизматлари бутун жаµонга донІи кетган.

¤рта Осиё наііошлик санъати іадимдан дунёга машµур. ¤тмишда ота-боболаримиз іурган муµташам бинолар µозирги кунгача мафтункор жилвасини йґіотмаган. Юксак дид билан ишланган наішлар µозиргача бизни µайратга солиб келмоіда. ***4-расм***

Наіш арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, у іуш, µайвонот, ґсимлик дунёси, геометрик ва бошіа турли шаклларнинг маълум тартибда такрорланишидан µосил іилинган безакдир.

Ислом талабларига буйсуниш оіибатида жониворлар, паррандалар ва одамларни тасвирлаш йґіолиб бориб наііошлик ривож топди. Араб ёзуви ґзлаштирилди. Натижада наішлар билан унвонли ёзув (эпиграфика) услуби пайдо бґлди. Араб ёзуви наішлар билан бирга чизилди. Араб ёзуви µам безак, µам дуо-афсунлар вазифасини бажарди. ***5-расм.***

Наііошлик халі-амалий безак санъатнинг бир тури сифатида іадимдан ґзбек маданиятининг муµим бґлаги µисобланади. Кґп асрлар мобайнида унинг бадиий анъаналари вужудга келди ва ривожланди. Наішларда санъатнинг бошіа µамма турларидан фаріли равишда авлодларнинг чамбарчас боІлиілигини, миллий анъаналарнинг давомийлигини кґриш мумкин. Наііошлик анъаналари санъатнинг ана шу турини ґрганиш методлари сифатида µам бободан отага, отадан ґІилга ґтиб келган. Ана шу давомийлик туфайли наііошлик санъати µозиргача саіланиб келмоіда. Наішнинг энг яхши намуналари бой ижодий фантазия оріали бирлаштирилган шаклларнинг маісадга мувофиілиги ва гґзаллиги билан фаріланади. Бунда халі усталарининг атроф муµитга іарашларидаги тафовут акс этади. Наішдаги чизгилар ґйини мусиіадаги оµанг сингари, іґшиі ва эртак каби “халі µаётий тажрибасининг катта умумлашмасидан” таркиб топгандир.

Бадиий наііошлик рангларнинг уйІунлигида ва ґзига хос композицияларда гґзаллик яратиш санъатидир. Наііош уста ґз ишида рангларнинг табиий жилосидан ва уйІунлигидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моµирлик билан фойдаланиб ёріин ифодаликка эришади.

¤збекистоннинг анъанавий меъморчилигида наііошлик асосан шифтларни, жимжимадор араіиларни, сарой устунларини, масжидлар, мактаблар, бойларнинг уйлари, ёІочдан ясалган буюмларни безашда іґлланган. Нозик ґсимликсимон-геометрик наішдаги ґзаро сингиб кетган новдалар, шохлар ва µашаматли тасвирланган гулларнинг ритмик µаракати, ґзбек

усталарининг ишларидаги ислими ва гирих наішларининг классик мотивлари шифтларнинг шаклига мосланган. Наіш кґпроі интерьерларни ва ёпиі айвон, пешайвонларни безашга хизмат іилади. ***6-расм.***

Ґозирги пайтда наішдан меъморчиликда, уй жиµозлари, совІалар, майда ёІоч ґйинчоілар, мусиіа асбоблари ва турмушда керакли буюмларни безашда фойдаланилади.

Бадиий наіюшлик санъати µозирги кунда кенг тус олмоіда. Матбуот, радио, телевидение, кино оріали кишилар ана шу санъат намуналари ва унинг халі усталари билан танишмоідалар. Бу санъаткорлар орасида О.Јосимжонов, Е.Рауфов, А.Болтаев, С.Норіґзиев, А.Азимов, А.Исаев, Б.Абдуллаев, Т.Тґхтаµґжаев, Ж.Хакимов, З.Боситхонов, М.Тўраев, Т.Аµмедов, К.Каримов, А.Илµомов ва бошіалар бор. Халі усталаримизнинг, улардан таълим олган шогирдларнинг ишларини Тошкентдаги амалий санъат музейида, кґргазма залларида, бадиий салонларда, шунингдек, турар-жой ва жамоат биноларида, масалан, Тошкент Давлат цирки, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри, Миллий академик драма театри, Темурийлар тарихи музейи, Олий Мажлис ва Шаµар Ґокимияти бинолари, метро станциялари, меµмонхоналар, кафелар, ресторанлар, чойхоналар, клублар, завод ва фабрикаларнинг вестибюллари, дам олиш хоналарида кґриш мумкин. Ґозирги ваітда мактабларда ва мактабдан ташіари муассасаларда тґгараклар тармоІини иложи борича кенгайтириш вазифаси іґйилмоіда. Халі наіюшлик санъатини ґрганиш ґіувчиларда бадиий дидни, меµнатсеварликни ривожлантиришга ва іатор фойдали билим µамда малакаларни таркиб топтиришга хизмат іилади. Уларнинг ижодий іобилиятларини аниілаш ва ґстиришга ёрдам беради. ***7-расм.***

## НАЈЈОШЛИК МАКТАБЛАРИ

Хонликлар даврида халі амалий санъати усталари Хива, Јґіон, Бухоро, Самаріанд каби шаµарларга йиІила бошладилар. Кґпинча ФарІона ва Бухоро наіюшлари Самаріандга, Јґіон,МарІилон усталари Тошкентга келиб кґпгина биноларни безар эдилар. Бу эса наіюшлик мактабларининг янада ривожланишига, ґзига хос композицияларнинг яратилишига, ранглар

мажмуасини янада бойитишда жуда катта роль ґйнайди. Лекин бу наішлар бир-бирига ґхшасада, µар бир наіюшлик мактаби ґзининг алоµида композицияси, иш услуби, ранг колорити билан ажралиб туради.

***расм***

***Тошкент наііошлик мактаби.*** Тошкент наішлари ґзининг нафислиги ва рангларнинг бир-бирига аста-секин ґтиши, аниі бир колоритга іатъий риоя іилиниши, геометрик ва ґсимликсимон наішларнинг кґп ишлатилиши билан ажралиб туради. Наішлар кґпинча яшил гаммада ишланади. Ислимий наішларда ойгул, пахта, бофта,уч барг, шукуфта, баргли гул ва бошіа элементлар аниі стиллаштиртлган мураккаб гирих наішлари µам кенг іґлланилган.

Наііош усталардан Олимжон Јосимжонов, Ёіубжон Рауфов, Жалил Хакимов, Тоир Тґхтахґжаев, Зокир Боситхонов, Махмуд Тґраев, Анвар Илµомов, Комил Каримов, ва бошіалар Тошкент наііошлик мактаби асосчиларидирлар. ***-расм.***

Ё.Рауфов тожик наііошлик мактабининг аньаналарини саілаган µолда ажойиб композициялар яратган. Ижодкор ґзбек-тожик наішларининг бой маданий меросидан моµирона фойдаланиб, кґпгина ислимий ва геометрик наіш композицияларини яратди. Унинг наішлари рангларининг ёріинлиги µамда бир-бирига уйІунлиги билан ажралиб туради. У ґз композицияларида янги-янги элементларни кашф этган. Ё.Рауфов наішларни бґрттириб, кундал техникасидан µам фойдаланди. ***-расм.***

Т.Тґхтахґжаев мураккаб услубдаги наіш композицияларини туза олган. Устанинг олтинсимон-жигарранг колоритдаги наіши Тошкент наііошлик мактабининг ривожланишида іґйилган янги бир іадам бґлди.

¤збек наііошлик мактабини ривожлантиришда самарали µисса іґшган Олимжон Јосимжоновнинг талантли шогирди, наііошлик бґйича ґзига хос мактаб яратган, жуда кґп шогирдларнинг устози - ¤збекистон халі рассоми Жалил Хакимовдир. Ота-боболаримизни іадимдан яратиб келган наішларини іайта тиклашда устанинг хизматлари каттадир. Ж.Хакимовнинг наішларини

эътибор бериб кузатсак, ундаги наішлар элементларга бойлиги, аниі, ровонлиги, ёріин яшил колоритда бґлиши билан ажралиб туради. У гулли гирих композицияларини жуда кґп ишлаган. Ж.Хакимов ґзбек миллий наііошлик санъати анъаналарини пухта эгаллаган, уни самарали давом эттирган санъаткордир. Уста наішлаган хонтахта, курси, іутича ва бошіа буюмлар дунёнинг кґпгина давлатларида юіори баµоланган. Унинг ижоди Шарі анъаналари руµида ривожланди, тарихда ґчмас из іолдирди. ***расм***

***Хива наііошлик мактаби.*** Хива наіши Самаріанд, Тошкент, ФарІона, Бухоро наішидан тубдан фарі іилади. Хива наішида асосан зангори ва яшил ранглар жуда кґп ишлатилган. Ислимий наіш композициясида новда, марІула, шукуфта, барг, нґхат, гул, оддий ойгулдан ташкил топади. Кґпинча юлдуз µосил іилувчи гирихлар ишлатилиб, ораси спиралсимон ислимий наіш билан бойитилган. Хива наішлари умуман мадохилли наішлар асосида тузилади. Ислимий наіш эса спиралсимон майда іилиб ишланади. Хива наііошлик мактабининг ёріин намояндалари Абдулла Болтаев, Рґзимат Машарипов, Одамбой Ёіубов, Эшмурод Сапаев ва бошіалар. ***расм.***

***Бухоро ва самаріанд наііошлик мактаблари.*** Бухоро наіши композицияларининг мураккаблиги ва жозибадорлиги билан ажралиб туради. Бухоро наішларида мураккаб гирихлар аниі ва пухта ґлчамда ишлатилиши, ґсимликсимон наішларнинг япроі, мева, гул барглар ритмига алоµида эътибор берилиши билан фаріланади.

Самаріанд наішлари Тошкент, ФарІона наішларига ґхшаб кетади. Самаріанд наішлари ґта гулдорлиги, барг ва гулларининг ґта µаракатчанлиги,жонлилиги билан фарі іилади. Наішлар аввал зангори, кейин эса яшил ранг гаммасида ишланган.

Уста Раµмоніул, уста Жамолиддин, уста Абдузохид, уста Шариф, уста Алимжон, уста Боіи, кейинчалик уста Жалол ва Болта Жалиловлар каби наііошлар Самаріанд наііошлик мактабини яратилишига асос солдилар ва унинг ривожланишига улкан µисса іґшдилар. ***расмлар***

## II-БОБ. ЗБЕК МИЛЛИЙ ХАЛ АМАЛИЙ САНЪАТИДА УСТОЗ ВА ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ.

*Кексалар µунарга бґлса µамки бой,*
*Аммо µар бир ёшда ґзга бир чирой.*
*Абдурахмон Жомий*

¤збекистон халіларининг тарихи, іадриятлари, илм-фан маданияти дурдоналарини µар томонлама илмий ґрганиш ва таµлил этиш Іоят муµимдир. "Бугун бизнинг олдимизга шундай тарихий имконият пайдо бґлдики, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов, - биз босиб ґтган йґлимизни таніидий баµолаб, миллий давлатчилигимиз негизиларини аниілаб, буюк маданиятимиз томирларига іайтиб, ґтмишдаги бой анъаналарни янги жамият іурилишига тадбиі этмоІимиз керак". Шу маісадда республикамиз хукуматининг іатор хужжатлари Ватанимизнинг µар томонлама жаµон андозалари асосида ривожланишга іаратилмоіда. Жумладан, ёшларга таълим-тарбия беришда маданиятимиз, іадриятларимиз, миллий санъатимиз намуналаридан, ота-боболаримиз томонидан яратилган ва бутун жаµонга машµур бґлган ажойиб санъат намуналаридан кенг фойдаланишга катта аµамият берилмоіда.

Аждодларимиз тажрибалари ёритилган адабиётларни µам етарли деб бґлмайди. Бундан ташіари аждодларимиз бой тажрибаларини µозирда µунар ґргатилаётган жойларда чунончи: олий ґіув юртлари, ґрта махсус касб-µунар таълим муассасаларида, шахсий уста-шогирд асосида ґргатилаётган устахоналарда, іґшимча таълим муассасаларида уста ва шогирдни шаріона одоби тґлиі ґргатилмаслиги ґіувчи-ёшларимизни аµлоі-одобига ва билим даражасига, умуман улар маънавиятининг шаклланишига салбий таъсир кґсататаётганлигининг гувоµи бґламиз.

Шунинг учун аждодларимиз іолдирган маънавий меросидан тґІри ва унумли фойдаланиш лозим. Шунда аждодларимиз маънавий меросига бґлган µурмат-эътибор кучаяди; ґз ота-онасига… устозига… ґртоіларига… хуллас…

инсонларга бґлган µурмати ошади; уларнинг шу µунарни іиёмига етказиб ґрганишларида асос бґлиб хизмат іилади.

***¤тиндан бошіага ярамас гоµи,***
***Мевали дархтнинг мевасиз шохи.***
***Абдурахмон Жомий***

¤збек халі амалий санъати іадимийлиги, маданиятининг бой µамда серіирралиги билан бутун дунёга машµурдир. Самаріанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент, ФарІона ва бошіа шаµарлардаги µар бир тарихий обида, µар бир халі амалий безак санъати намунаси аждодларимиз томонидан яратилган такрорланмас, бебаµо санъат асарлари бґлиб, жаµон маданияти дундоналари іаторидан ґрин олган. ***расм.***

Асрлар давомида орттирилган маданий ва маънавий бойлигимиз, хусусан, ґзбек халі амалий безак санъатининг энг кґп ривожланган турлари: наііошлик, ганчкорлик, ёІоч ґймакорлиги, тоштарошлик, суяк ґймакорлиги, кандакорлик, пичоічилик, заргарлик, каштачилик, усталарнинг µаиіиій асл номлари, ґзига хос мактаблари, яратган услублари собиі Шґро тузуми даврида аста-секин йґіолиб кетиш хавфи остида іолган эди.

Бугунги кунда мустаіил республикамизда халіимизнинг асрлар бґйи яратган ижодий меµнати натижасида яратган амалий безак санъатини кґз іорачиІидай саілаш… іадрлаш… улардан амалий фойдаланиш… улар оріали ёшлар эстетик дидини ґстириш µамда юксак маданиятли кишилар іилиб тарбиялашга кенг имкониятлар очилди. Ал-Фаробий, Абу Райхон Беруний… Абу Али Ибн Сино… Ал-Хоразмий… Имом Бухорий, Баҳовуддин На□шбанд… Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий… Камолиддин Беµзод… Заµириддин Бобур каби жаµонга машµур олим… шоир ва мусаввирлар гґзалликка интилишга чаіирганлар. Бобомиз Амир Темур µунар ва илм эгалари … йирик мутахассис олимлар ёрдамига таяниб математика… геометрия… меъморчилик … астрономия … адабиёт … тилшунослик … тарих … мусиіа … тасвирий санъат ва хаттотлик каби соµаларни ривожлантиришга катта ахамият берди. Шаµарларнинг µар томонлама чиройли ва улуІвор іилишга интилган.

IX-X асрларда Туронда наіошлик санъати жадал ривожланди. Меъморчиликда Іишт іадаб наіш солиш юксак даражада тараііий этди. Биноларнинг ички томонларига ганч, ёгоч ґймакорлигини іґллаш юксак ривож топди. Айниіса маібараларнинг пештоілари девор ва равоілари ганч наішлар билан жуда нафис безатилган. ***-расм.***

Јадимда µунар ґрганиш муіаддас хисобланган. Ґар бир халі келажак авлодларига ґзидан іолдирган такрорланмас µунарлари билан іадрланган. ¤збекистон іадимда µунармандлар маркази бґлган десак хато іилмаган бґламиз. Масалан, Андижон вилоятида, Шаµрихон, Самаріанд вилоятида Ургут, ФарІона вилоятида Јґіон, МарІилон, Наманган вилоятида Чустда халі µунармандчилиги гуллаб яшнаган. Ґунармандлар ґша даврда маµаллаларга бґлиниб яшаганлар, чунончи заргарлик маµалласи, пичоічилик маµалласи, деб юритилган. ¤ша даврларда яна мисгарлик, бґйрачилик, сандиічилик, пичоічилик, аравасозлик, ва кулолчилик маµаллалари мавжуд бґлган. Масалан, XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода бґйрачи маµалласи бґлиб у ерда умуман Бухородаги бґйра тґіийдиган усталар яшаган. Бґйрачи маµалласида 120 та оила яшаган.

Ґар бир касб-корлик маµалласида іґни-іґшинлар ґртасида раіобат бґлган. Чунки кимнинг маµсулоти сифатида бґлса, халі ґшанинг ишлаб чиіарган маµсулотини сотиб олган. Шунинг учун µар бир уста сифатли маµсулот тайёрлашга интилган. Ґар бир устанинг ґз растаси бґлган. Бозорда одатда бозор беги бґлган. У барча расталарга келтирган молларини кузатиб уларга нарµ белгилаб чиііандан кейин савдо-сотиі бошланар эди. Сифатсиз маµсулот ишлаган устанинг бозори касодга учраган.

Уста ґтмишда халі усталарининг энг билимдон µисобланган. Чунки улар мадрасада таµсил олиб адабиёт, тарих, мусиіа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наііошлик технологияси авлоддан – авлодга ґтиб келган. Јадимдан наііошлар наіш яратиш сир асрорларини ёзиб іолдирмаганлар, фаіат шогирдлари билганлар. Шогирдлари уста бґлганларидан сґнг улар µам ґз шогирдларига ґргатган. Шундай іилиб, наііошлик касбини анъана тариіасида ривожлантириб келганлар.

Уста ґзига шогирдликка ґз боласини ёки іариндошларидан олганлар. Шогирдликка 7-8 ёшдан олинган. ¤іиш ґрганиш 7-12 йиллар атрофида бґлган. Устози шогирдлари билан кундуз куни ишлаб кечіурун эса устоз раµбарлигида савод чиіарилган. Шогирдлар геометрия ва кимёни ґрганганлар.

Шогирднинг іґлидан мустаіил иш келгандан кейин усталар унинг ишларининг муµокама іилишиб, сґнгра «уста» номини беришган.

Устанинг ґІли ота касбини ёшликдан ґрганиб борган. Бу эса келажакда яхши µунарманд бґлишига замин яратган. Устада ґІли ёки фарзанди бґлмаса, бу касбни энг яіин іариндошларига болаларига ґргатган. Хуллас касб авлодга мерос іолиш анъана µолда ривожланиб келган. Устага шогирдликка беришда іуйидаги урф одат бґлган: Болани уста олдига олиб бориш ґзига яраша тантана бґлган. Болани ота – онаси ва іариндош уруІлари «бґй» деган бґІирсоі ва холватар іилиб, устанинг µузурига келганлар ва “болани гґшти сизники, суяги бизники” іабилида гаплар билан унинг ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириілар ґша пайтдаёі биргаликда танаввул этилган. Уста болага µунар ґргатишдан ташіари бутун ґіиш давомида ґзи озиі-овіат билан таъминлаб турган. Касб ґргатиш текин олиб борилган.

Устоз шогирдга іаттиі іґл ва талабчан бґлган. Чунки µар бир µунарли ґта нозик дид ва сабр-тоіат билангина ґрганиш мумкин бґлган. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиііанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш ваітида чалІимасликни эгри ва номаъіул ишларга яіин йґламасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга іґл урмасликни, іатъий туриб талаб іилганлар.

Уста шогирдга фаіат µунар сирини ґргатишдан ташіари уй юмушларини бажаришга µам ґргатиб борган. Шогирд санъат сирларини пухта эгаллагандан сґнг оі фотиµа берилган. Маросимда устозига шогирд бош-оёі сарпо, тугун инъом этган.

Баъзида устоз шогирди мустаіил иш бошлашда іийналмаслиги учун шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозлар берар эди. Агар оі фотиµа олган баъзи

шогирд мустаіил ишлашни µоµламаса устозникида іолиб ишлайверган. Бундай µолда устоз билан келишиб олиб иш хаіи олган.

XVIII аср охири - XIX асрларда Jґонда, ФарІона, Бухоро каби шаµарларда етук халі усталари етишиб чиіди.  Наііошлик, ганчкорлик, мисгарлик, чилангарлик ва бошіа санъат турлари ривожланди. Jадимда µунар муіаддас саналган. Ґар бир халі келажак авлодларига ґзидан іолдирган такрорланмас µунарлари билан іадрланган. ¤збекистон  іадимда хунармандлар маркази бґлган десак хато іилмаган бґламиз. Масалан, Андижон вилоятида, Самаріанд вилоятида, Ургут, ФарІона вилоятида Jґіон, МарІилон, Наманган вилоятида Чуст µунармандчилик марказига айланган.

Наііошлар ґтмишда халі усталарининг энг билимдони хисобланган. Чунки, улар мадрасада тахсил олиб, адабиёт, тарих, мусиіа, математика, кимё фанларини яхши билганлар. Наііошлик технологияси авлоддан-авлодга ґтиб келган. Jадимда наііошлар наіш яратиш сир-асрорларини ёзиб іолдирмаганлар. Фаіат шогирдларгина шу малакаларни ґзларида олиб іолганлар. Шогирдлар уста бґлганларидан  сґнг, улар µам ґзларига іарашли шогирдларга ґз ґрганган µунарларини ґргатганлар. ***-расм.***

Алишер Навоий бежиз айтмаганлар ,

***Ґунарни асрабон нетгумдир охир,***

***Олиб туфроІгаму кетгумдир охир.***

Шундай іилиб, наііошлик касби анъана тариіасида ривожланиб келган. Наііошлар шогирдликка ґз боласини ёки іариндош-уруІларининг болаларидан олганлар. Шогирдликка болалар 7-8 ёшдан олинган. ¤іиш ґрганиш  7-12 йиллар атрофида бґлган. Устоз  шогирдлари билан кундузи ишлаган. Кечіурун эса устоз раµбарлигида хат-савод чиіарилган. Шогирдлар хандаси ва кимёни ґрганганлар. Шогирд мустаіил иш бажаришни эплай оладиган бґлганидан сґнг, усталар унинг ишларини муµокама іилишиб, сґнгра "уста" номини беришган. Наііошнинг ґІли ота касбини ёшликдан ґрганиб борган. Бу эса келажакда яхши µунарманд бґлишга замин яратган. Устада ґІил ёки фарзанд бґлмаса, бу касбни энг яіин іариндошининг болаларига ґргатган. Хулоса, касбнинг авлоддан-

авлодга мерос іолиши анъана µолда ривожланиб келган. Устага шогирдликка беришда іуйидаги урф-одатга риоя іилинган. Болани устанинг олдига олиб боришда ґзига яраша тантанавий маросим бґлган. Болани ота-онаси µамда іариндош уруІлари бґІирсоі ва µолвайтар іилиб устанинг µузурига келганлар ва "боланинг гґшти сизники, суяги бизники" іабилида гаплар билан уста ихтиёрига топширганлар. Келтирилган пишириілар ґша пайтдаёі биргаликда танаввул этилган. Уста болага µунар ґргатишдан ташіари, бутун ґіиш давомида уни озиі-овіат билан таъминлаб турган. Касб ґргатиш текин олиб борилган.

Устоз шогирдга іаттиііґл  ва талабчан бґлган. Чунки µар бир µунарни ґта нозик дид ва сабр-тоіат билангина ґрганиш мумкин эди. Усталар шогирдлар учун махсус одоб талабларини ишлаб чиііанлар. Масалан, улар шогирддан покизаликни, иш ваітида чалІимасликни, устоз рухсатисиз бирор ишга іґл урмасликни іатъий талаб іилганлар. Уста шогирдига фаіат µунар сирларини ґргатишдан ташіари, уй-юмуш ишларини бажаришга µам тайёрлаб борган.

Шогирд санъат сирларини пухта эгаллаганидан сґнг, унга оі фотиµа берилган. Маросимда устозга шогирд бош-оёі сарпо, тугун инъом этган. Баъзида устоз, шогирди мустаіил иш бошлашда іийналмасилиги учун, шу касбда ишлатиладиган асбоб ва андозалар берар эди. Агар, оі фотиµа олган баъзи бир шогирд мустаіил ишлашни µоµламаса, устозиникида іолиб ишлайвериши мумкин бґлган. Бундай µолда шогирд устози билан келишиб иш µаіи олган. ¤збек усталаридан бири ганч ґймакор уста Усмон Икромовнинг µаёт йґли ибратлидир. ***-расм.***

Ёш Усмон уста Расулµожининг іґлида 8 йил ишлайди. 5 йилгача хафталик µаіи 10 тийиндан ошмаган. Ґар пайшанба куни Расулµожи шогирди іґлига 10 тийиндан берган. Усмон пулни олиб, бозордан 10 тийинга 10-12 та нон, отаси ва икки синглисига егулик олиб борган. Одатда, шогирд фаіат уста буюрган ишни іилиши керак эди. Устадан берухсат шогирд бирор ишга іґл урса ёки унинг асбобларига тегса жазоланган. 6 йилга ґтганида иш µаіи хафта ичида 50 тийинга, 8-чи йилга етганда кундалик иш µаіи 1 сґмга чиіди. Бу пайтда у иморат ишидаги оддий чґпгарликдан тортиб, Іишт териш, сувоі, ганч

ґймакорлигигача мустаіил бажара оладиган бґлганди. Ниµоят 8 йил деганда уста Расулµожидан оі фотиµа олиб "уста" номига эга бґлган.

Бухородаги µамма усталарга ганч сотадиган бойлардан бири Абдуіодир бир куни уста Ґаётни чаіириб, янги уйни ганч билан безатмоічилигини айтади. Уста Ґаёт бу ишни 22 ёшли Ширин Муродовга топширади. Бу иш Шириннинг биринчи мустаіил иши бґлди. Ширин иш режасини меµмонхона безакларини оддий бежирим нисбатларини саілаган µолда бир бутун кґринишини µисобга олади. У меµмонхона ва айвонларни шарафалар билан безайди. Ундаги ґйма ганчлар жуда майин, бежирим чиііанлиги сабабли усталар орасида µурмат ва обрґси янада ошади. Уста Ґаёт кунлардан бир куни  Ширинни олдига чаіириб "Мен сендан хурсандман, энди мустаіил ишласанг бґлаверади" - дейди. Азалий одат бґйича унга 20-30 устани ґртасида "Уста" номи берилади. Ширин Муродов шундан сґнг халі ґртасида уста деган шарафли номга муяссар бґлади. ¤збек меъморлари яшаш учун µар жиµатдан іулай, шинам, чиройли уйлар іурганлар. ¤збекларнинг µовли-жойи тугал бир меъморий мажмуани ташкил этиб, ґзига хос Шаріона файзи бґлган. Бу уйларнинг бир-бирига узвий іилиб іурилиши ва безатилиши бир санъат даражасида бґлган.  ***-расм.***

Бухорода XIX аср охири,  XX аср бошларида дуродгорлар бошлиІи уста ўулом, ¤ратепада эса уста Карим Кажор боши (уста Абду Карим Абдухолиіов) бґлган. ¤ратепалик халі усталарни юіори Зарафшон іишлоіларида масжид, мадраса, турар жой биноларини безаш учун таклиф этганлар. Улар наііошлик, ёІоч ґймакорлиги, ганчкорлик ва бошіа ишларни бажарганлар.

Усталар уюшмаси баъзи турар жойларга усталарни ишлашга юборганлар. Уларга иш µаіи тариіасида ишлаган жойларида кийимлар, іґй, сигир, эчки, ер, пул берилар эди. Усталар орасида ґзига хос мусобаіа µам бґлган. Уларнинг ишлари кґргазма іилиниб, катта усталар орасида баµоланган. Масалан, ¤ртатепанинг Кґк гумбаз маµалласида Мавлоно Эшон маібарасини икки ґйма эшигини бажариш учун уста Карим Хоррот ва Абдуіодир Хорротларга топширилади. Улар биттадан эшикни ґйиб безаганлар ва уларни икки усталар орасида баµоланди. Уста Абдуіодирнинг эшиги 70 олтин танга,

уста Каримнинг эшиги юіори баμоланишининг сабаби шуки, эшикни юіори ярим доира іисми умумий наіш композицияси билан боІланган эди. Абдуіодир устанинг эшиги тепаси учли бґлиб, бино іурилиши композициясига мос келмаган. Баъзи усталар ґз ишига берилган баμога нисбатан норозилик билдирсалар, оісоіол аралашиб, келишмовчиликни μал іилар эди.

1924 йилгача Туркистонда бошіа μунар турлари усталари каби зардґзлар жуда кґп бґлган Чунончи, Бухорода 300 дан 350 нафаргача зардґз усталар ишлаган μунармандлар ґрта аср μунар ширкатлари кґринишидаги махсус ташкилотга уюшган эдилар.

Зардґзларнинг ишлари устидан назорат ґрнатувчи бу ташкилот ґзининг сайловчи маъмуриятига эга бґлиб, барча расм-русмларга ва урф-одатларга изчил амал іилар, тантана ва йиІилишлар ґтказиб турар эди. Бухоро усталарининг зардґзлик касби авлоддан авлодга мерос бґлиб келган. Асли зардґз бґлган оиланинг ґІил фарзанди отасидан зардґзликни ґрганиб, ґз навбатида ґз болаларига ґргатган. ***-расм***

## III- БОБ. НА□□ОШЛИК ТЕХНОЛОГИЯСИ, АСБОБ- УСКУНАЛАР, МАТЕРИАЛЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲА□ИДА МАЪЛУМОТ. УСТАХОНАЛАРДА ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ, ЁНҒИНДАН СА□ЛАНИШ □ОИДАЛАРИ

Машғулотни бошлашдан аввал дарс учун махсус хона жихозланиши зарур. Жиμозлар машІулотни методик ва дидактик жиμатдан тґІри ташкил этишни таъминлайди ва дарснинг самарадорлигини оширади. Хона кенг деразали бґлиб, унга іуёш нури чап томондан тушишизарур. ЁруІлик чап тарафдан тушиб турса…болаларнинг кґриш іобилияти сусаймайди. Уларнинг умуртіа поІонаси іийшаймаслиги учун стол-стуллар болаларнинг бґйи ва ёшига муносиб бґлиши зарур. Хона доим іуруі… тоза бґлиши… харорати (18-20градус) саіланиш керак. ¤итувчи талабалар иши устидан тґла назорат іилиб туриши ва ҳар бир талаба билан индивидуал ишлай олиши учун хонада тґла имконият яратилиши лозим. Хонада ґіув іуроллари ва материаллар… кґргазма

материаллар µамда талабалар ишларини саілаш учун шкаф ёки токчалар бґлиши зарур.

Талабалар машІулот пайтида гавдаларини тґІри тутиб ґтириш µамда асбоб-ускуналардан фойдланишда методик ва хавфсизлик іоидаларига риоя іилиш кераклиги тушунтирилади ва кґрсатилади.

Наііошлик санъати асарларини таµлил іилишда, халі усталарининг асарларини, уларнинг ижодий фаолиятларидаги айрим даврларни, усталар иш услубини іиёслаб, уларнинг бир-биридан фаріини кґрсатишда техник воситалардан фойдаланиш катта самара беради. Бундай техник воситаларга эпидаскоп, фильмоскоп, кинопроектор ва диапроектор, магнитофон, телвизор, компьютер ва бошіалар киради. Наііошлик хонасида бу воситаларнинг бґлиши маісадга мувофиідир. ***-расм.***

Техник воситалардан тґІри ва унумли фойдаланиш ґіувчи-талабаларда талабаларда санъатга катта іизиіиш уйІотади… уларда ижодкорлик ва фаолликни орттиради. Маълумки… булар ґз навбатида машІулотларнинг мазмунли олиб борилишига ёрдам беради. Шунингдек… кґрсатмалилик ёрдамида ґтказилган машІулотлар талабаларда фикрлаш… нарса ва µодисаларни бир-бирига таііослаш… улар ґртасидаги умумийлик ёки тафовутни аниілаш… ґтилган мавзуни узоі ваіт эсда олиб іолиш кґникмаларини µосил іилади.

Наіш чизиш учун яхши сифатли расм дафтари… альбом ва бутун оі "ватман"… ґртача юмшоіликдаги оддий іора іалам… юмшоі оі ёки кґк ґчиргич… учбурчакли ёки тґІри чизІичлар… циркуль … 1 дан 10 гача номерли хар-хил мґйіалам (кист) лар… саракли бґёі турлари: іуруі бґёі… минерал бґёі… мой бґёілар, гуаш, темпера бґёілари, бґёі іориш учун идишчалар ёки банкачалар, аралаштириш учун таёічалар мавжуд бґлиши лозим.***-расм.***

Одатда, наіш чизиш учун юмшоі ва ґртача юмшоіликдаги М, ТМ ёки Н, НВ каби белгили іалам турларидан фойдаланилади. Јаттиі іаламлар іоІозни тилиб юборади ва ґчирганда из іолдиради. Ґаддан ташіари юмшоі іалам билан µам наіш чизиш ярамайди, у бґялиб кетади.

Јаламни ишга тайёрлашга алоµида ахамият бериш керак. Јалам учини чиіаришда ёгоч іисми 15-20 мм, графит іисми тахминан 5-6 мм очилади.

Чизиладиган чизиіларни бармоілар тґсиб іолмаслиги учун іаламнинг очилган учидан сал баландроідан уч бармоі билан ушланади. Јаттиі іисиб ушламаслик керак, буларнинг µаммасини муаллим кґрсатиб тушунтиради.

Чизилган наішнинг марказини аниі белгилаш ва рамкалар µосил іилишда тґІри ва учбурчакли чизІичдан, µар хил ґлчамдаги айланалар чизишда ва уларни тенг бґлакларга бґлишда циркулдан фойдаланилади.

Наішга бґёі яхши мґйіаламлар билан суртилади. Мґйіаламларнинг ишга яроілиси іуйидагича танлаб олинади: уни тоза сувга солиб силкитилади, агар мґйіаламнинг учи бирикиб ингичка µолга келса, у ишга яроіли, тґзиб турса, яроісиздир.

Мгйіаламлар бґрсиі, сувсар, олмахон каби хайвонлар юнгидан тайёрланади. Биз бґрсиі юнгидан ясалган 1 дан 10 гача раіамли мгйіаламлардан фойдаланишни тавсия этамиз.

1.**Сиёµ мгйіалам** - 1,2,3 раіамли мґйіаламлар бґлиб, ахта ёрдамида наіш туширилгандан сґнг уларни юргизиб чиіиш ва гуллар тортишда ишлатилади. 4,5 раіамли мґйіаламлар эса банд ва марІґлаларни ранглашда іґлланилади.

2.**Оби мґйіалам** -6,7 раіамли мґйіаламлар бґлиб, улар барг, гул ва кичик юзларни ранглаш µамда наіш композицияларини чеккаларини (рамкаларни) юргизиб чиіиш учун ишлатилади.

3.**Мола мґйіаламлари** - 8,9,10 раіамли мґйіаламлар бґлиб, катта барг, банд, гуллар ва наішлар тагига (катта замин, кичик заминга) ранг бериш учун фойдланилади.

Наііошликда ишлатиладиган бґёі турлари іуйидагилардан иборат: іуруі бґёі, гуаш,акварель, эмульсия, бґёі, минерал бґёі, мойбґёі, темпера бґёілари. Наііошлик машІулотларида энг кґп іґлланиладиган бґёі гуашдир. Гуаш кичик идишчаларда ёки алоµида банкаларда бґлиб… у сувда яхши эрийди. Гуашнинг яна бир іулайлиги шундаки… у билан турли рангдаги іоІозлар ва

ёIочларни µам бґяш… бир рангни иккинчи ранг билан аралаштириб, учинчи бир ранг µосил іилиш мумкин. ***-расм.***

Ѓар бир бґёі алоµида стакан ёки кичик идишчада тайёрланади… алоµида таёіча билан аралаштирилади.

Бґёі зарур суюіликда ва тиниіликда тайёрланиши лозим. Бунда оі бґёіни бошіа бґёілар билан аралаштириб… керакли рангни топа билиш муµим ахамиятга эга. ЁIоч буюмларни наішлаш учун іуйидаги асбоб-ускуна ва материаллар керак: ёIоч, белчалар, жилвир іоIоз, бґр, писта кґмир, синька, дока, хитой іоIози (калка), нина, алиф, елим, іуруі кукунли бґёілар, лак, 1-20 номерли мґйіаламлар, идишчалар ва бошіалар. Наіш муаллими ґіувчиларга бу асбобларни ишга тайёрлаш ва улардан фойдаланиш йґлларини ґргатади.

Талабалар ёIоч буюмларни наішлашлари учун ёIоч турлари ва уларнинг хусусиятларини билишлари керак. Чунки наіш ишлашга µар іандай ёIоч µам ярайвермайди. Наіш ишлаш учун мос ёIоч танлангандан кейин унга дастлабки ишлов берилади ва юза текисланади (шпаклёвка іилинади) µамда текисланган юза бґёі билан бґялади (грунтовка іилинади). ***-расм***

Наіш ишлаш учун іайин, іора іайин, терак, іараIай, нок, ёнIоі ва бошіа ёIочлар танланади. Бу ёIочлар табиий шароит яхши іуритилган ва µеч іандай нуісонсиз бґлиши керак. ЁIоч юзасига механик ишлов берилгандан сґнг унга алиф мойи ёки дурадгорлик елими сурилади.

**Хока тайёрлаш:** юпіа мато ёки икки іават докага майдаланган писта кґмир кукуни, синька, бґр ёки белил порошоги солинади ва халтача холида тугилади. Шу билан хока тайёр бґлади.

**Ахта тайёрлаш:** юпіа хитой іоIози (калка) наішланадиган буюм юзасига іґйилиб, ґлчаб олинади ва шу юзага мос ахта тайёрланади. Наішнинг ярим ёки чорак іисми іоIозга юмшоі іора іалам билан чизилади. ***-расм.***

Наіш симметрик ґілари бґйича икки, тґрт ва ундан ортиі бґлакларга букланади. Наішни юмшоі ёстиіча устига іґйиб, нусµа устини игна билан тешиб чиіилади. Тешилган нусµа аниі ва равшан кґриниши учун тешикчалар оралиIи наіш нусµасининг йирик ёки майдалигига іараб белгиланади. Нусµа іанчалик

майда бґлса, тешикчалар оралиІи шунчалик яіин бґлиши керак. Шундан сґнг іоІоз ёйиб юборилганда бутун наіш (ахта), яъни нусµа µосил бґлади. Тайёрланган ахталардан бир неча маротаба фойдаланилади, шунинг учун улар эҳтиётлаб саіланади. Ахта ёІоч юзасига ёйилиб, устидан хока уриб чиіилади ёки босиб юргизилади. Юзага туширилган из ґчиб кетмаслиги учун наіш йґллари устидан кичик раіамли мґйіалам, іора ёки бирор тґі рангдаги іалам билан сиёµ-іалам іилиб чиіилади. Чизилган ва наішланган юзанинг энг четидан іора бґёі билан 3-5 мм йґІонликда оби тортилади.

Ёгоч юзасига туширилган наішларнинг излари бґялади ва буёілар ґчиб ва суркалиб кетмаслиги учун устидан 2 ёки 3 марта лаклаб чиіилади. Лакларнинг ранги тоза ва тиниі бґлиши керак. Лакланган буюмлар 18-22 градусли, чангсиз ва іуруі жойда саіланади.

## IV-БОБ. НА□□ОШЛИКДА СТИЛИЗАЦИЯ.
### ***□симлик ва хайвонот дунёси буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мева шаклларини □айта ишлаш.***

Наііошлик санъатининг илдизи жуда іадим ґтмишимизга бориб таіалади. Инсоният ґзи учун зарур бґлган жамики буюмларни бадиий безаб, такомиллаштириб келган. Оддий рґзІор буюмларидан тортиб, кийим-кечак, китоб, бино безаклари µамма-µаммаси наіш элементлари ёрдамида безатилади. Халі амалий санъатидаги безак элементлари табиатда учровчи ґсимлик дунёси, гул, новда, барг ва µайвонлар тасвирини энг сода кґринишидаги аксидир.

Наішни чизишда, асосан икки манбадан – табиий ва геометрик шакллардан фойдаланилади. ¤симликлар, хайвонлар ва іушлар наіш санъатининг тасвир объектидир. ***-расм***.

Маълумки, µар бир наіш намунаси ґзига хос наіш элементларининг йиІиндисидан иборат. Стилизация ґсимлик ва µайвонот дунёсидан олинган турли шакллар масалан, буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мевалар ва шу кабиларнинг табиий шаклларини іайта ишлаш демакдир. Бунда танланган шаклни наіш композицияси таркибига іґшиш мумкин бґлган безак шаклига келтирилади. Бунда ґіувчи бутун бир яхлит предметнинг ташіи кґринишларини

бир нечта бадиий чизиілар ёрдамида аниі лґнда іилиб тасвирлашни ґрганади. Халі усталари іадимдан іґллаб келаётган жами наішлар табиат µамда воіеликнинг шартли тасвири бґлишига іарамасдан ґзига хос іонун-іоидаларга эга. Бу іонун-іоидалар табиатнинг ґзидан олинган. ¤симликлар фаіат бир томонга іараб ґсадилар. Масалан, мажнунтол худди пастга іараб тескари ґсаётгандек туюлади, лекин новдадан барг бґлиб, бир томонлама йґналишда давом этиб келади. Табиатнинг бу іонуни наішда ґз аксини топган. Уста чизадиган наіш шунчаки іоIоз бетини тґлдириш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадиийлик іонун-іоидаларига амал іилган µолда манзара тасвирини чизишдан иборатдир. ***-расм.***

Бадиий наіш ишлаш жараёнида ґіувчилар іуйидагиларни пухта ґзлаштириб олишлари зарур:

- атроф муµитдаги, табиатда мавжуд бґлган табиий шаклларни іайта ишлаш, яъни стилизациялаш йґлларини билишлари, ундан самарали фойдалана олишлари;
- берилган наіш элементлари ёки намуна асосида янги наіш композициясини туза олишлари;
- мустаіил равишда янги наіш композициясини туза оладиган бґлишлари керак.

Наіш элементлари билан таништирув машIулотларида ґіитувчи ґіувчиларни табиат іґйнига саёµатга олиб чиіади ва улар машIулотларда ґрганган назарий µамда амалий билим малакалари асосида, ґсимликлар, µайвонот дунёсини кузатадилар ва “стилизациялаштириш” оріали уларнинг бадиий тасвирларини, шаклларини µосил іилиш билан бевосита шуIулланадилар. ¤іувчиларга махсус кетма-кетлик асосида тузилган рангли ёки оі-іора фото-суратлардан ва кґргазмали іуроллардан фойдаланиш оріали тушунчалар бериш µам яхши натижа беради.

Стилизация табиатда учрайдиган ґсимликлар, µайвонот дунёсини, уй-рґзIор буюмларини табиий кґринишдан анча соддалаштириб, энг ихчам кґринишларда тасвирлаш демакдир. Наіш чизишни ґрганувчилар ана шу усулни

батафсил тушунган µолда эгаллаб олишлари лозим. Чунки кўпгина наiш композициялари ана шу тарзда iайта ишланган турли-туман шакллар, тасвирлар ёрдамида µосил iилинади.

Наiiошлик машIулотлари жараёнида наiш элементларини чизиш ва уларни µосил iилиш тартиблари йўллари ва усуллари ўзлаштириб борилади. Дастлабки машIулотларда iуйидаги наiш элементлари чизиб ўрганилади:

- барглар (барг элементларини чизиш).
- гуллар (гул элементларини чизиш).
- новдалар (новда элементларини чизиш).
- боIлам ва сиртмоi (уларни элементларини чизиш).
- таноб (таноб элементларини чизиш).
- марIула ва куртак (унинг элементларини чизиш).
- мадоµил элементларини чизиш.
- гажак ва жингалак элементларини чизиш.
- бофта ва шкуфта элементларини чизиш.

Одатда бадиий наiшлар чизишда кўпроi барг тасвирларидан фойдаланилади. Бунда барг ислимий наiш элементлари сирасига кирганлиги сабабли нозик, нафис кўринишларда тасвирланади. Наiiошлар тол, анор, хурмо, бодом, самбит, хина, атиргул, узумлар ва шу кабилар баргларини стилизациялаштириб, наiш композициясини тузишда iадимдан фойдаланиб келганлар. ***-расм.***

Гуллар - ислимий наiш элементи бўлиб, наiшларга тарIил пардоз берилганидан сўнг янада кўрк ва µусн баIишлайди. Гул элементлари асосан наiш шаклларининг марказий iисмларига жойлаштирилади. Гулларнинг µам беµисоб турлари мавжуд бўлиб, ўзига хос номлар билан аталади. Гул турларига оддий ва мураккаб кўринишдаги ойгул, лола, пахтагул, чиннигул, пистагул, кувачагул, карнайгул, сафсаргул, атиргул, наргизагул ва бошiа гул турлари киради.

Новда - ўсимликсимон наiш элементи сирасига киради. Гул, барг, мевабарг ва бошiа элементларини ўзаро боIлаб бириктириб тўлдиради. Намоён

рута, морпеч, мунаббат, турунж ва турли мураккаб наіш композицияларида новда элементлари якка ва іґш бандларда учрайди.

Таноб - наіш намуналаридаги асосий шакл йґлларини ясайди. Бундай шакл номлари меµроб, медоµил іалампир, гардиш ва шу кабилар билан аталади.

Мадоµил – ислимий наіш элементи. Мадоµил лола, тумор, учбурчак кґринишини эслатувчи шакллар мисолида учрайди.

Шкуфта – ислимий наіш элементи. Jисіача шкуфт деб µам аталади. Шкуфта асосий шакл ясовчи элементларни куртак – гажак кґринишларида ґзаро боІлайди. ***-расм***

Рамзий наішлар – кабутар, шер, балиі, давлат герби ва бошіаларнинг стиллаштириб тасвирланган элементларидан ташкил топади.

Ота-боболаримизнинг іадимий обидаларини нафис наішлар билан безар эканлар заві билан бир іаторда улар оріали ґз орзу умидларини, муµаббатларини, тилакларини куйлаганлар. Наііош, ота-боболаримиз инсон руµиятини жуда чуіур ва µар тарафлама ґрганиб уларни ажойиб наішу нигорлар билан бойитганлар. Наішланган уйда кишилар µотиржам, осойишталик оІушида бґлиши, узоі умр кґришни донишманд боболар асрлар давомида µаётий тажрибалар асосида илІаганлар. Наііошлик санъати тилини билиш учун наішнинг µар бир элементи ва рангларининг рамзий алифбосини билмоі керак бґлган.

## V-БОБ. ИСЛИМИ НАҚШ КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ТУЗИШ.
## (Йўл, квадрат, айлана, учбурчак ва турли шакл юзаларига)

Халі амалий санъатининг іайси бир тури бґлмасин, унинг заминида наіш элементларидан тузилган композиция ётади.

Наіш композициясининг безак элементлари эса табиатда учровчи гул, новда, барг, парранда ва µайвонот дунёсини соддалаштириб тасвирлаш натижасида µосил іилинади.

Ѓар бир воµа ва шаµарларнинг наіш композициялари бир-биридан ѓзаро ажралиб туради. Тошкент, Хоразм,  ФарІона, Самаріанд, Бухоро наіiошлик мактабларининг ѓз орнамент ва ранг коллоритлари мавжуд. Мустаіил наіш тузиш жараёнида стилизация оріали наіш элементлари ѓзаро бириктирилади. Наіш бѓлакларининг вазифалари ва равон чизилишига эътибор берилади. Гул, барг, новда, бофта ва іѓш бандлик наіш элементларидан наіш композицияси тузилади.  ***-расм.***

Талабаларнинг фантазиялари, мавжуд наіш элементларини маълум іонун-іоидаларга амал іилган µолда жойлаштиришда улар маълум билим ва малакага эга бѓлишлари лозимлигини таіозо этади. Биргина “Бодом”, “Јалампир” нусµалари шаклидан наіiошлик, заргарлик, кулолчилик, каштачилик, зардѓзлик каби халі амалий санъатида турли-туман ѓзига хос наіш намуналарини яратиш мумкин. Композиция тузиш йѓллари ва уларнинг µомаки намуналарини тайёрлаш наіiошлик, ганчкорлик, ёІоч ѓймакорлик ва бошіа амалий санъат турлари учун умумийдек кѓринсада, аслида іѓлланиладиган хом ашёси, ижро пардоз турлари билан фаріланади.  **-расм**

Композиция сѓзи лотинча бѓлиб “жойлаштириш, іуриш, тузиш” деган маънони англатади. Бунда танланган наіш композициясига кѓра унинг элементлари іоІоз юзасида бир-бирига боІлиі µолда жойлашиб, яхлит композицияни µосил іилади. Танланган мавзу мазмунига мос келадиган наіш композициясини тузиш учун бир іанча µомаки эскизлар ишланади ва улардан талабга жавоб берадиганлари танлаб олиниб, композиция тузишда іѓлланилади. Наіш композициялар тузишда бѓлакларнинг ѓрнини алмаштириш, іѓшимча деталлар киритиш оріали унинг мавзусини янада бойитиш кабилар µам муµим аµамиятга эгадир. Наіш мавзусининг ифодалашда композициянинг асосий іонуниятларига риоя іилиш лозим.

Композицияда наіш яратиш муайян іоидасини симметрия, ассиметрия, мувозанат, деталларнинг ѓлчови, шакли, ранги кабиларга риоя іилиш ташкил этади ва бунга іатъий амал іилинади.

Мустаіил наіш тґіиш жараёнида ґіувчилар стилизация оріали тузилган элементларини ґзаро бириктирадиган наіш элементларининг вазифаларига ва уларнинг равон чизилишига эьтибор берадилар.

Мустаіил наіш композициясини тузишда іуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Чизилажак наіш композициясини шакл, ґлчам ва таісимларини мґлжалга олиш.
- Композициянинг якка ёки іґш банддан иборат бґлишлиги назарда тутилган µолда таноб (ясовчи) элементи шаклларини жойлаштириш.
- Композицияга новда, барг, гул ва бошіа наіш элементларини киритиб мукаммаллаштириш.
- Даврий такрорланиш.
- Наіш бандини бофта, шкуфта элементлари билан боIлаб бойитиш.
- Композициянинг асосий шаклини умумлаштириб наішни номлаш.
- Композициянинг маъно ва маісадини µисобга олган µолда ранг тусларини аниілаш.
- Симметрик жойлашув ва ранглар мутаносиблигини саілаш.

***-расм.***

Йґл, айлана, квадрат шакллари учун чизиладиган наіш композициялари µам ихтиёрий равишда мавжуд наіш элементлари бирикмаларидан тузилади.

Мустаіил наіш тґіишни бошлашда ґіувчи икки, уч ва ундан ортиі элементлар ёрдамида энг содда наіш композицияларниларини тузиши мумкин. Бунда ихтиёрий таноб шакли чизилади ва гул, новда, барг элементлари ёрдамида тґлдирилади. Мавжуд композицияни шакл ёки гул элементлари номлари ёрдамида номлаш мумкин.

Йґл, айлана, квадратга чизиладиган наіш композицияларини µам ихтиёрий равишда мавжуд наіш элементлари бирикмасидан тузилади. Ґар іандай наіш композициялари пишиі ва чиройли чизилишига аµамият берилиши керак. ***-расм***.

Элементларнинг ґзаро тартибли жойлашуви наімнинг жозибасини янада оширади.

Мустаіил наіш композициясини тузишда µам халі усталари ижодини кузатиш, халі амалий санъати музейига бориш ва нусµа кґчириш яхши самара беради. ¤іувчи іанча кґп наіш элементларини ёддан чиза олса, композиция тузиш шунчалик осон кечади.

Содда наіш композициясини тузиш.

БошланІич содда наіш композицияларини тузиш одатда талабаларда бу борада айрим назарий ва амалий тушунчалар, иш тажрибалари µосил бґлганидан сґнг мустаіил топшириі сифатида берилиши мумкин. Дастлаб талабалар буюм ёки юза сиртини, унинг ґзига хос ґлчамларини диііат билан кґздан кечириб, бґлажак наіш композициясининг шакл ва элементларини “хаёлан” танлаб оладилар. Албатта, бу наіш элементлари талабалар томонидан іачонлардир ґзлаштириб олинган ёки кузатилган наіш бґлакларидан иборат бґлади. Бунда талабаларнинг тасаввурлари, иш тажрибалари, фикр юритишлари іанчалик яхши ривожланган бґлса, шунингдек, хотиралари заµирасида іанчалик кґп наіш элементлари мавжуд бґлса, улар ажойиб наіш композицияларини тузишлари мумкин бґлади. Тузилажак наіш композициялари бґлаклар асосида тузилиб, унинг нусµаси махсус усулда керакли жойларга кґчирилиб туширилади. Бу усулдан фойдаланиш узоі ваітлар мобайнида наііошлар меµнатини анча енгиллаштириб келмоіда. Шу кґрсатмаларга мувофиі шакл ясовчи режа- іолип 4\1 нисбатда чизиб олинади. Рамка чизиілари якка, іґш ва бир неча іґшимча чизиілардан иборат бґлиши мумкин. Патнис кґринишидаги бу шаклга бофта ва гажак элементлари уланади. Навбатдаги босіич якка ёки іґш бандли таноб ясовчисини топишдир. Таноб шакли меµроб ва юрак шаклидан иборат бґлиши µам мумкин. Машілар давомида чизиілар µаракатининг равонлигига шакл чизиіларининг іийшиі ёки синиі µолатда чизилиб іолмаслигига эътибор іаратилади. Якка банд йґлидан иборат таноб айриси шкуфта элементи билан боІланади. Энди юза бґшлиіларига гул, новда, барг ва бошіа элементларни бир-бирига боІлаган µолда жойлаштириш

режалаштирилади. Новда шакллар бўйича ҳаракатлантирилиб чизиб борилади. Композиция таркибидаги новданинг чизилиши гул ва бошқа нақш элементларининг бир-бирлари билан яхлит, узвий боғланиб кетишини таъминлайди. Нақш намунасига новда, гул ва барг элементларини жойлаштириш, яъни улаш натижасида композиция мазмуни тугал ечимини топади, мавжуд нақш композицияси патнис кўринишидаги нақшлар турига хос бўлганлиги сабабли “Патнис ислими” деб аталади. ***-расм.***

Композиция режасини тузиш ва чизиш жараёнида шакл ва замин бўйича тақсимловчи ранглар ва элементларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳисобга олиниши шарт. Бунинг учун дастлаб нақш композициясининг қоралама нусхаси чизиб олинади. Сўнг, ана шу қоралама асосида ҳар бир бўлакка ишлов берилган ҳолда унинг нусҳаси керакли жойларга кўчирилади ва яхлит нақш композицияси тузилади.

Нақшлар мазмунига кўра ўсимликсимон, гирих, гулли гирих, рамзий ва бошқа турларга бўлинади. Ўсимликсимон нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута ғунча ва бошқа нарсаларни нақкош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган. Гирих- геометрик шакллардан тузилган бўлиб, чигал, тугун маъносини англатади. Хандасий нақш - мураккаб нақш тури. У геометрик нақш турларидан бири бўлиб, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлардан ҳамда кўпбурчаклардан иборат бўлади. Геометрик нақш узлуксиз раппортлардан ташкил топган бўлиб, ҳар бир раппорт ўз тузилишига эга бўлади.

Рута - икки томонга уланувчи нақш тақсими, яъни ҳошия нақш. Унинг ўлчами кўпинча 14-20 см атрофида бўлади. Ҳошия нақш турли хил бўлиб, унинг мехробга, хонага ишланишига қараб лўла ҳошия, ишком ва бошқа турлари бўлади.

Мунаббат - арабча ўстирмоқ деган маънони англатади. Асоси квадрат ёки тўртбурчакдан ташкил топиб, тўрт томонга такрорланадиган нақш тақсими. Катта юзаларни безашда мунаббатдан фойдаланилади. Мунаббатнинг ўсимликсимон, геометрик ва бошқа композицион турлари бор. Унинг мунаббати

меµроб, мунаббати бофта, мунаббати ислими, мунаббати гирих ва бошіа атамалари мавжуд.

Турунж - арабча “лимон” деган маънони билдиради. Русча медальон. Наішларда композициянинг марказига чизиладиган наіш тури. Турунж µеч іандай наішга уланмай муаллаі турадиган композиция бґлиб, унинг шакли асрлар давомида ривожланиб, бойитилган.

Намоён - форсча кґриниш, манзара демакдир. Намоён µеч нимага уланмайдиган мустаіил композиция бґлиб, мураккаб наіш турига киради. Унинг ґсимликсимон, геометрик, гулли гирих, рамзий ва бошіа турлари мавжуд. Намоёнлар симметрик ва ассимметрик тузилишга эга бґлади. ***–расм***

***Рангшунослик ва унинг наіiошликда тутган ґрни.Ранглар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бўёқлар тайёрлаш технологияси. Ранг колорити. Ранглаш технологияси. Пардоз турлари: сиёҳ қалам, тарғил, тароқ, оби тортиш ва бошқалар.***

Бадиий наіiошликда наіш элементлари, безаклар ва турли шакллар, композиция іонуниятларидан ташіари уни бґяшда іґлланиладиган бґëі турлари ва уларнинг ґзига хос хусусиятлари, ранг туслари, ранг калорити, рангларнинг µамоµангликлари ва шу кабилар муµим аµамиятга эгадир. Агарда биз µалі µунарманд усталари томонидан ишланган Амалий санъат намуналарини кузатадиган бґлсак, уларнинг у ёки бу ранг туслари таъсирига, яъни ранг калоритига бґйсундирилганлигини кґрамиз. Шунга кґра жигар ранг, µаво ранг, яшил ранг ва шу каби  ранглар муµитига ґралган наіш композициялари яратилади.

Бадиий наіiошликда µам сув ва мойбґëілардан кенг кґламда фойдаланилади. Бу эса ґз навбатида тґгарак іатнашчиларидан рангшунослик борасида µам керакли билим ва Амалий малакаларга эга бґлишлари лозимлигини таіозо этади.

Атроф-муµитдаги нарсалар тушаётган ёруІлик таъсири остида ґзларининг ранг тусларини тез-тез ґзгартириб туради. Масалан, іуёш нури ён томондан ёритиб турган майсаларнинг ранги сарІиш-яшил кґринишда бґлса, худи шу майсанинг сояда турганлари бироз тґіроі яшил рангда кґринади. Наіiошликда

µам рангларнинг ана шу µусусиятларини µисобга олган µолда иш кґриш лозим бґлади. Агарда ишланадиган наіш ёруІроі жойга іґйиладиган ёки ишланадиган бґлса, ранг тусларини бироз тґіроі олиш мумкин. Аксинча, бир оз ёруІлик нурлари камроі тушадиган ерларга жойлаштириладиган бґлса ёруІроі кґринишдаги ранг тусларидан фойдаланилади.

Тайёр наіш намуналарини бґяшда бир рангнинг бир неча хил туслари іґлланилади. Бунда оі бґёі асосий ґринни эгаллайди. Акварел бґёілари билан іоІозга ишланган наішларни ранглаётганда эса сув - ранг тусини очлаштирувчи восита сифатида ката аµамиятга эгадир.

Шуни эсда тутиш лозимки, айрим бґёіларни бир-бирлари билан аралаштиришда баъзи бир эхтиёж чораларини кґриш лозим бґлади. Чунки, тґі ранг тусига эга бґлган бґёі таркибига бошіа ранг аралаштирилса унинг туси µам тґілашади. Бу эса ґз навбатида ранг тусини тиниілик даражасига таъсир кґрсатади. Айниіса, мой бґёіларида ишланган наішларнинг туслари кейинчалик тґілашиб, іорайиб кетишга мойил бґлади. Агарда наішлар узоі ваіт саілаш учун мґлжалланган бґлса, уларни иложи борича очиі ранг тусларида бґяш тавсия этилади. Умуман олганда наіш сиртига иложи борича іуёш нури тушмайдиган бґлиши лозим. Шунингдек, нам µаво ёки сув тегиши µам наішнинг узоі муддатга саіланиши учун жиддий тґсиі бґлиши мумкин. Умуман олганда бадиий наііошликда ана шу шароитларни µисобга олиш керак бґлади.

Бадиий наііошликда іуйидаги ранглар ва уларнинг тусларидан кенг кґламда фойдаланилади:

***Зангори ранглар ва уларнинг туслари*** (оч зангори, зангори, тґі зангори, оч µаво ранг, µаво ранг, тґі µаво ранг, мовий, кґк)

***Сариі ранглар ва уларнинг туслари*** (оч сариі, сариі, тґі сариі, сарІиш, лимонли сариі, кадмийли сариі, сарІиш зарІалдоі)

***Јизил ранглар ва уларнинг туслари*** (оч іизил, іизил, тґі іизил, оч ва тґі іирмизи, іирмизи, алвон ранг, оч ва тґі зарІадоі, зарІалдоі ранглар ва бошіалар)

***Яшил ранг ва уларнинг туслари*** (оч ва тґі яшил, яшил, сарІиш яшил, тґтёйи (тґтаки), зайнови (чиройли ґткир ранг яшил), зумрад ранг, кґкиш яшил)

***Бинафша ранг ва уларнинг туслари*** (оч ва тґі бинафша, бинафша, сиёµ ранг, кґкиш бинафша, іизІиш бинафша ва шу кабилар)

***Жигар ранглар ва луранинг туслари*** (оч ва тґі жигар ранг, жигар ранг, іизІш ва сарІиш жигар ранг, іорамтир жигар ранг ва бошіалар)

***Јора ранг ва уларнинг туслари*** (оч ва тґі іора, іора, оч ва тґі кул ранг, кул ранг ва шу кабилар)

Юіорида кґрсатиб ґтилган ранглар ва уларнинг туслари кґпинча бадиий наіш калоритини белгилашда юіори ґринда туради. Шунга кґра ранг муµити бирор бир аниі ранг туси калоритига бґйсундирилади. Масалан, жигар ранг, µаво ранг, сарІиш ёки іизІиш ранглар муµитида ишланган наіш композициялари шулар жумласига киради.

## VI-БОБ. ГИРИХ НА□Ш КОМПОЗИЦИЯЛАРИ ТУЗИШ.

### На□ш композицияларини ҳосил □илиш ва уни ранглашда Corel Draw Graphics Suite дастуридан фойдаланиш

¤рта Осиё халі амалий санъати іадимдан машµур. Ота-боболаримиз яратган нодир санъат асарлари, улар іурган муµташам бинолар, архитектура ёдгорликлари µозирги кунгача ґз мафтункорлигини йґіотмаган. Ґатто чет эллик сайёµлар µам іадимий ёдгорликларни кґриб лол іолмоідалар. Булар жумласига Бухородаги Исмоил Сомоний маібараси, Калон минораси, Самаріанддаги Шоµи-зинда маібараси, Гґри Амир маібараси, УлуІбек, Шердор, Тиллаіори мадрасалари киради. Юзлаб халі меъморларининг іґллари билан яратилган жонли наішлар кишиларга кґтаринки руµ баІишлайди. Чунончи, УлуІбек мадрасасини томоша іилар эканмиз, унинг таълим-тарбия маісадида бунёд этилганлиги наііошлар безаги оріали сезилиб турибди. Мадраса безагидаги бир-

бирини кесиб ґтган беµисоб чизиілардан ташкил топган наішлар чараілаб турган юлдузларни эслатади. Ана шу кґп бурчакли ва іиррали юлдузлардан ташкил топган геометрик наішлар гирих деб юритилади. ***-расм.***

¤рта Осиё ва яіин Шарі мамлакатлари безак санъатида гирих IX-XX асрларда равнаі топган. Археология фанининг маълумотларига іараганда ¤рта Осиё безакларида гирих наішини вужудга келиши VIII асрнинг бошларига бориб таіалади (Варахша ганч ґймакорлик намуналари, МуІ тоІидаги топилмалар - СґІд іалъаси). Зарафшон водийси, Хива (IX-XII асрлар)даги археологик топилмалар, XIV- XVII ґрта асрларга оид Бухоро, Самаріанд, Хива шаµарларда масжид, маібара ва саройларини безашда гирих кенг іґлланилган. Аниі фанлар ва іурилиш ишларидаги мувафаііиятлар ушбу безак санъатидаги мавµум геометрик шакллар учун йґл очиб берди.

Гирих – форсча чигал, тугун деган маънони англатади. Гирих мураккаб наіш турига киради. Геометрик наіш муайян таісимларга эга бґлади. Ґар бир таісимнинг ґз тузулиши мавжуд бґлади. Гирих іатъий іонуниятга эга мураккаб шакллар асосида такрорланади. Демак, µар бир гирих µандасавий (геометрик) іонуниятлар асосида вужудга келади. Гирих ґзининг мураккаблиги, аниі іонуниятга эга бґлганлиги µамда кґркамлиги билан бошіа наіш турларидан ажралиб туради.

Гирих іатъий іонуниятга эга мураккаб наішдир. Уста ислимий нусха чизишда истаган томонга навдаларни йґналтириши мумкин. Агар маъіул бґлмаса ґчириб бошіа ёііа йґналтириб бґш ґринларни гул, Іунча ёки барглар билан тґлдириш мумкин. Лекин гирих на□шини чизишда уста чизаётган гирихга тобеъ бґлиб іолади. Чунки µар бир гирих µандасий (геометрик) іонуниятлар асосида вужудга келади. Хандасий наішлар ¤рта Осиё ва яіин шарі мамлакатларида жуда кенг таріалган. У ґзини мураккаблиги ва аниі іонуниятга эга бґлмаганлиги, кґркам ва вазминлиги билан совлат тґкиб туради. Бирон иншоатни безашда гирих билан ислимий биргаликда іґлланган бґлса, биринчи бґлиб кґзимизга гирих ташланади. Композицияда гирих етакчи ґринни, ислимий эса тґлдирувчи ґринни тутади. Шу сабабли гирих билан ислимий

биргаликда iґлланган композицияда ислимий гирих чизиIини кесиб ґтмайди. Гирих биринчи, ислимий иккинчи планда туради. Ѓар бир халіни ислимий ёки оддий ґсимликсимон наішларини кґрсак улар бир-биридан ажралиб туради. Чунки, µар ерни ґзига хос манзараси ва ґсимлик дунёси наішида акс этиб туради. Бундан маълум бґладики, ислимий наішлар географик характерга эга бґларкан. Гирихнинг Яна бир афзаллиги шундаки, у байналминал, географик характерга эга эмас: шу боис у ватан танламай ер юзининг µамма іитъасида ґз-ґрнини топа олади.

Гирих ¤рта Осиёда ва Яіин Шаріда кенг таріалган мураккаб наіш тури бґлиб, XII-XYI асрларда айниіса, ¤рта Осиёда жуда кенг таріалган, тараііий этган. Гирих яна Покистонда, Туркия, Испания, Япония каби мамлакатларда µам яхши ривожланган. Дунёда гирихнинг энг кґп таріалган жойи ¤рта Осиёдир.

Биз гирих композициялари билан архитектура ёдгорликларидан тортиб, китоб муіоваларигача безатилганлигини гувоµи бґламиз. ¤ша давр учун гирихни чизмачилик асбоблари, математика формалари асосида ишланиши катта илмий кашфиёт эди.

Шарінинг машµур олимларидан Абдулвафо ал Бузжоний (940-998) ґзининг китобларида 20 га яіин геометрик наішлар ечими тґIрисида ёзиб іолдирган. Бу китобларда гирихлар ечимининг баъзи осон йґллари тушунтириб ґтилган. Бу китоб µозирда Париждаги музейларнинг бирида саіланмоіда. Абдулвафо ал Бузжоний асарларида гирихлар µаіида маълумот берилган бґлсада, уларнинг кґпчилигини ечими µали µам жумбоілигича іолган. XYII асрга келиб гирих санъати жуда кам ишлатиладиган бґлди. Гирихчи усталар ниµоятда кам іолган, уни чизиш іийин бґлганлиги туфайли µамма усталар µам чиза олмаганлар. ¤ша даврларда гирих наішини яхши билган усталар етук усталар бґлиб µисобланган. Шундай усталардан бири Уста Ширин Муродовдир. У янги гирихларни осонлик билан чиза олган µамда ґз ґрнида усталик билан iґллай билган. У ґз даврида гирихни пири µисобланган. ***-расм.***

Санъатшунос олимлар Л.Рempельнинг “Панжара” ва “Архитектурний орнамент Узбекистана”. М.Булатовнинг “Геометрическая гармонизация Средней Азии IX-XY веков” каби асарларида гирих µаіида батафсил ёзиб ґтганлар.

Замонамизнинг гирихкор усталаридан бири З.Боситхоновдир. Уста педагог, ¤збекистон Бадиий Академияси Санъатшунослик илмий-тадіиіот институти фаµрий доктори Зокирхон Боситхонов гирихга оид наіш сирларини асосан меъморий бинолар іурилишида чуіур эгаллади. Унинг 1974 йилда Ойбек номидаги ¤збекистон тарихи музейи, 1975 йилда Москва шаµридаги ВДНХ, 1976 йилда Амалий безак санъати музейи учун ишланган гирих намуналари юксак моµорати ва бадиий иітидори билан намоён бґлади.

Зокир Боситхонов 1945 йилдан буён гирихлар тґІрисида изланишлар олиб бориб, уларнинг хилма-хил іонуниятларини кашф этиб келмоіда. У гирих санъати сир-асрорларига баІишланган іатор маіолалар муаллифи ва илмий анжуманлар іатнашчиси. Зокир Боситхонов гирих бґйича µозирги даврда ягона мутахассисдир. Уста 2001 йилнинг январь ойида шахсий кґргазма ташкил этди. Унинг кґргазмасидан ґрин олган 85 дан ортиі µилма-µил гирих композициялари санъат ихлосмандларида катта таъсурот іолдирди. Уста 400га яіин гирих намуналарини яратган. Айниіса, устанинг айланага гирих чизиш борасида олиб борган изланишлари тахсинга лойиідир.

Ґозир республикамизда талантли амалий санъат усталари Маµмуд Усмонов, Махмуд Тґраев, Анвар Илµомов, Комил Каримов, Умар Тохиров, Зиёвиддин Юсупов, Ґаётилла Абдуллаев ва бошіалар замонавий муµташам биноларни безатишда іґлланган гирихлари ґзининг соддалиги ва гґзаллиги, ечимининг оригиналлиги ва мукаммаллиги билан ажралиб туради. ***-расм.***

**На□ш композицияларини ҳосил □илиш ва уни ранглашда Corel Draw 13 Graphics Suite дастуридан фойдаланиш**

Corel Draw профессионал дастури график ишлар учун іулайликлар яратади. Бу дастур график дизайн саµифаларини ишлаб чиіиш, фотосуратларни таµлил іилиш ва вектор анимацияси борасида кґплаб имкониятлар яратади.

Дастур сизга ґз композициянгизни яратишда ва уни бажаришда керак бґлган µаракатларни бир неча бор іисіартиради. Масалан, янги элементлар: эллипс, тґІри бурчак ва эгри чизиілар оріали «сичіонча» тугмасининг икки мартта босилиши натижасида сизга керакли ґлчам ва бурилиш бурчагига эришасиз. Шунингдек сиз іисіа ваіт ичида **Web анимацияни** (саµифани µаракатга келтириш) яратишингиз мумкин.

Наіш композицияларини тузиш ва ранглашда **Corel Draw 13** профессионал график дастури жуда катта іулайликлар яратади. Ушбу дастур орқали қисқа вақт ичида наіш композициясини турли тусда ранглаб, ўзингизга ёққан колоритни танлаб олишингиз мумкин. Бу жараённи гирих наіш композициясини µосил іилиш ва ранглаш оріали кґриб чиіамиз. ***-расм***

Corel Draw 11 дастурини ишга тушириш учун унинг ёрлиІи расмини иш столидан топиб, устига сичіонча кґрсаткичини олиб келинади, сичіончанинг чап тугмасини икки мартта босилади.***32-расм*** Агар бу расмчани экрандан топа олмасангиз іуйида жойлашган масалалар понелидаги «**Пуск»** менюси устига сичіонча кґрсаткичини олиб келиб, чап тугмасини бир мартта босилади. Јуйдаги ойна намоён бґлади: ***(33-расм)*** Намоён бґлган рґйхатдан «**программы»** іисмини танланг. ¤нг томондаги рґйхатдан **Corel Draw 11** іаторини топинг ва устига сичіончанинг чап тугмасини бир мартта босинг. Бу амалларни бажаргандан сґнг **Corel Draw 11** дастури ишга тушади. «**Файл»** менюсидан «**импорт»** буйруІи танланади ва экранда іуйдаги ойна намоён бґлади***:(34-расм)*** Керакли расмни танлаб олиб, уни **«импорт»** іиламиз.Экранда танланган расм, яъни гирих композицияси пайдо бґлди ***(35-расм).*** «**Масштаб»** тугмачаси оріали гирих наішининг бир бґлаги катталаштириб олинади ***(36-расм).*** Шу бґлакни «**инструмент»** менюсидаги «**свободная рука»** иш іуроли билан чизиб олинади ***(37-расм).*** Чизилган чизиілар бирикмасини «**редактировать»** менюсидаги «**дублировать»** буйруІи оріали кґпайтириб , кейин уларни бириктириб оламиз ***(38-расм).*** Јуйдаги гирих композицияси µосил бґлади. Бириктириш **Shift** оріали менюдаги **«группа»** тугмаси билан бажарилади ***(39-расм).*** Кейин «**эффект»** менюсидаги «**контур»** очилади ***(40-***

***расм).*** ва «**сдвиг»**га керакли ґлчам іґйилиб, «**принять»** тугмаси босилади ***(41-расм).*** Шунда гирих композицияси іалинлиги µосил бґлади ***(42-расм).*** Сґнгра «**компонавать»** менюсидаги «**разбит на части»** буйруIи бажарилади ***(43-расм).*** ва ґртадаги чизиі белгилаб олиб ташланади***. (44-расм)*** Кейин композициянинг четига µошия чизиб, уни «**Shift»** оріали гирихга бириктирилади ва менюдаги «**комбинировать»** тугмачаси босилади ***(45-расм).*** Энди хохланган ранг пиктограммаси босилади. Мана гирих композицияси бир усулда рангланди **(46-расм).**

Ранглашнинг яна бир усули: обект танланиб , «**Shift»** оріали фон µам белгилаб олинади. Менюдан «**обрезка»** тугмаси босилади. ***(47-расм)*** Сґнгра объектни олиб ташлаймиз ва заминни (фонни) белгилаб оламиз. Менюдан «**разбить на части»** тугмаси босилади. ***(48-расм)*** Сґнгра гирихнинг µар бир бґлаклари турли рангда бґялади. ***(49-расм)*** Ниµоят биз хохлаган колоритдаги гирих композицияси µосил бґлди ***(50-расм).***

## VII-БОБ. БАДИИЙ ЛОЙИҲАЛАШ ҲА□ИДА МАЪЛУМОТ.
## Ашёларга бадиий ишлов бериш. Уй р□зғор буюмларини на□шлаш.

Халі амалий безак санъати ґзининг іадимий ва жозибалилиги билан кишиларни іалбидан чуіур жой олиб келмоіда. Айниіса, наііошлик санъатимиз анъаналарга бойдир. Нааіош усталаримизнинг иш услублари ранг-баранг ва серіирралиги билан ажралиб туради. Нааіош ґз ишида рангларнинг табиий жилосидан, бежирим шаклдан, материал фактурасидан моµирлик билан фойдаланиб ёріин ифодаликка эришади. ***-расм***

Инсоният ґзи учун зарур µисобланган барча кийим-кечак, рґзIор ва уй анжомларини доимо такомиллаштириб безаб келади. Шунинг билан бирга, µар іандай бадиий безатилган буюм ва жиµозларнинг ґз безатилиши усуллари ва материалларга бадиий ишлов бериш босіичлари мавжуд. Бундай безак ва ишлов берилиб ясалган буюмлар кишиларга эстетик завіі баIишлаб, µаётга бґлган муµаббатларини янада оширади. Jґли гул усталаримиз томонидан сайіал топаётган наііошлик, заргарлик, пичоічилик, каштачилик, ганчкорлик, ёIоч

ґймакорлик буюмлари нафаіат бугунимиз, балки, келажак авлодларимизнинг µам тарихий бойликлари, маънавий іадриятлари бґлиб µисобланади.

Биноларни наішлаш билан биргаликда, уй-рґзІор буюмларига µам наіш бериш µунари ривож топиб борган.¤рта аср миниатюралари ана шундан далолат беради. Наішли буюмлар авлоддан-авлоддга ґтиб келган, µам бадиий жиµатдан, µам хизмат іилиш нуітаи назаридан такомиллашиб борган ва узоі муддатли синовларга бардош берган. Улар одамларнинг руµий, аµлоіий ва жґшіин µаёти билан узвий боІлиі бґлган. ¤зларининг шакл-шамойиллари, ранг-баранглиги, нафислиги, пишиілиги жиµатдан ягона композицион маъно касб этиб, турмушга осонлик билан сингиб кетган. Хонтахталар, іутичалар, іаламдонларга жило ва безак беришда умумий бир іоидага таяниш, наішлар таліинидаги бир-бирига яіинлик худди мана шундан келиб чиіади.

Наішли ёІоч биноларни безашда муµим роль ґйнаган. Шу билан бирга у рґзІор буюмларини ясашда µам  кенг іґлланилган. Жумладан, жавон, іути, іаломдон, серµашам хонтахталар, миллий мусиіа асбоблари, шунингдек, XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида Европа шаµарлари аµолисига манзур бґлган кґп іиррали курсилар кенг іґлланилган. ***-расм***

Сґнгги асрларда ґзбек ґймакорларининг тасвирий услублари хилма хил бґлган. Юпіа рельефли наішларнинг турлари бой ва хилма хил бґлишига іарамай, усталар уларни асосан учта композицияли услуб гуруµларига бґлишади: *баІдоди*, *ислими* ва *паргори*. Ґар бир гуруµнинг ґзига хос безак мавзулари ва композицион тузилиши,ґймакорлик услублари ва наішли рельефнинг таъсир кучи уларни бир-биридан ажратиб туради.

***БаІдоди*** услубидаги ґймакорлик бир мунча содда геометрик чизиілардан иборат. Јадимда баІдодининг хилма хил турлари рґзІор буюмларини безашда кенг іґлланилган.

***Ислими*** услубидаги ґймакорлик асосида деярли азалдан бутун ¤рта ва Яіин Шаріда маълум бґлган µамда кенг таріалган классик безакнинг ислими мавзусидаги хилма-хил ґсимлик ва ґсимликсимон геометрик шакллар ётади. Бу хил безакларнинг шакл ва композиция жиµатидан ґзларига хос іатъий іонун-

іоидалари бор. У бир текисда, Іунча,барг,гуллар билан іопланган серµашам шохлардан иборат бѓлиб, бошіа шу хилдаги шаклларга чатишиб кетган бѓлади. Ислими наіши юпіа рельефли ѓймакорлик тарзида танланган фон бѓйича ишланади. Кѓпинча рельеф билан фонга яхшилаб сайіал берилади.

Нозик фонли ѓймакорликнинг махсус турларидан бири ***паргори*** услубидир, бу услуб асосида доира, тѓртбурчак ва учбурчаклардан иборат геометрик тѓіима яъни композиция ётади. Паргорининг намуналари Тошкентлик истеъдодли наіiош, Меµнат Јаµрамони Сулаймон Хѓжаев µамда іѓіонлик машµур усталар-Ѓайдар Нажмитдинов ва унинг ѓІли Јодиржон Ѓайдаровнинг ижодида ѓз аксини топган. Бу уста ѓймакорликнинг барча турларини,жумладан, терма ѓймакорлик услубини эгаллаган, кѓп µолларда паргори ва ислими усулларини биргаликда іѓллайди.

¤збекистонинг анъанавий меъморчилигида наііошликдан нафаіат бино безакчилигида, балки ёІочдан ясалган буюмларни безашда µам кенг іѓлланилган. Буларга мебеллар, совІалар, мусиіа асбоблари ва уй-рѓзІор буюмлари киради (іутича, хонтахта, стол, стуллар, шахмат стол, туздон, нон идиш, іошиі, лаган, сандиі ва µ.к). ***-расм***

Уй-рѓзІор жиµозларига бадиий ишлов бериш асосан уларга наіш намуналарини тушуриш, пардозлаш кишидан анчагина малака ва нозикликни талаб этади. Зеро ёІоч буюмларини наішлашдаги халі усталаримизнинг ютуілари улкандир. Уларнинг ижод намуналари турли музей, кѓргазма заллари, бадиий салонлардан кенг ѓрин олган. Шу билан бирга, бу санъат намуналарини нафаіат республика миіиёсидаги кѓргазмаларда, балки, нуфузли чет эл кѓргазмаларида µам юіори ѓринларни олиб іайтган. Халі амалий санъатининг, асосан наііошлик санъатининг нуфузини оширишда халі усталари О.Јосимжонов, Ё.Рауфов, А.Болтаев, С.Норіѓзиев, А.Азимов, А.Исаев, Б.Абдуллаев, Т.Тѓхтахѓжаев, Ж.Хакимов, Т.Ахмедов, К.Каримов, М.Тѓраев, А.Илµомовларнинг хизматлари катта. ***(-расм).***

ЁІоч буюмларни наішлаш учун іуйидаги асбоб-ускуна ва материаллар керак бѓлади: еІоч белчалар, жилвир, іоІоз, бѓр, писта, кѓмир, синька, дока,

хитой ioIози, нина, алиф, елим, iуруi кукунли бгёiлар, олтин ва кумуш кукунли бгёiлар, лак, 1-20 номерли мґйiаламлар, муштабель, идишчалар ва бошiалар.

Наiш ишлаш учун iайин, iора iайин, терак, iараIай, нок, ёнIоi, ДСП ва бошiа ёIочлар танланади. ЁIоч буюмларини наiшлаш учун яна шпаклёвка, хока ва ахта тайёрланади. Наiiошликда ишлатиладиган бґёi турлари iуйидагилардан иборат: iуруi бґёi, гуаш, акварель, эмульсия бґёi, минерал бґёi, мойбґёi, темпера бгёiлари. ЁIоч буюмларини наiшлашда энг кґп iґлланиладиган бґёi гуашдир. Бґёi зарур iуюiликда ва тиниiликда тайёрланиши лозим. Бунинг учун оi бгёини бошiа бгёiлар билан аралаштириб, керакли рангни топа билиш муµим аµамиятга эга. ЁIоч буюмларига бадиий ишлов беришда аввал буюмни жилвир ioIози билан жилвирланади. Сґнгра унга алиф мойи ёки дурадгорлик елими сурилади. ЁIочнинг уланган ерлари ва чокларига шпаклёвка суриб чиiилади. Шпаклёвка iуригач, майда донали жилвир ioIоз билан буюм сатµи силлиiланади. Буюмга ахта ва улги ёрдамида наiш туширилади. Буюмга сатµидаги наiшлар рангланиб пардозланади, µамда рангсиз лак билан лакланади. Лакларнинг ранги тоза ва тиниi бґлиши керак. Бунда рангсиз, спиртли ва смолали лаклардан фойдаланилади.

**ЁIоч буюмлар iуйидаги кетма-кетликка асосан наiшланади**:

1. ЁIочнинг турлари ва унинг хусусиятлари µаiида маълумот.
2. Шпаклёвка тайёрлаш. Шпател ёрдамида юзани шпаклёвкалаш. У iуригандан сґнг iум ioIозда силлиiланади.
3. Буюм юзасига мослаб наiш композициясини тузиш. Тузилган наiш нусµасини ахта ва хока ёрдамида буюм юзасига туширилади. Сґнг тушган нусхани iаламда яхшилаб чизиб чиiилади.
4. Танланган колорит бгйича наiш композициясини ранглаш. Наiш бирор гаммада масалан, яшил, зангори, жигар ранг, пушти, лимон рангларда бґладиган бґлса, шу хукумрон рангга бгйсундирилади. Иш давомида ранглар гармонлисига, фактурага ва контрасликка эътибор бериш керак.

5. Композицияни пардозлаш. Сиёµ-іалам, тарІил, тароµ тортилади. Пардоз ранги композиция колоритига мос равишда танланади.
6. Буюмни лаклаш. Лаклаб бґлингандан сґнг оби тортилади.

## VIII-БОБ. ИНТЕРЪЕР ВА ЭКСТЕРЪЕРНИ БАДИИЙ ЛОЙИҲАЛАШ. Биноларни на□шлаш методлари.

¤збекистон халі усталари ижодида меъморий безак санъати катта ґрин эгаллайди. Биноларни гулдор іилиб іуриш аньаналари ва маµаллий іурилиш ашёларининг нафислик, бадиийлик хусусиятларини теран бериш, шунингдек, ¤рта ва Яіин Шаріда ганч-алибастр, турли хил тош сополларнинг кенг таріалганлиги бу іадимий санъатнинг мустаµкам асосини ташкил этади. Самаріанд, Бухоро, Хива, Шаµрисабз ва бошіа шаµарларнинг оламга машµур ёдгорликлари ґрта аср рассомлари ва меъморлари, наііошлари ва хаттотлари,ґймакорлари µамда кулолларининг юксак маµоратидан далолат беради.

Сопол іопламалар (жимжимадор іилиб Іишт териш,іґшма ва ґйма изІиш сопол, ёріин ранг-баранг кошин), наіш ґйилган тош ва мармарлар, меъморий безакларнинг энг пишиі, кґпга чидайдиган, шунингдек,энг кґп меµнатталаб іимматбаµо турлари бґлиб, деярли барча µолларда сарой, іаср, масжид, маібара каби іурилишлар билан боІлиі. Наііошлик, ганчкорлик, ёІоч ґймакорлиги жозибали µамда бир мунча арзон безак бґлганлиги сабабли іарийиб XX асргача кишиларнинг турар жойларини жиµозлашда анчагина кенг іґлланилган. ***-расм***

XIX аср охири ва XX аср бошларида µозирги ¤збекистон µудудида бадиий меъморчилик мактаблари юзага келган. Улар нафаіат ґзларининг µажм-режали композициялари билан, балки безакли жиµозларнинг Іоят нафислиги билан µам диііатга сазовор эдилар. Бу мактабларнинг композиция услуби ва ранг беришдаги фаріни англаш учун ФарІона ва Хоразм наішу нигорларини таііослашнинг ґзи кифоя. ФарІона водийсида четлари чиройли іилиб айлантирилган, ичига ислимий шакл туширилган ва іизил µамда яшил бґёілар билан жилоланган турунжлар афзал турса, Хоразмда наііошлар бутун юзани геометрик наішлар билан тґлдириб, мовий ва норанж рангли бґёі беришни хуш

кґрганлар. Тошкент наiшлари эса ґзининг нафислиги ва рангларнинг майинлиги, аниi бир колоритга iатъий риоя iилиниши, геометрик ва ґсимликсимон наiшларнинг кґп ишлатилиши билан ажралиб туради. Наiшлар кґпинча яшил гаммада ишланади. ***-расм***

Турар жой биноларининг деворларида гулли бутоiлар, дарахтлар, гулдонли гулдасталар акс эттирилган,шифтлари эса турли-туман наiшлар билан безатилган.Деворлар узунасига уч iисмга бґлинган; панель iисми, ґрта(энлироi) iисми ва энг юiори iисми, яъни фриз.

Йирик µажмдаги наiш композициялари, одатда, деворнинг ґрта iисмига жойлаштирилган.Унвонли ёзувларни хам айнан шу iисмда битиш кґзда тутилган.Фриз эса геометрик наiшлардан (гирих) иборат бґлган.Деворларнинг шифтга туташган жойида ганчли карниз - шарафа ґрнатилган. Шифт эса бир неча айрим-айрим бґлакларга бґлиниб, улар ґртаси ґйиб ишланган ганчли iуббалар билан безатилган.Бу жойлар µавзак деб аталган. Ґавзакларга турунжлар, ислимий ёки геометрик наiшлар туширилган. Халi усталарининг биноларни безашда iґллаган бу усуллари, одатда, барча саждагох ва жамоатчиликка мґлжалланган биноларда iґлланилган. ***-расм***

Бу тоифа наiшлаш ишлари iуйдаги тартибда олиб борилган; яхшилаб ишлов берилган силлиi юзага ахта ёрдамида наiш композициясини тушириш ва уни чизиб чиiиш,шундан кейин жило бериш бошланган. Наiiош хамма шаклларни мос равишда ранглаб бґлгач,наiшларни пардозлаш (сиёµ iалам, тарIил, тароi) билан ґз ишига хотима ясаган.

Маµаллий меъморчиликнинг архитектура конструкцияларига ва деталларига таркибий боIланган наiшлар бутун иншоатга мукаммаллик ва ґзига хослик бахш этган. Бу даврда яратилган наiшу нигорлар ґзларининг пухта мутаносиблиги, рангларининг уйIунлиги ва бичимларининг ґта нафислиги билан диiiатга сазовордир.

Юртимизда мустаiиллик iарор топгандан кейин, µар соµада бґлгани каби ґзбек халi Амалий безак санъатида µам катта ґзгаришлар юз берди. Соµага эътибор кучайди. Аждодларимиз iолдирган маданий меросимиз iадирлана

бошланди.Республикамизга замонавий техналогияларни кириб келиши натижасида архитектура меъморчилигимиз батамом янги кґриниш кашф этди. Баланд, µашаматли бир-биридан чиройли архитектура иншоатлари іурила бошланди.Бу иншоатларни безаш албатта замонавий услубда олиб борилди. Лекин халі усталаримизнинг услублари µам тадбиі этилди. ***-расм***

## IX БОБ. ИНТЕРЬЕР ВА ЭКСТЕРЬЕРЛАРНИ БЕЗАТИШДА ЁўОЧ ¤ЙМАКОРЛИГИ САНЪАТИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Милоддан аввал, хусусан тош даврида инсонлар Тешиктош каби Іорларда асосан дарахт шохлари ва похолдан ишланган конусимон жойларда яшаб келганлар.Аµ олининг бир іисми кґчманчиликдан ґтроіликка ґтгач, тош, гувала, пахса ва синчли уйлар іурила бошлади. Бронза даврида ґзбекистон µ удудининг жануби—Сополтепада мураккаб меъморчилик ансамбллари вужудга келди.

Илк Темир даврига келиб эса тґІри тґртбурчак ва айлана тарµ ли іалъачалар бунёд іилина бошланди. Масалан, милоддан аввалги учинчи асрларда бунёд этилган иншоотлардан іизилтепа ва Бандихонтепа бинолари тґІри тґртбурчак тарµ да іурилган ґлса, Кучуктепа ва іґйіирилган іалъалар эса айлана тарµда мураккаб этиб бунёд этилган.

Грек Баітрия ва Кушон подшоликлари даврида іурилган саройлар янада µ ашаматли ва янада мураккаб композицияга эга бґлган бґлиб, марказий зали ёки µ овлиси турли маісадларга хизмат іиладиган кґп сонли бинолар билан ґралган, бино фасадларига кґп сонли устунли айвонларга туташ іилиб іурилаган.

Кґриниб турибдики, ґрта Осиёда, шу жумладан Республикамиз худудида µ ам IX-XI асрларга келиб маданият Яна ґса бошлади.

IX асрда Самаріанднинг ґзи мустаіил давлат бґлиб іолиши маданият ва санъат ривожига ґз таъсирини ґтказмай іолмади. Бу эса µ алі маданиятига Янги бурилиш ясашга олиб келди. Шу даврга келиб Абу Али ибн Сино, Рудакий,

Фирдавсий, Абу Райхон Беруний, Муµ аммад Хоразмий, Абу Наср Фаробий каби буюк олимлар, файласуфлар, ёзувчилар, адабиёт ва маданият арбоблари етишиб чиіади.Бу каби алломаларнинг ґткир зеµ ни Бухородаги Исмоил Самоний маібараси, Нарпай тумани Тим іишлоІида Араб ота маібараси, термиздаги іиріиз саройи, Навоий туманидаги Мирсаид Бахром маібараси, Навоий шаµ ри яіинидаги султон Саодат ансамбли ва Работи Малик карвон саройи сингари жаµ онга машµ ур бґлган меъморчилик ёдгорликларини іирилишига олиб келди. Шулар шу каби асориатиіалар ґша даврларда меъморчилик санъати юксак даражага кґтарилганлигини, улар бадиий µ унармандлар томонидан жозибадор іилиб безатилганлигини кґрсатади. Илк ґота асрларда саройлар шаµ ар іалъасидан ташіари іурилган бґлса, Х асрларга келиб шаµ ар таркибида іурила бошланди. Бухорода іалъа олдида, Урганчда шаµ арнинг бош майдонида, Самаріандда эса шаµ ристонда шундай саройлар бунёд этилди. Сарой меъморчилигида ёІоч конструктураларидан кенг фойдаланилди.

Маданият ривожланиб борар экан, ажойиб меъморчилик ёдгорликлари іад ростлаб борар экан, ґз-ґзидан бундай ёдгорликларни миллий наішинкор безаклар билан безашда, шу жумладан, дарвоза, устун ва равілари ёІоч ґймакорлиги билан безатилади. Бу эса ёІоч ґймакорлигининг тез суръатлар Билан ґсиб боришига имкон яратиб беради. Монументал меъморчиликда ёІоч ґймакорлиги анъанавий санъат турига айланиб борди. Кишини µ айратга солувчи ва ґта нафис, табиий іилиб ишланган ёІоч ґймакорлиги намунаси XIIасрга тегишли бґлиб, у Самаріанддаги Шоµ и-Зинда девори орасидан топилганлигини сґзимиз исботи сифатида айтиб ґтишимиз мумкин.

Шоµ и-Зинда ансамбли Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган іабристондаги маібаралардан µ амда масжид, минора ва мадрасадан Шоµ и-Зинда-тирик шоµ маъносини англатиб, мазкур ансамбл µ аліі орасида жуда машµ ур. Хусан ибн Аббос маібараси Шоµ и-Зинда ансамбл тарихига кирувчи энг іадимий бинолардан бири бґлиб, XI асрда бунёд этилган. Шу даврда мазкур маібара ёнида масжид, минора, ТамІоч БуІрохон мадрасаси, Зиёратхона ва унинг тагида чиллахона іад ростлаган.

Ансамбл бир-бири Билан йѓлак оріали боІланган уч гуруµ бинолардан иборат:

1. іуйи гуруµ даги бинолар: УлуІбек ѓІли номидан іурдирган Абдулазиз чортоІи, унга шимолдан давлат іушбеги мадрасаси туташ, унинг іршисидаги айвонли масжид наішинкор іилиб нафис безаклар билан безатилган. 40 босічли тик зинапоя ѓрталиІининг чап томонидан зиёратхона ва іабнристондан иборат іѓшгумбазли маібара жойлашган.

2. ѓрта гурухдаги бинолар: Амирзода маібараси, ТуІли Текин маібараси, Ширинбека оіо маібараси, унинг іаршисидаги Амир Темурнинг бошіа синглиси Туркон оіо маібараси, саккиз киррали маібара, Али Насафи макбараси каби масжид ва мадрасалар мавжуд.

3. Юіори гурухдаги бинолар: Зиёратхона, уч іисмдан иборат масжид Хѓжа Ахмад маібараси Туман оіо комплекси, Яна иккита номсиз маібаранинг кираверишдеворигина саіланиб іолган холос. Бундан ташіари ТамІоч БуІрохон мадарасаси, Амир Бурундуі маібараси ва бошіа масжид, мадраса, хоноіохлар киради.

Ансабль таркибидаги йигирмадан ортиі иншоатлар давлат муµ офазасига олинган XIX-XX аср бошларида ансаблда бир неча бинолар барпо этилган. XVIII асрда вайрон бѓлган Зина ѓрнида кейинчалик 40 поІонали Іиштин Зина іурилган.

Фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг ривожланиб бориши буюк саркарда Амир Темурноми билан чамбарчас боІлиідир. У µукмронлик іилган даврларда меъморчилик билан бир іаторда Амалий безак санъати хам юксала борди. У ѓзи іурдирган маібара масжид, мадраса, хонаіоµ ва тимларни ёІоч ѓймакорлиги, ганчкорлик, наііошлик ва кошинкорлик билан жозибадор іилиб безатди.

XVI асрнинг охирига келиб Самаріандда ѓзига хос меъморчилик услуби шаклланди. Оісарой, Кѓк Гумбаз, Шамсиддин Кулол маібараси, Гумбази Саидон, Хазрат Имом масжиди, Жахонгир маібараси, Дорут – тиловат, Дорус – сиёсат ва бошіа шулар сингари меъморчилик ёдгорликлари ѓзининг

монументаллиги, жозибадорлиги, наiiошлик ва ґймакорлик санъатининг ґзига хослиги билан  дииiатга сазовардир.

Амир Темур даврида Самаріандни баландлиги 8 метргача бґлган девор билан   айлантирилди. Шахарни кесиб ґтадиган Бухоро –ФарІона йґлини кенгайтириб савдо – расталари, тимлар іурдирди. У ґзи истило іилган ґлкалардаги энг машµур меъмор ва µунармандларни Самаріандга оилб келиши шахарда хунармандаларнинг гузар ва маµ алларини вужудга келтира бошлади: Бу эса санъатнинг янада гуркираб ривожланишига, йирик-йирик шахарларда архитектура ансаблларини,  Бухородаги Лабиµ овуз ансаблинижунбушга келишига замин яратди. Шу ва шунака асориатиіалар анъанавий тарзда пишиі Іиштдан буёнд этилган, ансаблларнинг ички ва ташіи безакларига µам зґр эътибор берилиб, санъатнинг  кенг  кґламда ривожланиб бораётган кошин, ганч ва ёІоч ґймакорликлари билан жозибадор  безатилди.

Амир Темур  ґзи іурдирган иморатларни ґзгача бир меµр, ґзгача бир меµр, ґзгача бир иштиёі билан  іурдирганки, буни Самаріанд ва іашіадарё воµ асини бир-биридан ажратиб турувчи  Туркистон тог тизмаларида бунёд  этилган Оісарой меъморчилик ёдгорлиги мисолида µам кґришимиз мумкин. Ушбу обида 20 йил давомида іурилган бґлиб, кґкка витіор билан  іад ростлаб турибди. Оісарой иккита іубба шаклида бирлаштирилган. Ҳар икки аркнинг оралиІи 22,5 метрни ташкил этади.

XVI- XVII  асрларга келиб меъморчиликда иншоатларнинг кґринишлари янада такомиллашди, монументал биноларнинг тархи, ііёфасига ґзгартиришлар киритилди, µунармандаларнинг  артеллари вужудга келди. Шу даврларда бунёд этилган Мир Араб мадрасаси, Хґжа Зайниддин  масжид – хонаіаси, Чорбакир минораси, Шердор мадрасаси, Бухоро ва Тошкентда бунёд  этилган Кґкалдош мадрасаларида ґша давр ёІоч ґймакорлигининг ажойиб намуналари ґз аксини топган.

Бухородаги Кґкалдош мадрасаси   XVI асрнинг иккинчи ярмида Абдуллахон II нинг саркардаси іулбобо Кґкалдош ташаббуси билан бунёд этилган. Мадрасанинг олд пештоі равоІидаги эшикка гирих ва ислимий

наішларида нафис ва жозибадор іилиб ёІоч ґймакорлик санъати билан ишланган. µовлидаги пештоілар кошин ва сирланган Іишт билан безатилган. µовли атрофида икки іаватли 160 хужра ва дарсхона µ амда масжид жойлашган. Тузилиши жиµатидан бошіа мадрасалардан фаріли ґлароі мадрасанинг очиі айвонли болхоналари бґлган ва улар турли наішу нигорлар билан нафис іилиб безатилган.

Тошкент шаµ ридаги Кґкалдош мадрасаси µам XVI асрнинг иккинчи ярмида бунёд этилган бґлиб, Тошкент хокими Кґкалдош іурдирган Мадрасанинг умумий кґриниши жанубга іаратиб іурилган. ПештоІи сирланган Іишт ва гирих наішлар билан безатилган бґлиб,икки ёнига икки іаватли хоанлар тартиб билан жойлаштирилган. Дарвозахонанинг чап томонида дарсхона, ґнг томонида эса масжид жойлашган. Дарсхона ва масжид чортоі тархли, пойдевори ва деворлари пишиі Іиштдан, чоклари іоришмаси пардозланган.

XVIII-XIX асрларда монуиентал биноларнинг айниіса ички іисми кошин, тош, ганч, ёІоч ґймакорлиги Билан безаш давом этди. Шу даврларда Норбґтабий мадрасаси XVIIIасрнинг охирида бунёд этилди. Дахмаи Шоµон ансамбли 3 іисмдан иборат; пештоі, 2 устунли айвон масжид, Норбґтабий ва унинг авлодлари дахмасидир.унинг яіинида хоннинг онаси маібараси-Модархон дахмаси саіланган. Пештоіли, гумбазли бу бинолар сирланган Іишт, кошин билан безатилаган.

іґіон Жомъе масжиди XIX аср бошларида бунёд этилган бґлиб, Умархон номи билан чамбар-час боІлиі. Масжид улкан хонаіоµ ва уч томони 98 та ёІоч устунли устунли кенг айвондан иборат бґлиб, айвон шифти тґсинлари ислимий ва гириµ наішлари билан, деворлари ганч ґймакорлиги билан, изоралари «часпак» услубида безатилган. Устунларига гґзал ва нафис наішу нигорлар билан ґйма безак берилган бґлиб, курсиси мармардан ишланган Масжиднинг ёнидаги минора конус шаклида бґлиб, тепаси олти іиррали іафаса-туйнук ва іубба билан тугалланган. Юіорига айланма зина оріали чиіилади.

Худоёрхон ґрдасида шаµарнинг муµим архитектура ёдгорликлариданкґп устунли іилиб іурилган, бґяма ва ґйма наішлар билан жозибадор іилиббезатилган жомъе масжиди XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида іурилган. 1914 йилда эса Комил іози мадрасаси бунёд этилди.

XVIII- XX асрларда яна бир іатор асори-атиіалар іад ростлади. Наманганда Хґжамнинг іабри, Бухорода Болоµовуз масжиди, Хивада Оллоіулихон карвон саройи ват ими Тошµ овли, Нуриллабой саройи, Пахлавон Маµ муд маібараси, Бухоро яіинида Ситораи Моµ и Хоса саройи бунёд этилди. Сарой іурилишида халі меъморчилиги композиция услубларидан фойдаланилди. Бунда ички µовли, µовуз, кґп устунли айвон ва синчли иморатлардан ташкил топди.

Хива Жума масжиди XVIII асирнинг охирларида бунёд этилган бґлиб, масжид ва минорадан иборат. Масжид томи текис, бир іаватли, шифти ґйма наішли. Устунлар масжид іурилишига мослаб жойлаштирилган бґлиб, калтароіларига тош пойустун ґрнатилган. Деворлари равоіларга бґлиниб, меµроб ишланган. Меµробнинг юіориси тґрсимон: ґйма занжира ва кундал наішлари билан безатилган. Масжидга 214 та устун ґрнатилган бґлиб, Хоразм халі ґймакорлигининг бой ижодий имкониятларидан кенг-кґламда фойдаланилиб, устунларга нафис наішу нигорлар билан ишлов берилган.

XVIII- XX асрларда Бухорода буёд этилган Халифа Худойдод мажмуаси мадраса, масжид, сардоба ва іабристондан иборат бґлиб, µовлисининг уч томони бир іаватли µужралар билан ґралган. Масжид тґІри тґртбурчак тарзда гумбаз билан іопланган. Умумий кґриниши ганч ґймакорлиги билан, устунлари эса ґйма наішу нигорлар билан жозибадор іилиб безатилган. Сардобага икки зинапоя оріали кирилади. µовлининг шимолидан іабристонга ґтилади. Халифа Худойдод іабри яіинида икки устунли, шифти бґяма наіш билан безатилган айвон бор.

XX аср бошларига келиб іґіонда яна бир мажмуа іад ростлади. Бу Халифа Тилло мажмуаси бґлиб, у икки µовли, µовузли боІ, масжид ва Халифа Тилло даµмаси жойлашган іабристондан иборат. Улар ґртасида чегара сифатида икки

іатор устунли шийпон жойлашган. Бу Халфа Тилло мажмуаси бґлиб, у икки ҳовли, µовузли боІ, масжид ва Халифа Тилло даµмаси жойлашган іабристондан иборат. Улар ґртасида чегара сифатида икки іатор устунли шийпон жойлашган Халфа Тилло даµ маси атрофии равоіли тґсинлар билан беркитилган.

Дґсти худо масжиди Алихон эшон буюртмасига асосан ґша даврнинг етук усталаридан бири уста Ёіуб бошчилигида іурилган Тарµ и тенг томонли, устунли хона µ амда икки томони айвондан иборат. Айвонинг шипидаги тґсинлар ва устунлар серµ ашам іилиб дид Билан турли наішунигорлар Билан безатилган. Бухородаги Ситораи Моµ и Хоса саройнинг боІи XIX-XX асрлардан бунёд этилиб, манІитлар сулоласининг тґрт авлодига, яъни Насруллохон, Музаффархон, Абдулахадхон, Амир Олимхонларга мансуб. Саройнинг майдони тахминан 6,7 га тенг бґлиб, эски Сарой Іишт тґшалган 3 µовлидан ва кґпгина хоналардан иборат.

Уч іисмга бґлинган тґртбурчак тарµ ли Абдулахадхон саройининг икки хонаси бир-бирига іарама-іарши жойлаштирилган ва бир µилда безатилган.

Эски саройнинг шаріидаги Амир Олимхоннинг бош іароргоµ и-янги саройга муµташам равоіли дарвоза оріали кирилади. Ушбу табаіали дарвоза ёІоч ґймакорлигининг ґша даврдаги энг сґнги безак усуллари Билан гґзал, кґркам ва нафис іилиб безатилган Дарвозахонадан ташіари µовлига ґтилиб, µовлининг уч томони айвон билан ґралган. Дарвозадан киришнинг ґнг томонида іичкина фавора бор. µовлининг шимолида катта айвон, Іарбида оісарой, жанубида ойнабандли айвон, кутиш хонаси ва амирнинг іабулхонаси жойлашган.

Оісарой безагида шарі ва Европа меъморчилиги уйІунлаштирилган µолда іґлланилган. БоІ ґртасида саккиз хонали кґшк бор. Умуман олганда Ситораи Моµ и Хоса саройнинг боІи зґр маµ орат ва юксак дид билан бунёд іилинган Дарвоза, эшик ва устунларни безашда ёІоч ґймакорлигидан унумли фойдаланилган. Амалий безак санъатининг бир іатор турларидан маµ аллий услублар шаклланди. Наііошликда, ганч ва ёІоч ґймакорликда ислимий наіши ривож топди. ЁІоч ґймакорлигида ґймаларни бажаришнинг янгидан-янги

услублари билан устунлар, эшиклар, равоілар ва бошіалар жозибадор іилиб безатилган. Асримизнинг бошларига келиб Хивадаги кґµна Арк, Тошховли, Нуриллабой, Бухородаги Минораи Калон, Исмоил Самоний маібараси, Самаріанддаги Шердор, Тиллоіори мадрасалари таъмирланди. УлуІбек мадрасасининг іулай бошлаган минораси іайта тикланди.

Самаріандда жойлашган уч мадраса Регистон майдонида іурилган бир бутун меъморий ёдгорликлар комплексини ташкил этади. µар уч мадрасага алоµида икки табаіали дарвозалардан кирилиб, ґзга хос ёІоч ґймакорлик санъати билан жозибадор іилиб безатилган. Хонага кириш эшиклари, жумладан Шердор мадрасасидаги 54 та µужра бґлиб, деярли барча эшик равоілари ёІоч ґймакорлиги билан безатилган.

Самаріанд шаµ рида бунёд этилган меъморий обидалардан Яна бири µ азрати Хизир масжиди XIX аср ґрталарида іурилган бґлиб, у афсонавий ґлмас шайµ µазрати Хизир номи билан чамбарчас боІлиі. Бино іадимий масжид пойдевори устига іурилган бґлиб, бош кґринишидаги тик зинапоядан дарвозахонага чиіиб, унча ката бґлмаган хонага ґтилади. Чапдаги равоіли пешайвон жозибадор наішлар билан серµ ашам іилиб безатилган. Олд томонида ёІоч ґймакорлиги билан безатилган 5 та устунли айвон бґлиб, ундан хонаіохга эшик очилган. Хонаіохнинг икки ёнида хужралар бор.

Кейинчалик бинога, яъни 1899 йилларда іґшимча айвон ва 1919 йилда дарвозахона іурилиб ажойиб наішу нигорлар билан безатилган.

## УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАЛАРИ

ЁІоч ґймакорлиги бґйича ишлаётган шогирд устанинг уйида ёки ґзининг уйида турган. Шогирдни яхши ва пухта ґргатиш учун аввал уста уни меµнатга ґргатган ва шу µунарга табиий µолда іизиіиш уйІотган. Бунинг учун устоз шогирдига уйдаги майда-чуйда ишларни буюрган. Кейин аста-секин устага асбоб-ускуналар олиб бериб, туриш ёки хом ашёни тайёрлаб туриш, кейинчалик эса, эшик устунларини ґрнатишга ґргатган. Яъни яшаш билан бирга болани µунар сирларини оддийдан мураккабга іараб ґргатиб борган. 3-4 йилдан сґнг уста яхши тажрибали шогирдига 15-20 кун пул ишлаб келиш учун рухсат

берган. Шогирдига уста номини беришнинг ґзига хос урф-одатлари бґлган. Бу тантанавий кеча шогирднинг ота-онасининг уйида ёки устанинг уйида ґтказилган. Кечага шогирднинг іариндошлари, устозни іґлида ишлаётган шогирдлар, усталар, муллалар іатнашган. Усталарнинг каттаси, оісаіол устакалон ёки унинг ёрдамчиси пойкор уста номини олаётган шогирднинг бошига салла ґраган. Чопон кийгазиб, белига іийиіча боІланган. Белбоііа арра ва теша іистириб іуйилган. Шундан сґнг шогирдни усталар ва дґстлари табриклаганлар. Кейин катта уста дастурхондан ёпган нонни олиб, шогирдга іараб: "Јаерга борсанг µам ґзингни куйган кулчангни кґрсатгин", - деб берган. Бундай урф-одатларнинг µар хил турлари бґлган. Баъзан бґлгуси устага бирор уйни мустаіил безашни топшириш урф-одати бґлган. Уйни бґлгувчи уста битказгандан сґнг, усталар унинг ишини текширганлар ва баµо берганлар. Агар усталарга маъіул тушса, унда шогирдга "уста" деган унвон берилган. Шундан сґнг устага бошіа шаµарга бориб мустаіил ишлашга рухсат берилган. Оісоіол сифатида шаµардаги энг катта тажрибали усталардан бирини тайинлашган. Агар оісоіол бирор ноµаі иш іилиб іґйса, унда бирор масжидга оісоіолнинг ёрдамчиси ва µамма усталар йиІилиб, іайта оісаіол сайланган. Бухорода эса оісоіолни іайта сайлаш бошіачароі бґлган. Усталар Бухоро хонига махсус ариза ёзганлар. Шундан сґнг Бухоро хонидан іайта сайланган оісоіол учун сарпо ва махсус іарор, яъни ёрлиі олинган. Халііа іарор ґіиб эшитирилган ва оісоіолга сарпо кийдирилган.

## X БОБ. БУЮМ ЯСАШ, УНГА НАЈШ КОМПОЗИЦИЯСИ ТУЗИШ, ¤ЙИШ ВА ПАРДОЗЛАШ.

ЁІоч ґймакорлигида ёІочни ясалаётган буюмга мос келадиган сифатлисини танлаш муµим аµамият касб этади. ґтмишда ґймакор-усталар бунга алоµида аµамаият бериб, йиллар давомида тайёргарлик іилиб борганлар. Дарахтларни кесиб ходасининг икки томонига, яъни кесилган жойига іоІоз ёпиштириб махсус тайёрланган сув µавзаларига ташлаб, бир неча йил саілаганлар. Сґнг уни олиб іуритишда іуёш нури тушмайдиган, саліин жойда

іуритган. Бу ёІоч хом-ашёсини ёрилишдан саілаш билан бир іаторда намга, µар хил чиришларга бґлган чидамлилигинин оширган.

ЁІоч хом-ашёсининг табиий гули буюмга ґзгача бир тароват бериб туради. Ота-боболаримиз буни эътибордан четда іолдирмаганлар. іуритилган ёІочни буІдой, арпа ёки шоли янчилганда пояларининг майдаланишидан µосил бґлган сомонидан фойдаланиб, тахтани унга кґмиб іґйганлар. Сомон ґзидан иссиілик чиіариб тахта юзасини іизартириб табиий гул µосил іилган.

Буюм ясашда у іаерларда ва іай маісадда фойдаланишига µам эътибор іаратиш лозим. Биз іутича ясаш устида тґхталиб ґтайлик. іутича ясаш учун энг іулай ёІоч хом-ашёси іора іайин, ёнІоі ва заранг материаллари деб айтишимиз мумкин. унинг ґлчамини эса тахминан эни 10 см, бґйи 20 см, баландлиги 6 см іилиб оламиз.

Керакли ґлчамда тахтачалар арралаб тайёрлангач, жилвир іоІозда силлиілаб олинади. Уларни бириктиришда эса яширин бирикмани іґллаган µолда бириктиришимиз мумкин. Бириктириб олганимиздан сґнг бурчакларини, бир-бирига уланган жойларини кґздан кечириб, яна бир маротаба жилвирлаб чиіилади.

Наіш композицияси тузишдан олдин, ясалган буюмнинг ґлчамини аниі ґлчаб олиш буюмни сифатли ва янада жозибадор чиіишида муµим аµамият касб этади. Буюм ґлчамини олишда эса турли асбоблардан фойдаланилади. Масалан, турли бурчакли ва тґІри чизІичлар, рейшина, транспортир, рейсфедер, паргор (циркуль) ва бошіа  бир іатор асбоблар керак бґлади.

Буюм ґлчами аниі ґлчаб олингандан сґнг, буюм учун іандай наіш композицияси тузилса буюм янада кґркамроі, гґзал ва жозибадор чиіишлигини кґз олдига келтирган µолда фикр юритиш лозим. Бунда композиция тузувчининг дунёіараши, фикрлаш доирасининг кенглиги, энг муµими унинг нозик табиатлилиги ва дидининг юіори даражадалигига боІлиі. Демак, бир тґхтамга келгач хитой іоІозига наіш композицияси чизилади.

Композиция тузишдан олдин бир нарсага аниілик киритиб олиш маісадга мувофиі бґлади, яъни буюмнинг іандай материалдан тайёрланганлигини эътиборга олиш алоµида аµамиятга эга. Юмшоі материалдан олинган бґлса йирикроі, іаттиі материалдан олинган бґлса майдароі, мураккаброі наіш композицияларидан фойдаланиш мумкин.

ґзбек халі усталари іадимдан іґллаб келаётган жамики наішлар борки, улар табиатни ва воіеликнинг шартли тасвири бґлишига іарамасдан ґзига хос іонун-іоидаларга эга. Бу іонун-іоидалар табиатнинг айнан ґзидан стиллаштирилган тарзда олинган. Одатда ґсимликлар бир томонга іараб ґсади, бу табиат іонунидир. Масалан, мажнунтол мисолида кґрадиган бґлсак, мажнунтол худди пастга іараб тескари ґсаётгандек туюлса-да, лекин µаіиіатдан эса, у илдиздан тана, танадан новда, новдадан барг бґлиб, бир томонлама йґналишига іараб ґсади. Табиатнинг бу іонуни наішда µам ґз аксини топган.

Наііош устанинг чизадиган наіш композициялари шунчаки іоІоз бетини тґлдириш ёки ґйма юзини ґйиш учун эмас, балки, онгли равишда табиат ва бадиийлик іонун - іоидаларга амал іилган µолда наіш композициясини чизиш тушунилади. Шу нуітаи - назардан олиб іараганда ґймакор устанинг ижодий жараёнидаги энг іийин ва энг масъулиятли босіич наіш композицияси нусхасини чизишдан иборатдир. Агарда наіш композицияси табиат іонунларига зид равишда тузиладиган бґлса, у µолда µоµ ґйишда бґлсин ёки пардоз беришда бґлсин µар іанча ютуііа эришилмасин иш кґнгилдагидек гґзал ва жозибадор чиімайди.

Дафъатан іараганимизда ґйма наіш жуда чиройли, гґзал ва жозибадор кґринса-да, лекин бир оздан сґнг наіш композицияси тузишда іґйилган хато ва камчиликлар, нуісонлар яіiол сезилиб іолади. Моµиятан олиб іараганимизда композиция нима ґзи?

**КОМПОЗИЦИЯ** – русча-лотинча сґздан олинган бґлиб, адабий асар ёки санъат асари іисмларининг тузилиши, жойлашиши ва ґзаро муносабати µамда таркибий іисмлари маъно жиµатидан ґзаро боІланиб бирлик ташкил этган

бадиий ёки тасвирий санъат асари тушунилади. Композиция ишлашда ритм, симметрия, асимметрия, компановка, таісим, даврий такрорланиш, марказ топиш, безакнинг динамиклиги, табиийлиги, чиройлилиги ва пардозларнинг бир-бирига уйIунлиги каби компонентларни ґз ичига олади.

**КОМПАНОВКА,** яъни жойлаштириш – чизиш керак бґлган наіш композициясини ёки тасвирни іоIоз, ґйма учун тайёрланган тахатача, буюм ёки тасвирни тушириш лозим бґлган юзага тґIри жойлаштириш демакдир.

**ТАJСИМ** (русча *раппорт*) – французча сґздан олинган бґлиб, наішнинг маълум бир шаклда такрорланувчи іисми, бґлаги µисобланади. Марказий Осиё наішлари ґзига хос характерга эга бґлиб, наішларнинг деярли µаммаси такрорланувчи маълум бґлакдан, іисмдан иборатдир. ґймакор-наііошлар аввал таісим юзини іоIозга белгилаб, наіш композициясининг бир іисмини чизади ва ахтасини, яъни улгусини тайёрлайди. ґймакор-наііош безатиладиган юзага шу ахта ёрдамида наішни такрорлаб туширши натижасида наіш композицияси яхлит µолга келади. Наіш композициясининг такрорланувчи іисми µар хил бґлади. Масалан, учбурчак, тґртбурчак, квадрат ва µакказо кґринишда бґлиши мумкин. Доира ёки гумбазга ґхшаш буюм юзасига мґлжалланган бґлса наіш таісими композиция юзининг тґртдан, олтидан, саккиздан, ґн иккидан ва µакказо іисмларини ташкил этиб, таісим доирада ёнма-ён такрорланади. Бундай таісимни айлана таісим деб µам аташади. Таісим тґIри чизиі бґйича такрорланса уни тґIри таісим деб юритилади. Таісим тґIри ва ойнада акси кґрингандек шаклда алмашлаб такрорланса унда чапу-рост таісим дейилади. Бундай кґринишдаги таісимлар жуда кенг таріалган.

**СИММЕТРИЯ** – русча-грекча сґздан олинган бґлиб, бирор нарсанинг маълум нуіта, чизиі ёки текисликка нисбатан іарама-іарши томонда жойлашган іисмлари ґртасидаги муносиблик, ґхшашлик, мослик, уйIунлик тушунилади.

**АСИММЕТРИЯ** – русча-грекча сґздан олинган бґлиб, симметрия йґілиги ёки бузилганлиги, симметриясизлик, яъни тузилган композицияда симметрик іонун-іоидалар мувозанатининг бузилганлиги тушунилади.

**РИТМ** – русча-грекча сґздан олинган бґлиб, бирор µодиса, иш-µаракат ёки наіш композицияси элементларининг маълум тартибда ваіт оралиІида ґлчовли равишда бир текис такрорланиб туришидир. У наішдаги µаракатнинг узлуксиз ва гґзал кґринишини таъминлайди.

**СТИЛИЗАЦИЯ** – табиатдаги набобот, µайвонот олами ва шу кабиларнинг тасвири, ранги, шакли ва тузилишини бадиий усулда умумлаштиришдир.

Наіш композицияси чизишда іуйидагиларга эътибор іаратиш ва амал іилиш керак бґлади:

Биринчидан, таноб ёки новда тагида гул, Іунча ёки баргни іолдириб тасвирлаш мумкин эмас, яъни: наіш композицияси асосини ташкил этувчи негизи ва шакл беувчи чизиі µисобланади;

Иккинчидан, таноб билан новдани фарілаб тасвирлаш;

Учинчидан, таісимда ортиіча наіш элементларини чизишга йґл іґймаслик;

Тґртинчидан, танобдан µеч іачон гул, новда, Іунча ва бошіаларни ґсиб чиііан µолда тасвирламаслик;

Бешинчидан, наіш элементлари нисбатини саілай билиш;

Олтинчидан, тузилган наіш композициясининг ёІоч ґймакорлигига мослаб тузилишини таъминлаш;

Еттинчидан, наіш зичлигига эътибор бериш;

Саккизинчидан, наіш орасидаги замин бґшлиілар нисбатини саілаш ва µокказоларни эътибордан четда іолдирмаслик зарур.

Буюмдан олинган ґлчамга мослаб наіш композицияларидан бир нечтаси чизиб маші іилинади. Чизилган наіш композицияларидан энг муносиби танлаб олиниб, четига занжиралардан бирини µошия сифатида іґллаш µам мумкин. Агар занжира іилнмаса четидан албатта рамка іолдириш зарур. Рамкасиз наішни безалмаган уйга иёс іилиш мумкин.

Композиция тузишда наіш элементлари μошияга текизилмайди. Бу наіш композицияси алоμида ажралиб ґзига хосликка эга бґлишлиги билан бир іаторда жозиба бахш этади. Бунга туринж, намоён, квадрат ва бошіа тугалланган наіш композицияси тузишда айниіса аμамият іаратиш лозим.

Тузилган наіш композициясини калька (хитой іоІози ёки шаффоф іоІоз) га кґчириб ахта (улги) тайёрланади.

**АХТА** – тайёр расмни шаффоф іоІозга чизиб, чизиі йґлларини игна санчиб, буюм юзига тушириш учун тайёрланадиган андозадир. Илк даврларда усталар ґйма юзасига тґІридан-тґІри чизиб, ґйиб кетганлар. Кейинчалик эса ахта оріали тасвирни тушириш іулайлигини сезишган ва ундан фойдаланиб келганлар.

Ахта тайёрлаш учун буюмнинг ґйма бажариладиган юзасига мґлжаллаб юпіа шаффоф іоІоз олинади. Наіш композициясига мослаб симметрия ґіи бґйлаб шаффоф іоІозни иккига, тґртга ва μокказоларга букланади. Букланган шаффоф іоІознинг бир іисмига наіш композицияси чизилади. Наіш чизилган шаффоф іоІозни юмшоі ёстиі устига іґйиб наіш чизиілари устидан игна билан тешиб чиіилади. Наішнинг йирик-майдалагига іараб игна танланади ва игна тешиги оралиІи наішнинг майда ёки йириклигига іараб тешиб чиіилади. Тешилган нусха тайёр бґлгандан сґнг, шаффоф іоІоз ёзиб юборилади ва бир бутун композициясини кґриш мумкин. Тайёр бґлган ахтани ґйма юзасига іґйиб устидан хока уриб ёки босиб юргизиб чиіилади. Натижада наіш нусхаси буюм юзасига кґчирилади.

Кґчирилган наіш нусхасини ґйишда ёІоч ґймакорлигида турли асбоблар ишлатилиб, уларнинг μар бири ґзига хос ишларни бажаради. ЁІоч ґймакорлигида асбоблар икки турга бґлинади, яъни наішни ґйиш учун "ґйма іаламлар" ва иккинчиси "наіш іаламлар"дир.

Исканалар шакли ва бажарадиган ишига іараб уларнинг бир іанча турлари мавжуд. Масалан, тґІри искана, ковза искана, нова искана, замин искана, балиі сирти искана, морпеч искана, чекма искана, куракча искана, чекма іалам ва

бошіалар киради. Одатда ёІоч ґймакорлигида ишлатиладиган исканаларни махсус асбоб тайёрлайдиган чилангар усталар тайёрлаганлар ёки ґймакор усталарнинг ґзлари тайёрлаганлар. ґйиш босіичлари эса биз аввалги машІулотларимизда таъкидлаб, амалда кґрганимиз каби кетма-кетликда, босіичма-босіич амалга оширилади.

ґймакорлик ишларини амалга ошириб бґлгач, албатта, сґнгги пардозлаш ишлари бажарилади. Халі амалий безак санъати турлари заргарлик, ганчкорлик, мисгарлик, кулолчилик каби ёІоч ґймакорлигида µам буюмга охирги ишлов бериш, пардоз бериш, жилолашдан иборатдир. Масалан, ёІоч ґймакорлигида умуман 6 та пардоз тури мавжуд бґлиб, улар іирма, чизма, пах, чока, лґла ва табаіа пардоз турларига бґлинади. Шуларга 4 хили, яъни пах, чока, лґла ва табаіа пардозлари релъефга пардоз беришда ишлатилади. Ушбу пардоз турлари 2 га бґлиниб оддий (пах ва чока) ва мураккаб (лґла ва табаіа) пардоз турларини ґз ичига олади.

Одатда тузилган наіш композицичсининг характерига мос равишда пардоз тури танланади. Пардоз турини танлашда ёруІ ва соя тушишини µам µисобга олишни унутмаслик керак. Масалан:

**Пах пардоз** – ёІоч ґймакорлигида ґйма наіш рельефини бир томонга іиялаб кесиладиган оддий пардоз туридир. Бу пардозн ёйма пардоз деб µам юритилади. Усталар пах пардози “занжира” ни ґйиш натижасида юзага келган дея тахмин іилишади. Пах пардози чока пардоз, лґла пардоз ва табаіа пардоздан анча осон бґлиб, пах пардози берилган ґймадаги нур ва соя анча юмшаб майин кґринишга эга бґлади.

**Чока пардоз** – наіш бандининг іиялигини ґртага олиб узунасига ґйилган пардоз тури. Бу пардозни ёрма пардоз деб µам атайдилар. іґкон ёІоч ґймакорлик мактаби усталари бу пардоз туридан кенг фойдаланадилар. Чока пардози ґймакор устадан маµорат ва истеъдод талаб іилади. Бу пардоз тури билан пардозланган наіш ґзгача бир хусн касб этади.

**Лґла пардоз** – ґйма рельефни ярим юмалоі шаклда ишлов берилган мураккаб пардоз тури. Бу пардоз тури нафаіат ёІоч ґймакорлигида, балки ганч ва тош ґймакорлигида µам ишлатилади. Лґла пардоз тури барча пардоз турлари ичида энг охири іґлланила бошланган. Лґла пардози билан пардозланган ґйманинг чуіурлиги камаяди ва наіш майин кґринишга эга бґлади.

**Табаіа пардоз** – XIX асрда Бухор усталари томонидан яратилган бґлиб, ґйилаётган барг, гул икки ёки уч іатлам іилиб ґйиладиган пардоз тури. Табаіа арабча іатлам, даража деган маънони билдиради. Табаіа пардози бирча пардоз турлари ичида энг мураккаби бґлиб, ґймакор устадан профессионал маµорати талб этилади.

## ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:

**Заргарлик** – олтин ва кумушдан зеб-зийнат ясовчи бадиий µунармандчилик тури.

**Компонент** (русча < лотинча) – бирор нарсанинг таркибий іисми.

**Мисгарлик** (форс - тожикча) – мис буюмлар ясаш ва уларни тузатиш иши билан шуІулланувчи µунарманчилик тури.

**Намоён** (форс - тожикча) – 1). Яііол кґриниб турадиган, гавдаланадиган.

2). Атрофи µошия наіш билан ґралиб тугалланган наіш тури.

**Нусха** (арабча) – 1). Бир турдаги нарсалар µаіида тасаввур берадиган намуна.

2). Бир хил іилиб ясаш, кґчириш учун тайёрланган намуна; андоза.

**Рамка** (русча) – 1). Портрет, расм ва шу кабилар солинадиган тґІри бурчакли мослама.

2). Иш-µаракат, фаолият, тасвирий санъат ва шу кабиларнинг доираси; чек; чегара.

**Рельеф** (русча < французча) – 1). Ер сиртидаги турли нотекисликлар – баландлик, пастлик, тоІ ва шу кабилар йиІиндиси.

2). Бґртма наіш.

**Турунж** – доира шаклидаги наіш.

**Хитой іоІози** – шаффоф іоІоз, калька.

## МАВЗУНИ МУСТАҐКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Буюм ґлчамини олишда іандай асбоблардан фойдаланилади?
2. Буюмга наіш композицияси тузишдан олдин нималарга эътибор іаратиш лозим?
3. Наіш композицияси тузишда іандай іонун-іоидаларга амал іилиш керак.
4. Композиция сґзи іандай маънони англатади?
5. Симметрия ва асимметрия нима?
6. Ритм деганда нимани тушунасиз?
7. Компановка нима?
8. Композиция тузишда нимларга амал іилиш керак?
9. Ахта нима ва у іандай тайёрланади?
10. ґймани бажаришда іандай асбоблардан фойдаланилади?
11. Исканаларни номларини биласизми?
12. ЁІоч ґймакорлигида нечта пардоз тури мавжуд?
13. ґйма рельеф юзига іандай пардоз берилади?
14. Оддий пардозга іайси пардоз турлари киради?
15. Мураккаб пардозга іайси пардоз турлари киради?

## IX БОБ. БУЮМ ЗАМИНИНИ ЧАКИЧЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Дунё халіилари фан ва маданияти, адабиёт ва санъатининг ривожланишида аждодларимиз ижоди муµим ґрин тутади. ¤злари ёзиб іолдирган асарлари, іурдирган меъморий обидалари, маънавий ва моддий бойликлари оріали дунё цивилизациясига муносиб µисса іґшганлар. Ота-боболаримиз іолдирган бой меросни ґрганмай туриб порлоі келажакни бунёд этиб бґлмайди. Бу

бойликларни іадрига етиш учун эса уларни ґиіб ґрганиш, меъморий обидаларга, музейларга бориб кґриш ва уларнинг тарихини ґрганиш, шу соµа мутахассислари билан суµбатлар ташкил этиш зарурияти µаіида фикр юритган эдик. Јаерда бґлмасин талабалар ёІоч ґймакорлигига оид санъат асарларини ґрганар эканлар, уни батафсил ва атрофлича таµлил іилишни ґрганишлари керак.

Чунки, ґйманинг сифатлилиги, пардознинг наіш композициясига ва ґймага мослиги билан бир іаторда чакичлашга µам боІлиі эканлигини тушунмоіликлари лозим. ЁІоч ґймакорлигида ґйманинг замини чакичланганда наіш композициясини майин, жозибадор, шу билан бирга ґйма рельефтини бґрттириб, яііол намоён іилади, пардозни янада гґзал кґринишига, наішлар µосил іиладиган ёруІ-соя ґйини ґймани эмоционал томонини белгиловчи восита бґлиб хизмат іилади.

ЁІоч ґймакорлигида ганч ґймакорлигидан фаріли ґлароі ґзига хосликка эга. Яъни, ёІоч хом-ашёсининг табиий фактурасини саілаган µолда ґйма наішлардаги нур-соя кґринишининг іуёшли ёки булутли бґлишига іараб турлича кайфият уйІотади. Наіш композициясида наіш элементлари орасидаги бґшлиіни атайлаб чекма іалам ёки чекма исканалар ёрдамида ґйиічалар µосил іилинган ёІоч ґймакорлиги усулида чакичланган майда чуіурчалар умумлашиб текс ґйилган юзаларга іараганда ґзига хос тарзда кґриниб наіш композициясини нафис, яъни майинлаштириб кґрсатади.

Наіш заминини чакичлашда ишлатиладиган чекма іалам ва чекма исканаларни бир-биридан фарілаб олмоі зарур. Чунки, µар иккисининг µам ґз вазифаси ва ишлатиладиган ґрни бор. Чекма искана уй-рґзІор буюмлари, совІа буюмларини бадиий безашда ишлатилса, чекма іаламлар кґпроі монументал ґймакорликда, яъни эшик, дарвоза, устун ва µаккозоларни чакичлашда іґлланилади. Чекма исканалар бир тишли, уч тишли, беш тишли ва µаккозо бґлиб, наіш заминини худди патир юзасига ґхшатиб, чакичлаб чиіса, чекма іалам бир іаторли, икки іаторли, уч іаторли бґлиб, µар бир іаторида икки, уч,

тўрт, беш ва ҳакkзо бўртма тишли бўлади ва чекма іаламлар чекма исканалардан фарiли ўлароі йирик ва квадрат шаклига ўхшаш из іолдиради.

Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, ҳар иккисидан фойдаланишда ёIоч хом-ашёсининг ҳолатига ахамият бериш керак. Чекма іалам ёки искана ёIоч хом-ашёсига нисбатан $45^0$ iияликда ишлатиш талаб этилади. Акс ҳолда буюм сифатига путур етказади. Яъни, чекма іалам ёки исканaнинг тишлари ёIоч толаларига нисбатан параллел ҳолда ишлатилса буюмга чуiурроi ботиши ва хатто буюм дарз кетиши ҳам мумкин. Агарда $90^0$ да фойдаланиладиган бўлса, ёIоч толаларини титиб юборди. Бу эса буюм сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Буюмни чакичлашдан олдин чекма іалам ва чекма исканaнинг ишчи ҳолатига ахамият бериш лозим. Чекма іалам ва чекма исканаларнинг тишлари орасидаги ўлчам бир хилда бўлишлигига, шунингдек, ҳаддан зиёд майда ёки йирик бўлмаслигига ахамият бериш керак. Чунки, майда тишли чекма іалам ёки чекма исканаларда чакичланганда ўйма замин тушунарсиз, сифатсиз ўйма бажарилгандай кўринишга келиб іолади. Йирик тишли чекма іалам ёки чекма исканалардан фойдаланилганда эса йирик-йирик чуiурчалар ҳосил бўлади, киши кайфиятини бузади, не-не машаiатлар билан ишланган санъат асарини кўримсиз ва яроiсиз буюмга айлантиради.

Чекма іалам ёки чекма исканалардан фойдаланишда ўйиш жараёнидаги сингари исканани бўшроі, болIани эса маҳкамроі ушлаш керак. Буюмни чакичлаш давомида болIани бир хил кучланишда уришга эътибор іаратиш лозим. Буюмни чакичлаш устадан катта маҳорат ва iунт талаб iилади. Уста фикрни жамлаб болIанинг тушишига, iатор ораларининг бир хиллигига алоҳида синчковлик билан ахамият бериб бориш зарур. Яратилаётган санъат асари муҳлислар руҳиятини кўтаради, кишига завi баIишлайди, кўнглига шодлик олиб киради. Шунинг учун ҳар бир ишни бажаришда ушбу жиҳатларга амал iилиш муҳим.

**ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАРИ:**

**ФАКТУРА I** (русча <  латинча) - харидорларига сотиш учун жґнатилган молларнинг рґйхати, миідори ва нархи кґрсатилган хужжат.

**ФАКТУРА II** (латинча-***Factura*** - ишлов, тузилиш) - 1. Бадиий асар сиртининг ишланиш ёки тузилиши хусусияти.

2. Бадиий моµирликнинг ґзига хослиги, фойдаланилган материал сиртининг табиий хусусиятлари.

**ЧАКИЧ ЗАМИН** - ёІоч ґймакорлигида ґйма наіш заминига ишлов берилгансанъат асари.

**ЧЕКМА** - нуіта, чакич нуіталари.

**ЧЕКМА ПАРДОЗ** - ґймакорликда наіш заминини чакичлаб (нуіталаб) пардозлаш.

**ЭМОЦИОНАЛ** (русча - *эмоциональный*) – эмоцияларга, µис-туйІуларга тґлган; эмоцияни, µис-туйІуларни ифодалайдиган; жґшіин.

**ЭМОЦИЯ** (русча < французча) – µис-туйІу; µис-µаяжон.

## МАВЗУНИ МУСТАҐКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Чакич нима?
2. ЁІоч ґймакорлигида чакич іандай ахамият касб этади?
3. Чекма іалам нима?
4. Чекма искана нима?
5. Чекма іалам ва чекма искананинг бир-биридан фаріи нимада?
6. Буюм заминини чакичлашда нималарга эътибор бериш зарур?

## IX БОБ. БУЮМНИ ЛОКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ЁIоч ґймакорлигида іанчалик сифатли ґйма бажарилмасин, ґймага мос пардоз тури танланиб аъло даражада ишлов берилмасин, буюмни жозибадорлигининг 70-80 фоизини сґнгги ишлов берилганлик даражаса ташкил іилади. Сґнгги ишлов бериш деганда буюм ґйилиб, замини чакичланиб, ґймага мос пардоз берилгандан кейинги юмушларни тушинмок керак. Яъни, ґйма бажарилиб бґлингандан кейинги локлаш боскичи назарда тутилади.

¤йма юзасига лок беришдан олдин ґйма юзасини яхшилаб іум іоIозда, яъни жилвир іоIозда жилвирлаб чиіиш зарур. Юіорида кґриб ґтганимиздек, жилвир іоIознинг бир неча турлари мавжуд. ¤йма юзасини майин жилвир іоIоз билан жилвирлангандан сґнг чанг ва гардлардан тозаланади.

Шу ґринда іуйидагиларни таъкидлаб ґтиш жоизки, яъни турли ёIоч ґймакорлик мактабларида наіш композициясининг тузилиши, ґйилиши ва пардоз усуллари каби локлаш усулларида µам ґзига хосликка эга эканлигини кґришимиз мумкин. Масалан, Jґіон ёIоч ґймакорлик мактаби вакиллари баъзи µолларда монументал асарларни яратишда дастлаб ґйма замини ва сиртига бир текисда алиф мойи суртиб чиіадилар, сґнгра локлашларига гувоµ бґлсак, Самаріанд ёIоч ґймакорлиги мактаби вакиллари эса ґйманинг µамма замини ва рельефларини бир маромда локлаб чиіадилар.

Хивалик усталар ёIоч рангининг табиийлигини саілаган µолда ґйма юзаси ва заминига аввал пахта, зиIир, яъни оі ёI бериб сґнгра локлайдилар. Тошкентлик усталар ижодига назар соладиган бґлсак, умуман бошіача манзаранинг гувоµи бґлишимиз мумкин, яъни ґйма юзасига, хаттоки ґйма заминини ёIоч ранглари билан оч ва тґі кґринишда бґяб, сґнг ґйма рельеф юзасини танпон ёрдамида лок суртилади. Бир неча маротаба лок суртиб чиіилгандан кейин майин бахмал материал билан лок іуригач артиб чиіилади. Бу µам буюмга ґзига хос гґзаллик ва жозиба бахш этади.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, ґйманинг сирти ёки заминига ранг берилганда ґймакорликда ишлатиладиган бґёілар сувли бґлганлиги сабабли сифатсиз бажарилган ґймакорлик намуналарида ёIоч намланиб тоза олиб ташланмаган ёIоч толалари хунук кґринишга келиб іолади. Шунинг учун бґёі

суртиб чиіилгандан сґнг µар гал бґёі іуригач майин жилвир іоIозда жилвирланади, заминида сифатсиз ґйма туфайли µосил бґлган толалар замин искана ёрдамида эµтиёткорлик билан олиб ташланади.

Бґёі ґйма заминига майин іиліалам билан суртилса, рельеф юзасига эса майин ва юмшок латта танпон ёрдамида амалга оширилади. Яна шуни µам назардан четда іолдирмаслик жоизки, іандай бґёі тусидан фойдаланишимиз бажараётган буюмимизнинг ишлатилиш жойини, ёIоч хом-ашёсининг табиий кґринишини ва µакказоларни инобатга олган µолда ранг тусини танлаш керак. ЁIоч ґймакорлигида ишлатиладиган бґёілар бир неча турга бґлинади. Масалан, ёнIоі тусли, дуб ёки бук тусли ва іґнIир тусли бґёіларни учратишимиз мумкин.

Амалий санъатнинг бир іатор тур ва жанрларидагидек ёIоч ґймакорлигида µам барча юмушлар бажарилиб, охирги ишлов бериш, яъни локлаш муаммоси пайдо бґлади. ЁIоч ґймакорлиги устаси лок турларини бир-биридан фарілай олиши ва амалда іґллаш технологиясини пухта эгаллаган бґлиши зарур. Акс µолда не-не машаііатлар билан амалга оширилган меµнатни биргина арзимас хато туфайли йґііа чиіаришимиз мумкин. Чунки, ґймакор уста томонидан яратилган санъат асариниг жозибадорлигига, гґзаллигига ва кґркамлигига локлаш оріали эришилади. Хґш, лок нима ґзи? Лок смолани спиртда эритиб µосил іилинадиган суюілик бґлиб, буюмларни ялтиратиш ва пардозлаш учун ишлатиладиган масса.

Лок сифатига іараб 4 с, 6 с ва 7 с маркали бґлиб, ёIли, спиртли ва смолали локларга бґлинади. 4 с маркали локлар туси іуюі кґк чой ёки пахта ёIига ґхшаш бґлиб, ишлатилганда бґёіларнинг, ёIоч материалларининг табиий рангини саілаб іолади ва рангини ґзгартирмайди. 6 с ва 7 с маркали локларнинг туси іорамтир, ранги іора чойга ґхшаш, µиди аччик бґлиб, ишлатилганда бґёінинг ва ёIоч материалларининг табиий рангини саілаб іолмайди, уларнинг рангини ґзгартириб сал іорамтир тус беради.

Айрим локларда юіорида айтилган махсус маркалар іґйилмайди. Масалан, ПФ-283 локини олайлик. Ушбу лок Тошкент лок-мой ишлаб чикариш корхонасида тайёрланган бґлиб, рангсиз, худди 4 с маркали лок тусига ґхшаш

ранги тоза, тиниі. Лок іандай маркада бґлишидан іатий назар ундан фойдаланишдан аввал уни кичкина нарсага суртиб амалда синаб кґриш маісадга мувофиі бґлади. Шунда ишлатмоічи бґлган локимиз µаіида тґлиі маълумотга эга бґламиз.

Чунки, локни амалда іґлламай туриб у µаіда тґлиі тасаввурга эга бґлишимиз мумкин эмас. Ундан фойдаланиш жараёнида ранг туси, іандай µаво µароратида іуриши ва муддати, ялтироілиги, амалда фойдаланилгандаги жило бериши кабиларни билиб оламаз ва шу йґсинда амалда іґллаймиз. Одатда лок 18-22 даражали µароратда 48 соатда, яъни икки суткада яхши іурийди.

Буюм локланганда махсус саліин, чангсиз ва іуруі жойда саіланиши лозим. Чанг ва гардлар лок сифатига путур етказади, иссиі ва нам жойдалокнинг іуриш муддати узаяди. 2 ва 3 маротаба лок суртилганда яхши іуримаган лок йиІилиб-йиІилиб буришиб іолади. Бундай камчиликлар ишнинг савиясига таъсир этмасдан іолмайди. Шунинг учун µар бир ишни амалга оширишда пухта ґйлаб эµтиёткорлик ва синчковлик билан µаракат іилиш зарур.

**ТАЯНЧ ТУШУНЧАЛАР:**

**АЛИФМОЙ** (русча - *олифа*) – алиф мой (тґІри ёзилиши шу шаклда) зиІир ёІдан іиздириб тайёрланган ва бґёічиликда ишлатиладиган мой.

**Б¤ЁЈ** - 1. Бґяш, ранг бериш учун ишлатиладиган модда; краска.

2. Нутіни, тасвирни безатувчи ифода воситалари.

**ЗИўИР** – 1. Поясидан тола, уруІидан ёІ олинадиган бир ойлик ґсимлик.

2. Шу ґсимликнинг уруІи, µосила.

**ЛОЙИЃА** (атабча) – 1. Бино, иншоот, машина ва шу кабиларни іуриш ёки тиклаш учун ишланган чизма, режа; проект.

2. Јарор, фармон, іонун ва шу каби хужжатларнинг дастлабки хомаки тексти; проект.

**МАРКА** (русча < немисча) – 1. Пѓчта µаіи ва бошіа хил давлат йиІимларини тґлаганлигини кґрсатувчи, нархи ёзилган, одатда бирор тасвир туширилган тґртбурчак іоІозча.

2. Тґланадиган µаінинг белгиси, нишони.

3. Мол, товарга іґйилган тамІа.

4. Мол, товарнинг нави, хили.

**МАССА** (русча < латинча) – 1. Механиканинг энг муµим физикавий хоссаларидан бири, материяга хос вазминликни, инерциянихарактерлайдиган миідор.

2. Яхлит ёки бґтіасимон жисм ёки модда.

**ЛОК** (форс - тожикча) – смолани спиртда эритиб µосил іилинадиган, буюмларни ялтиратиш, пардозлаш учун ишлатиладиган суюілик.

**РЕЛЬЕФ** (русча < французча) – 1. Ер сиртидаги турли нотексликлар-баландлик, пастлик, тоІ ва шу кабилар йиІиндиси.

2. Бґртма наіш.

**СМОЛА** (русча) – игнабаргли ва бошіа баъзи бир ґсимликлардан ажралиб чиіадиган, µавода іотиб іоладиган елимкаш модда; шира.

**СМОЛАЛИ** – смола берадиган; серсмола.

**ТЕХНИКА** (русча < грекча) – 1. Ишлаб чиіаришда іґлланиладиган меµнат іуроллари-механизм, аппарат, мослама ва шу кабилар мажмуи, шунингдек уларни ґрганиш, іґллаш, такомиллаштириш соµасидаги инсон фаолияти.

2. Бирор иш ёки µаракатни бажариш йґллари, усуллари мажмуи; шу усулларни эгаллаганлик, маµорат даражаси, санъат, маµорат.

**ТЕХНОЛОГИЯ** (русча < грекча) – 1. Ишлаб чиіариш процесслари, усул ва воситалари µаіидаги билимлар мажмуи.

2. Ишлаб чиіаришнинг бирор соµасида материалларга ишлов бериш ёки іайта ишлашда іґлланиладиган усуллар, операциялар мажмуи.

**ТУС –** 1. Ранг-бґёінинг бир-биридан кґриниши билан фарі іиладиган µар бир айрим тури.

2. Моллар, µайвонлар терисининг ранги, ранг нозиклиги.

3. Ташіи кґриниш, іиёфа, тахлит.

## МАВЗУНИ МУСТАЃКАМЛАШ УЧУН САВОЛЛАР:

1. Буюмга сґнгги ишлов бериш деганда нимани тушунасиз?

2. Буюмни локлашда нималарга аµамият бериш зарур?

3. Јґіон ёІоч ґймакорлиги мактаби вакилларининг буюмни локлаш усуллари µаіида гапириб беринг.

4. Хивалик ґймакор усталарнинг локлаш усулларини тушунтириб беринг.

5. Тошкент ва Самаріанд ёІоч ґймакорлиги мактаби вакилларининг буюмни локлаш усулларида іандай фарі бор?

6. Јайси мактаб вакиллари аввал ранг бериб, кейин локлайдилар?

7. Лок ґйма буюмга нималар ёрдамида суртилиши мумкин?

8. Лок нима?

9. Локнинг іандай маркалари мавжуд?

10. Локнинг іандай турлари бор?

11. 4 с маркали лок іандай хусусиятларга эга?

12. 6 с ва 7 с маркали локлар µаіида маълумот беринг.

13. Локланган буюмни іандай жойда саілаш лозим?

14. Лок неча даража µаво µароратида ва іанча муддатда іурийди?

## МАВЗУ: ГАНЧКОРЛИК САНЪАТИ ВА УНИНГ ТАРИХИ.

Ганчкорлик қадимий санъат турларидан бири бўлиб, ўз аксини дунё меъморчилигида, жумладан, Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Арабистон ва бошқа Шарқ меъморчилигида намоён этиб келмоқда. Айниқса, Ўрта Осиёда яратилган асарлар ўзига хос бадиийлиги, композицияси ишланиш услуби билан фарқ қилади.

Хозирги кунда ганч серқуёш Ўзбекистонимизда ардокланиб ва авайлаб мухофаза қилинаётган кўпгина ёдгорлик обидаларига қўркамлик, гўзаллик бахш этиб турибдия. У Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Қўқон, Фарғона, Хива,

Шахрисабз ва бошқа шахарлардаги тарихий обидаларни кўриш ва безатишда ишлатилган.

Ганч ўймакорлик санъати асрлар давомида ўзига хос услуб билан ривожланиб келди. Бу санъатнинг энг қадимги, Ўрта асрлардаги ва XX асрдаги ривожлзнишини кўздан кечириб, ўрганиб чиқсак, бу даврлардаги ганч ўймакорлиги бир-биридан анча фарқ қилади.

Қадимги  ганч ўймакорлиги хажмий бўлиб реалистик тасвирлар асосида ишланган. Уларда кўпинча одамлар, ҳайвонлар, қушлар тасвири ишлатилган. Эрамизнинг биринчи асрларидаёқ кишилар ганчни ажойиб хусусиятга эга эканлигини билиб, қалъалар, карвонсарой ва бошқа жойларни безай бошлаганлар. Бўлиб ўтган жанглар оқибатида улар вайронага айланиб, фақат қолдиқлари сақланиб қолган.

III асрда Тупроққалъанинг серхашам сарой меҳмонхоналари ўйма ганч билан безатилган. Варахшадаги топилмалардан VI-VIII асрлардаги Бухоро Саройи қолдиқлардан намуналар топилган.

Бу топилмаларда қушлар, ҳайвонлар, балиқларни, ўсимликсимон ва геометрик шаклларнинг ўйма намуналарини кўриш мумкин.

X-XI асрларда наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги янада ривожланди. Мураккаб абстракт тасвирни акс эттирадиган нақшлар пайдо бўлди. Ганч ўймакорлиги ишлари уйнинг ички ва намгарчилик тегмайдиган ташқи қисмида ҳам қўлланилади.

Термиз мақбараларидаги ганч ўймакорлик санъати ўша даврининг юқори чўққиси деса бўлади. XII асрда мукарнаслар ҳосил бўлди.

Кўпгина биноларда қўлланила бошлади. XIII асрда ганчкорлик санъати янада юксапди. Бунга Афросиёбда топилган ажойиб ганч ўймокорли гиишлари мисол бўла олади. XIV-XVII асрларда ҳам биноларнинг ичкикисмларини безатишда ганчкорлик санъатиданфойдаланилган.

Ганчкорликнинг гуллаб-яшнаган, даври XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошлари бўлди. XIX асрнинг бошларида буюк ганч ўймакорларидан Абдурахим Хаётов, Уста Мурод, Уста Фузайл, Уста Носир, Уста Хожи Хафиз, Уста

Насруллобой, Уста Азим, Уста Омонулло, Уста Гофир, Уста Иброхим, Угта Сарви, Уста Абдуфаттох ва бошқалар фаолият кўрсатдилар.

XX аср бошларидаги ишларда ўйма Релъефи жуда майин услуб техникаси пайдо бўлди. Рангли ганчлар, бўёқлар, нақш ва тасвирлар қўлланила бошлади.

1913-1914 йилларда Бухорода Амир Ахадхон томонидан Ситораи Мохи Хоса қурилди. Ганч ўймакорлиги билан безатилди. Айниқса, Оқ уй (мехмонхонани) ўша даврдаги ганч ўймакорлигининг ажойиб намунаси деса бўлади. Бунда ойна заминида ганч ўймокорлиги бажарилган. У ўзиниииг нозиклиги жимжимадор қилиб безатилиши билан ажралиб туради. Мазкур саройнинг безак ишларини Уста Ширин бажарган. У ўша даврда энг кўзга кўринган ганчкор усталардан эди.

1918-1920 йилларда хунармандлар комитети Тошкентда улкашунослик хунармандлар ташкилоти, укув намунавий устахоналар ва хунармандлик ишлари буйича музей ташкил этилади.

Узбекистон хунармандлари уз ишлари билан 1937 йилда Парижда "Санъат ва техника хозирги кунда" деган кургазмаларда иккита "Грант при", иккита кумуш медаль ва битта олтин медаль билан мукофотландилар.

1947 йили Тошкентда меъмор А. Мухамедшин бошчилигида Курант биноси курилди. Бу бинони безашда Уста Ширин Муродов ганчкорлик санъатининг ажойиб намуналари билан безалди,

Узбекистон меъморчилигида катта хазина булиб кушилган Узбекистон Давлат опера ва балет катта театри 1947 йили академик архитектор Алексей Шусевниниг лойихаси ва рахбарлиги остида куриб битказилди. Шусев Узбекистон вилоятларидаги ганчкор усталарни бир жойга йигиб, улар олдига икки мухим масалани: театрнинг залларини хар бир вилоятнинг узига хос миллий услуби асосида безаш, иккинчиси - безалган хона театрнинг архитектура бадиий образига мос тушиши кераклиги хакидаги масалани куяди.

Бунинг натижасида театрнинг Хива, Термиз заллари кадимда ишлатилган ганчкорлик услубида ишланди. Бухоро, Фаргона ва Самарканд заллари эса замонавий халк анъанасига мос булган уймакорлиги билан безатилди.

Узбекистонда узига хос ганчкорлик мактаблари мавжуд. Шулардан бири Хоразм ганчкорлик мактабидир. Хоразм меъморчилигида геометрик накшларга кенг урин берилган булиб, улар бошка вилоятларга караганда узига хослиги билан ажралиб туради.

Айникса, усимликсимон накшлар спирал шаклда айланма харакатчанлиги, динамиклиги билан фарк килади. Ислимий накшлар куйидагича яхлит турунж, мадохил, калампир, бодомга ухшаш таноб шаклларининг такрорланишидан хосил булади.

Баъзи холларда турунж, мадохили таноблар урнига юлдузсимон гирихлар хам ишлатилади. Ислимий накшларда новда куп ишлатилиб, маргула, барг, шкуфта, ойгул, нохот гул, куртак ва гунчалар куп кулланилади. Хива ганчкорлигида энг характерли томонларидан яна бири накшларнинг эркин ва харакатчанлиги, жушкинлигидир. Инчунун бу мактаб наккош усталари куп холларда кук ва яшил ранг билан ишланган. Рузимет Машарипов, Каримберган Рахимов, Каримберган Полвонов, Юсуф Худойберганов, Бекжон Ёкубов, Одамбой Бобожонов, Одамбой Ёкубов кабилар Хоразм ганчкорлик мактаб намоёндаларидандир.

Бухоро ганчкорлик мактаби санъатининг энг ривожланган жойи ва учоги хисобланади. Зеро бу санъат уйма ганчларнинг йирик хамда узига хос майинлиги, жозибадорлиги ва бошка томонлари билан ажралиб туради. Бухоро ганчкорлик мактабининг энг йирик намоёндаларидан бири академик Уста Ширин Муродовдир, Бухоро ганчкорлик мактаби намоёндалари Уста Сафар, Уста Адис, Уста Саври, Уста Ислом, Уста Икром, Уста Жура, Уста Курбон Юлдошев, Уста Иброхим Хафизов, Уста Назрулло, Уста Хаёт Носиров ва бошкалардир.

Тошкент ганчкорлик мактаби хам узига хосдир. Бу мактабга хос накшлар нозиклиги аник симметрик таксимга эгалиги, жозибадорлиги билан ажралиб туради. Тошкент ганчкорлик мактаби намоёндалари сафида Усмон Икромов, Тошпулат Арслонкулов, Махмуд Усмонов, Анвар Пулатов, Мирмахмуд Рахматов, ака-ука Абдурахмон ва Мумин Султоновлар, Хаёт Абдуллаев, Зиёдулла Юсупов, Умар Тохиров, Мирвохид Усмонов каби катор етук усталар бор.

Самарканд бутун дунёга машхур энг кадимий шахарлардан бири булиб, у ерда ишланган накшларнинг хар бири узига хос мактабга эга.

Бошка ганчкорлик мактаби накшлари узининг тузилиши жихатидан Тошкент накшларига ухшаб кетади. Самарканд ганчкорлик мактаби намоёндалари Уста Анвар Кулиев, Уста Турсунбой Исмоилов, Шамсиддин Гофуров, Кули Жалилов ва бошкалардир.

Ганч ўймакорлиги турлари. Хар кандай бинони безашда аввал унинг тузилишига мос ганч уймакорлиги турини танлаш, куллаш мухим ахамиятга эга. Кичик хонага майда текис уйма ва унга мос булган пардоз тури катта мехмонхоналарига эса йирик уйма ва узига хос ганч уймакорлиги кулланилади.

Ганч уймакорлиги, йирик уйма, чукур уйма, ясси уйма, кирма, замини кузгули уйма, замини рангли уйма, чизма пардоз, панжарасимон уйма, занжирсимон хажмли уйма турларидан иборат. Бундан ташкари ганч уймакорлиги турлари заминли ва заминсиз уймаларга булинади.

Энг куп кулланиладиган уйма ясси уймадир. У интерьерда куп кулланилади. Албатта катта булмаган хоналарга уйманинг чукурлиги 1-1,5 см булиб, унга хар хил паридоз турлари берилади.

Уйма накшнинг замини умумий юзанинг 30-60 фоизини эгаллайди. Уйилган жойига пах пардоз, чока пардоз, лула ёки табака пардоз берилади.

## МАВЗУ: ГАНЧКОРЛИКДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСБОБ-УСКУНАЛАР ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

Утмишда халк. усталари устачилик асбобларининг мукаддас санаб келганлар. Улар уз асбоб-ускуналарини шогирдларига мерос к.илиб к.олдирганлар. Бу миллий анъаналар замирида чук;ур инсоний маъно ва мазмун ётибдики, буни х.ис этиш бахтиёрликдир. Ана шундай бахтга муяссар булган устозларимиздан бири Бухоролик ганч уймакор академик Уста Ширин Муродовдир. Унинг Устози Уста Хает кунлардам бир купи Ширинни олдига чакириб мен, сендан хурсандман, энди мустак,ил ишлайверсанг булади.

Миллий аньана буйича, яъни 20-30 та усталар, шогирдлар уртасида уста номини беришди. Уртага чакириб белига энг яхши ганч уймакорлик асбобларидан штургардонни кийикнага к.истириб куйишди ва фотиха беришди. Ширин Муродов ана шундан кейин ха/*!; уртасида Уста деган номга эга булади.

Доно халқимизда "Иш қуролинг соз булса, машаккатинг оз булур". Бу мак.олда шогирд у ёки бу ишни битиргандан, огирини енгил, мушкулини осон к,иладиган иш куролларини х.амиша шай цилиб к.уииш кераклигини хамда бирор ишни қилиб булгандан сунг бир чеккага тозаламзсдан улоктириб, занг бостириб куймаслиги, утмас булиб к.олса чархлаб, уткир к.илиб қуйиши, бузилса дархрл туззтишп. уларни мохсус жойда саклаш керак. Ганчкорликда хам узига хос асбоб-ускуналар ишлатилади. Накш композициялар чизи[и учун чизгичлар, паргор, юмшок; ва к.аттик кора каламлар, дафтар, альбом, учиргичлар, шаффоф когоз, ок. когозлар керак булади.

Ганч крриш учун сирли тогорз, элаклар, катта ва кичик челаклар, рулетка, андава, ганч юзасини ишлаш учун майин латта, шовун, улчов асбоблари, махсус қУлкопча, к.ум к.огозлар, симлар ва бошқа асбоб ускуналар ишлатилади. Асбобларни чархлаш учун кайроқ тош ганч тогора, колип рейкалар ишлатилади. Ганч уйиш ва пардозлаш учун жаррохлик пичоги, искана, штургардон туя буйин, каламток (к.алами шкуфта), минкор, морпеч каламлар, к;алам пух, латак бинди, лулакаш, замин калам, наво калам, пил г а калам, дудгиал калам ва бошка асбоблар ишлатилади. Ганчкорлар кадимда 20 га якин ганчкорлик асбоб турларини ишлаттанлар. Хозирда бундай асбоб турларини тайёрлайдиган темирчи усталаримиз жуда оз колганлиги ва бу асбобларми расталарда сотилмэслиги натижасида хозирги усталаримиз асосан жэррохлик пичоги (скалпель), минкрр, искана ва штургардон асбобларида ишлаб келяптилар, Виз учун дастлабки ганчкорлик сирларини урганишда асосан жаррохлик пичоги ва искана керак булади. Ганч уйиш ва пардозлаш учун ишлатиладиган асбоблар билан як,индан тоиишиб чикамиз.

Жаррохлик. пичоги (скалпель) пулатдан ясалган хар хил улчамли жаррохлик пичокчаси. Ундан қозирги ганч уймакорлигида хам кенг фойдаланилади. Уймами катта-кичиклигига кара б усталар х.ар хил уячамдагисини ишлатадилар. Ундан фойдаланишда аввал чархлаб, дастасини к.улга богмайдиган кклиш учун икки

гомонига юпка фанер куйиб, изолента ураб кейин ишлатадилар. Бу пичоқ уйилаёттан гулни чизишга, кесишга, уйишда ва пардоз беришда ишлатилади. Яъни бу асбоб уймакорликдаги турли ишларни бажаришда кул келади. Искана - дурадгорликда ишлатиладиган оддий асбоб, унинг учи огма х.олатда кесик булиши қпм мумкин. Исканалар >;ар хил катталикда булади, кичиги майда уймаларда, каттаси йирик уймаларда ишлатилади. Искана темир стержинининг узунлиги 7 см дан 10 см гача булиши мумкин.

Исканани мактаб устахонасида х.ам ясаб олиш мумкин. Штургардон ганч уймакорлигидаги асосий уйма асбоб, стерженли бел кисми туя буйнига ухшаш 90 фоиз остида кайрилган булгани учун уни штургардан, яъни туябуйин деб хам юритилади. Ясси пулатдан ясалган кесгич кисмининг тиги учли булиб тенг ёнли учбурчакка ухшайди.

Штургардон орнаментларнинг контур чизикларни кесишда ва уймали рельфга пардоз беришда ишлатилади. Уймага кораб штургардоннинг катта-кичиги танланади. Нунончи, катта Ш1ургардон накшларни контурларини уйишда ва чуқур заминли уймаларда, уртачаси уймага пардоз беришда, кичик штургардон эса майда уйма ишларини бажаришда ишлатилади.

Пух к,алам - -х.анжарга ухшаш икки томонга к.иялаб кетган уткир учли (факат учи шаклдаги илмокда 9>:шаш кайрилган булади) асбоб. Кескич кисмининг узунлиги 10 см дан 18 см гача узунликда булиши мумкин. Пух калам эгри сиртларнқ! текиплашда, сталактитлар билан ишлашда, пардоздан.' наво очишда ишлатилади. Бу асбоб хам х.ар хил катгаликда булади.

Минкор - узун (стерженли) уч кисмига учбурчак куракчали коскич 90 фоизли бурчак остида урнатилган булиб, уйма заминини . тозалашда текислашда ва чукурлашда ишлатилади.

Калам7ок - тузилиши худди ханжар куринишда булиб, кескич кисми икки томонга киялаб уткирланган. У тирнаб чизик, чизишда, уйишда ва ганчни тешишда ишлатилади.

Морпеч калам - уй нак.шларининг четларига ярим доиралар, буртик; хрсил килиш, уларни к,иркиш х.амда рельефга лула пардоз беришдз, уйилган накдиларнинг

четларига занжир, хршия агрофларига турли куринишларда Ганчкорлар ярим доиралар, нукталар чикаришда ишлатиладиган ганч уймакорлик асбоби. Морпеч калам тузилиши жих.атидан юмалок булиб, сирт кесиш учу и ишлатилади, у пулат андазали шаклдан, стержендан ва ёгоч банддан иборат.

Л ух ~ ярим цилиндр сиртларни хрсил к[млиш]ДЭ шила1иладиган ганч уймакорлик асбоби. Тузилиши жих.атидан кескич к,исми япалок. ясси шаклда булиб, учи 90 фоиз бурчак остида букланган булади.

Калам - ханжар шаклидаги асбоб. Баьзиларининг учи кайрилган булади, ахта ёрдамида туширилган накшларни учиб кетмаслиги учун тирнаб чизиб чикишда ишлатилади.

Пил га калам - ганч уймакорлик асбобининг бир тури, унинг учи кайрилган булади. У ярим айланадиган рельефлар хрсил килии)да ишлатилади.

Патак бинни - штургардоининг бир тури, у рахни учли килиб кесишда ишлатилади.

Носа - искана куринишда булиб, учи эгри учи илмок сиигари букланган, уткир учли ганчкорлик асбобининг тури. Рельефларни юмалок к[и]либ кесишда ишлатилади.

Калами шкуфта - айлантириб тешик очишда ва чизик чизишда ишлатилади.

Лулакаш - умумий куринишда ярим юмалок. букланган, учи ярим дойра шаклида, асосан, лула пардозлашда ишлатилади. Бу асбоб уйманииг йирик еки майдалигига к.араб қар хил улчамда булади.

Шарафа калам - учи кайрилган искана, майда мукарнасларни уйишда ишлатиладиган ганч уймакорлик асбоби. Ганч уймакорлигида ишлатиладиган асбобларни хрзир топиш кийин, чунки сотуада бундай асбоблар сотилмайди,

Ганч уймакорлик асбобларини махсус каламдонга солиб юрган маькул.

## МАВЗУ: ГАНЧ УЙМАКОРЛИГИДА ИШЛАТИЛАДИГАН НАКШ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ЧИЗИШ.

Ганч уймакорлигини урганишда нақш чизиш муқим ахамиятга эга. Накш чизишни яхши билмасдон турнб ганчни қар канча чиройли килиб уймайлик барибир сизни стук уста деб х.еч ким тан олмайди.

Хар бир халқ амалий санъат турларида узига хос тузилишга, куринишга, мазмунга эга булган накшлар ишлатилади. Шу цатори ганч уймакорлигида ишлатиладиган накшлар хам узига хос характерга эгадир, Табиийки накш элементлари наккошлик, ёгоч уймакорлиги, тош уймакорлиги, каштачилик ва бошка турларида ишлатиладиган нак;ш элементлари ва накшлар билан узига хос фарк; килади. Усталар табиатдаги гул, барг, новда, гунча, кабутар, товус ва бошкаларнинг тузилишини, усиш конун-коидалари, куринишини синчиклаб урганиб, улардан турли накш композициялар ишлаш учун х.ар хил элементларини стиллаштириб олганлар.

Чунончи, уста гулни стиллаштириб олишда унинг гузаллигини кайси х.олатда (устидан, ёнидан, тагидан) куринишини тасвирлашни, излаб топади.

Хар кэндай киши ганч уймакорлиги, наккошлик, ёгоч уймакорлиги аа бошкаларни урганиш учун нак,ш элементлари чиза олишни урганиши керак. Бу элементлар нак,ш ишлашни алифбоси х,исобланади. Бу дарсдан биз усимликсимон накш элементлари барг, гул, маргула ва таноб, шкуфта, боглам ва сиртмокларнинг турлари, номлари ва уларни чизишни урганамиз.

Варг усимликсимон нак,ш элементлари булиб, наккошлар томонидиан табиатдаги усимлик бэргни стиллаштириб олтан тасвири.

Барг накш композициясида тулдирувчи ва х.усн берувчи элементдир.

Улар тузилишига кура оддий ва мураккаб турларга булинади, Оддий баргларга уч барг, бодом барги, тол барги ва бошкдлар киради. Мураккаб баргларга эса куп барг, шобарг ва бошкалар киради. Баргларнинг куйидаги: Стилизация - куш, балик нашоратлар, барг, гул, ранг ва шаклини куринишини накшга мослаштириб хамда умумлаштириб олиниши,қ турлари бор: чунончи, шобарг (шох.она барг) энг катта барг, куп барг, чор барг, (туртта барг), хурмо барги, тол барги, анор барги, кашкарчи барги, мадох.ил барги, кқуш бодом барги, калампир барги, нок барги, самбиг барги ва бош/қа 50 дан ортик. турлари бор.

Рунча - табиатдаги гунчаларни уста томонидан стиллаштириб олинган тасвири.

Гул - табиатдаги накдошлар томонидан стиллаштириб олинган тасвири. Гул накш композициясида тулдирувчи ва х.усн берувчи элемент булиб х.исобланади. Гулларнинг хар хил турлари булиб, улар Узига хос номяанади. Чунончи, уч-беш япрогли ойгул, баргли ойгул, лояа гул, пахта гул, нохот гул, чинни гул, савсар гул, агир гул, гулафшон, гултожихуроз ва бошк.алар.

Гуллар тузилишига кура оддий ва мураккаб1а булинади. Мураккаб гулларга листа гул, куп баргли гул еа бошкалар, Оддий гулларга эса ойгуп, лола гул, нухат гул ва бошкалар киради.

Гуллар х.ар хил тузилишга эга булганлиги учун уларни узига хос номлари бор.

Шкуфта - усимликсимон нак.ш элементи буяиб, новдалар бир-бирини боглаш еа юзаларини тулдириш учун хизмат килади. Шкуфта тузилиши жих.атидан турлича булади. Вир ерда кичик содца булса, иккинчи уринда анчагина такомиллашган, учинчи уринда икки томондан келаётган шкуфта мадохил ёки шунга ухшаш шаклни х.осил килади.

Боглам ва сиртмоклари - усимликсимои накш элементлари булиб, банди румий бофтанинг оддий тури х.исобланади. Икки танобни учинчи сиртмоксимон эгиб узига боглашии сиртмок; дёйилади. Сиртмоклар бйр-бири билаН чалкашйб утади, умумий куриниши худди саккиз ракамни зслатади.

Бофта - Таноб айланиб утиб хрсил килган шакл, йслимий накш элементи. Бофталар тугри, эгри хамда аралаш чизиклзрдан ташкил топган булади.

Маргула - куш чизикли гажак, усимликсимон наши; элементи. У мисгарлик, наккошлик, зардузлик кабиларда ишлатилади. Агар бир новдани учидан икки маргула х.осил булган булса, уни куш маргула деб юритилади. Агар но еда билан маргула тосвирянган булса, маргулали новда деб юритилади. Накш композициясида маргула тулдирувчи элемент х,исобланади.

Банд - (новда наботий) накшлардаги усимлик ва дарахт новдасини ифодаловчи йул билан у танобга нисбатан иккиламчидир. Усимликсимон накш элементи булиб, у гулларнинг новдаси ><исобланади. Банд табиатдаги дарахг ёки усимликларнинг новдасини ва танасини сгиллаштириб олинган тасвирдир, Хар бир накш элементи сингари бамднинг >қам композицияда к.улланишнинг уқзига хос цоидалари бор. Масалан, бзнднинг аник, бир улчамда булиши композицияда гулларга нисбатан сакланиш, у накшда гуллар, барглар ва танобларнинг тагидан утиши ва х.к. Турли накшлардан композицияда банддан узига хос методда фойдаланилади, шунинг учун >;ам нзкшлар бир-биридан фарк. килэди. Чунончи, Хоразм накшида бандлар кам, куртак ва барглар деярли булмайди. Новдаларнинг узи пружина сингари бир-бирига туцилиб кетади. Бундам ташқари новда шохлаш пайтида Бухоро, Тошкент ва Самарканд нусхаларидан купинча шкуфта билан шох/шри бир-бирига мустэ>;камлашса, хоразмликларда шкуфта ажратилмай урнига новдача к.ушилади. .

Таноб - арабча чилвир, аркон деган маънони беради. Мураккаб накшлар композицияси асосини ташкил этувчи негизи ва накшига шакл берувчи чизик таноб дёйилади. Марказий Осиё накшларида бир хил йугонликдаги чизик булиб, усталаримиз табиат манзарасида учрайдиган анхррнинг шартли тасвири деб олганлар. Наккош нзкш композициясини чизишдан олдин биринчи навбатда таноб тортиб, кейин новдаларни чизади. Сунгра новдаларни йуналишига мослаб гуллар жойлаштириб чикади. Усталар накш композиция чизишда танобни биринчи режага Куядилар. Таноб устидан хеч к;ачон, гул, новда ёки барг босиб утмайди. Ташкари таноб таг рангларини бир—биридан ажратиб туради. Таноблар хилма-хил булиб, бир композицияда бошлангаиича узлуксиз давом этади, баъзи нусхаларда таноб икки нуктадан бошланиб бир-бирига караб йуналиб, бир~бирига чирмашиб гугалланади, яна бошка нусхаярда таноб бир нуктадан бошланиб иккинчи томонга йуналиб тацсим четига бориб тугалланади. Таноб эгри, тугри, аралаш чизиклардан ташкил топган булиши мумкин. Агар композицияда таноблар кесиб утувчи рангли накшларда ишлатилса, унда албатта иккаласи икки хил рангга буялади. Агар бир хил рангга буялса, унда асосий шакл узини курсата олмайди. Таноб бир-бирини кесиб уТмай бир-бирига параллел булса, бундай нусхани "к.уш танобли исимли" деб аталади. Агар тугалланган мустакил композиция булса, "куш танобли намоён" деб аталади. Композицияда таноб бир-биридан ортик хам булиши мумкин. Агар икки танобли композиция булса, бир боши иккинчи гул, барг ва бошкаларнинг утиши мумкин эмас.

**1-МАШК**- Усимликсимон накш элементларини чизиш.

Усимликсимон накш элементларини урганиш, маълум крнун-коидалар асосида машк, килишдан бошланади. Бунинг учун оддий когоз, катак дафтар ёки раем дафтар, чизгич, кора каламлар, ок учиргичлар ва бошк,алар керак булади.

Hdқui алементларини чизиш алифбосини куйидаги боскичда амалга оширияади.

1-машк.. Каламда цогоз варагида дастлабки оддий шаклларни текис, равон, енгил, симметрик, динамик, тоза ва чиройли чик,к.анча машк килиш.

2-машк,. Расмда берилган усимликсимон нак,ш элемснтлзрини куйидаги гурухларга ажратиб чизишни машк,

К.ПЛЭМИЗ.

Усимликсимон накш элементлари-

а) барглар: 1, 2, 3, 4, 5 - оддий барглар, 6, 7 - куш барг, 8, 9,-Ю, 11, 12 - уч барг, 13 - куп барг, 14, 15 - гурт барг, 16, 17, 18, 19, 20, 21 - шок барг.

б) гуллар: 1 - турт япрокли гул, 2 - олти япрокли гул, 3 -беш япрокли гул, 4 - турт япрокли ой гул, 5, 13 - беш баргли ойгул, б, 7 - турт баргли ойгул, 8, 9, 14 - уч баргли гул, 10, 11, 12 - пахта гул, 15 - писта гул, 16, 17, 18 - куп баргли гул.

в) гунча.

г) маргула: 1, 2 - маргула, 3 - куш маргула, 4 - куртакли маргула.

д) ганоб ва новда: 1 - таноб, 2 - куш таноб, 3, 4 - новда. е) шкуфта.

е) бофта: 1 - эгри чизиуш бофта, 2 - туфи чизик/ш бофта, 3, 4 - мураккаб шаклли бофта.

ж) боглам ва сиртмок: 1,2 - боглам, 3 - сиртмок.

Бу элементларни чизишдан авоал катак дафтарга чизг ёрдамида каламни енгил босмасдан юргизиб симметрии каттакл чизиб, шу каттакларга накш элементларини чизишни Маі киламиз. Тур чизиклар кичиклиги накш элементининг қажми боглик.

Одций барглар тур чизиклар эни ва баламдлиги 25 іv булади. Колган элементяарни хажмига караб тур чизиқлқ чиэилади. >(ар бир бетга битта накш элементини кайта~к;аЙ1 чизиш машк к;илинади. Чизикда каламни босмасдан бир хқ йусинликда чизиб, симметрик вэ ассиметрияга катта эътибс бериш қамда элементларни равон тугри ингичка ва тоза чизишг эъгибор бериш керак. Шунинг учун >;ам Шаркқа буюк накко! Моний шундай деган эди: "Агор кимки расмдаги кар бир чизикк жон багишлай олар экан, у санъаг калитини эгаллаган булади' Хак;икатдан хам наи;ш чизиш конум коидаларига амал килиб ва б иакшларни сигқидилдан, >;амда сабир токат билан чизса олдимизда куйилган мақсадимизга эришамиз.

Асимметрия - композицияда симметриянинг ва мувозанатж бузилиши. Симметрияни акси.

Иаккошликда иақш тасвирида одам, қайвонлар ва бошқе нарсалар кам тасвирланади. Чунки бу накш элементлари узига хос чизиш геометриясига эгадир. Сиз х;ам расмда берилган накш элементларини айримларини чизишни машк килинг.

## *ТЕСТ САВОЛЛАРИ*

**(Наіiошлик)**

1. ¤збек ҳалқ Амалий санъат турларини санаб беринг.

а) Наққошлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, зардўзлик

б) Рангтасвир, қаламтасвир, графика,

в) Хайкалтарошлик, миниатура, мазаика,

г) Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги, графика, сграффито

2. «Наққошлик» санъатида ишлатиладиган терминлар қайси қаторда кўрсатилган?

а) кундал, меҳроб, ахта, бофта, намоён, сангина, пастел

б) Этюд, натура, мольберт

в) кундал, меҳроб, ахта, бофта, намоён, шобарг

г) сангина, пастел, ретуш, соус

3. Гирихнинг таърифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) Оддий элементлардан тузилган ислимий нақш

б) Наво нақш композицияси

в) «тугун» деган маънони англатиб, хандасий (геометрик) нақшдир.

г) а ва б қатор тўғри кўрсатилган

4. Наққошликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) стек, каркас, пластилин, хованда, ганч, скальпел

б) қалам, мўйқалам, гуаш, калька, темпера, акварель

в) Холост, мойбўёқ, мўйқалам

г) қоғоз, акварель, мўйқалам, қалам,

5. Тошкент наққошлик мактаби намоёндаларини кўрсатинг?

а) А.Болтаев, О.Ёқубов, Э.Сапаев, Уста Ширин Муродов, Т.Арслонқулов

б) А.Илҳомов, К.Каримов, М.Тўраев,

в) О.Јосимжонов, Ё.Рауфов, Ж.Хакимов, Т.Тўхтахўжаев

г)  б ва в қаторда тўғри кўрсатилган.

6. Жигарранг қайси ранглардан ҳосил бўлади?.

а) қизил ва бинафша

б) қора ва қизил

в) зарғалдоқ ва ҳаворанг

г) яшил ва қизил

7. Ахта нима?

а) нусҳа кўчириш учун ишлатиладиган, нақш йўллари тешилган шаффоф қоғоз.

б) елимли бўёқ тури.

в) доира шаклидаги нақш

г) нақшли тушириш учун қора ёғоч кукуни

8. Јандай нақш турларини биласиз?

а) офорт, батал

б) шобарг, ойгул, меҳроб

в) Наво, турунж, намоён, гирих, ислими

г) а ва б қаторда тўғри кўрсатилган

9. Ритм иборасининг таърифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) ¤лчовларнинг бир-бирига мос келиши (мутаносиблик)

б) Нақш, безак элементларининг маълум тартибда бир текисда такрорланиши

в) Ранглар қарама-қаршилиги

г) Ранг туси

10. Гирихчи усталар қайси қаторда кўрсатилган?

а) Уста Ширин Муродов, А.Илҳомов, М.Тўраев, К.Каримов

б) ¤.Тансиқбоев, М.Набиев, С.Абдуллаев

в) Уста Ширин Муродов, З.Боситхонов, А.Илҳомов

г) А.Болтаев, О.Ёқубов, Р.Машарипов

11. Самарқанддаги тарихий обидаларни кўрсатинг?

а) Кўкалдош, Абул-Қосим мадрасалари, Тилла-Шайх, Шайх-Зайниддин масжидлари

б) Минораи Калон, Самонийлар мақбараси, Чор Минор

в) Тиллақори, Шердор, Улуғбек, Шохи-Зинда мадрасалари, Ал-Бухорий мақбараси

г) Калта-минор, Ичан қалъа

12. Амалий санъатга оид иборалар қайси қаторда жойлашган?

а) Зардўз, кулол, каштачи, ўймакор, наққош

б) Хайкал, портерет, манзара

в) интерьер, экстерьер, декорация

г) ретуш, соус, пастел, кошин, кигиз

13. Мадохилни таърифини келтиринг?

а) Наво нақши

б) Хандасавий нақш

в) Доира шаклидаги нақш

г) Чапу-рост такрорланувчи лоласимон хошия нақши

14. Хива наққошлик мактаби намоёндаларидан кимларни биласиз?

а) Ж.Хакимов, Т.Тўхтахўжаев, А.Илҳомов

б) О.Jосимжонов, Ё.Рауфов, З.Боситхонов

в) А.Болтаев, О.Ёқубов, Р.Машарипов, Э.Сапаев

г) Ш.Муродов, Т.Арслонкулов, С.Норқўзиев

15. Меъморликка оид ибораларни топинг?

а) интерьер, барельеф, орнамент

б) арка, пештоқ, айвон, минора

в) сграфитто, графика, қаламтасвир

г) эстерьер, декорация, файе

16. Ранг калорити деганда нимани тушунасиз?

а) ранглар қарама-қаршилиги

б) ранглар мутаносиблиги

в) жило бериш

г) ранг туси

17. Нилоби ранги қайси ранглардан ҳосил қилинади?

а) оқ ва кўк

б) яшил ва оқ

в) қизил ва сариқ

г) қизил ва кўк

18. Хока ибораси таърифи қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) нақшга шакл берувчи чизиқ

б) нақшни тушириш учун қўлланиладиган қора ёғоч кукуни

в) Хошия нақши

г) Хандасавий нақш

19. Нақш композицияси чизиш ва уни ранглашда компьютернинг қайси график дастурларидан фойдаланиш мумкин?

а) Word Microsoft Excel, Flash

б) Microsoft Power Point

в) Microsoft Access, Qutlook Express

г) Corel Draw, Adobe Photoshop

20. Јайси воҳа нақшлари ўзининг нафислиги, рангларининг бир-бирига аста-секин ўтиши, аниқ бир калоритга қатъий риоя қилиниши билан ажралиб туради?

а) Тошкент нақшлари

б) Хива нақши

в) Бухоро ва Самарқанд нақшлари

г) Самарқанд, Тошкент, Фарғона нақшлари

21. Нақшларни ранглашда қайси бўёқ туридан кўпроқ ишлатилади?

а) Мой бўёқ, темпера,

б) Гуаш, акварель

в) Минерал бўёқлар

г) Гуаш

22.Стилизация сўзининг таърифи қайси қаторда келтирилган?

а) нақшга шакл берувчи чизиқ

б) номутаносиблик

в)нарсанинг расми, ранг ва шаклини декоратив тарзда умумлаштириш

г) нақш элементларининг такрорланиши

23. Нақшни тўлиқ пардозлш кетма-кетлиги қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) тарғил, тароқ ва лаклаш

б) сиёҳ қалам, тарғил, тароқ ва оби тортиш

в) шпаклёвка қилиш, жилвирлаш, грунтлаш.

г) сиёҳ қалам, тарғил тортиш.

24. Нақшни бўяш (турлаш) нимадан бошланади?

а) гул ва барг элементларини бўяшдан.

б) заминни бўяшдан

в) шкифта ва бофта элементларини бўяшдан

г) банд элементларини бўяшдан.

25. Намоён нақши таърифи қайси банда келтирилган?

а) геометрик (хандасавий) нақш

б) доира шаклидаги нақш

в) хошия нақши

г) «Кўриниш, манзара» демакдир. У мустақил нақш бўлиб, ислимий, хандасавий, гулли гирих турлари мавжуд.

27. Нақшланадиган буюмни қайси ёғочдан ясаш мақсадга мувофиқдир?

а) ўрик, ёнғоқ, тол

б) қайин, терак, олма

в) терак, қарағай, ўрик

г) қайин, қора қайин, терак, қарағай, нок, ёнғоқ

28. Эпиграфика нима?

а) бино ёки Бирон нарсага ишланган нақш

б) натурани ўзига қараб ишланган расм

в) ҳаёлдан ишланган тасвир

г) унвонли ёзув, араб ёзувларини нақшга ўхшатиб ёзиш

29. Нақш қандай маънони англатади?

а) геометрик шакллардан тузилган нақш

б) йўл ичидаги нақш

в) арабча тасвир, гул деган маънони билдиради, турли шаклларнинг маълум тартибда такрорланишидан ҳосил қилинган безак

г) лотинча «орнамент» - безак деган маънони англатади

30. Наққошликда қайси ҳайвон юнгларидан тайёрланган мўйқаламлар ишлатилади.

а) эчки, қуён

б) бўрсиқ, сувсар, олмахон

в) қўй, ондатра

г) сувсар, эчки

31. Абдулла Болтаев қайси наққошлик мактаби намояндаси.

а) Тошкент

б) Фарғона

в) Хива

г) Самарқанд

32. Ахта нима учун тайёрланади?

а) нақш тушириш учун

б) жило бериш учун

в) нусҳа кўчириш учун

г) пардозлаш учун

33. Тошкент наққошлик мактаби намоёндалари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) Уста Ширин Муродов, Т.Арслонқулов

б) Абдулла Болтаев, Одамбой Ёқубов

в) О.Јосимжонов, Ё.Рауфов, Ж.Хакимов, А.Илхомов, М.Тўраев

г) С.Норқўзиев, Уста Рахмонқул, Ё.Рауфов, Ж.Хакимов,

34. Бодом гули қандай нақшга киради.

а) турунж нақши

б) намоён нақши

в) гирих нақши

г) бодом шакли такрорланишидан ҳосил бўлган содда ислимий нақш тури.

35. Бофта нима.

а) геометрик нақш

б) тўқилган шаклдаги нақш

в) наво нақши

г) ранг туси

36. Тарғил иборасининг таърифини кўрсатинг

а) нақшларни зар ҳал билан ишлаш

б) кичик мўйқалам билан нақш чегарасини чизиб чиқиш

в) нақшнинг асосий қисмини чизиш

г) наққошликда тароқ тишларисимон пардоз бериш

37. Шобарг нима

а) новда ва танобларни боғловчи нақш элементи

б) ислимий нақш элементи бўлиб, барглар ичида энг каттаси

в) геометрик нақш

г) елимли бўёқ тури

38. Самонийлар мақбараси қаерда жойлашган?

а) Самарқадда

б) Тошкентда

в) Бухорода

г) Хивада

39. Гирих нақши қаерда кенг тарқалган?

а) ¤рта Осиёда

б) Туркия, Покистон

в) Испания ва Япония

г) ¤рта Осиё ва Яқин Шарқда

40. Раппорт тушунчаси таърифини келтиринг.

а) нақшнинг асосий қисми

б) доира шаклидаги нақш

в) ранг туси

г)нақш тақсими бўлиб, нақшнинг маълум бир шаклда такрорланувчи қисмидир.

41. Махмуд Тўраев қайси наққошлик мактабининг намоёндаси.

а) Бухоро

б) Риштон

в) Тошкент

г) Јўқон

42. Интерьер сўзи нимани англатади?

а) маълум тартибда жойлаштириш

б) мос деган маънони англатади

в) ранглаш деган маънони англатади

г) бинонинг ички қисм кўриниши

43. Таноб нима?

а) нақш композициясининг тузилиши

б) нақшнинг рамзий маънолар номи

в) нақш композициясининг асосий йўл чизиғи

г) нақшнинг гул элементлари

44. Наққошликда контраст тушунчаси?

а) стилизация сўзининг ўзгача номи

б) мустақил нақш тузиш

в) намоён нақшнинг ўзгача номи

г) ранглар қарама-қаршилиги

# *ЁҒОЧ ЎЙМАКОРЛИГИ*

1-вариант

1. Ёғоч ўймакорлигининг 4 та йирик мактаблари қайси қаторда кўрсатилган?

а) Тошкент, Қарши, Ургут ва Самарқанд

б) Қўқон, Фарғона, Чуст ва Хива

в) Марғилон, Наманган, Термиз ва Қўқон

г) Термиз, Қува, Андижон ва Бухоро

д) Тошкент, Самарқанд, Хива ва Қўқон

2. Ёғоч ўймакорлиги санъати усталари жой олган қаторни кўрсатинг?

а) Махмуд Тўраев, Сулаймон Хўжаев, Уста Ширин Муродов

б) сулаймон Хўжаев, Қодиржон Хайдаров, Ота Полвонов

в) Саидмахмуд Ноқўзиев, Ёқубжон Руфов, Абдулла Болтаев

г) Мақсуд Қосимов, Сафо Боқбеков, Абдухофиз Жалилов

д) б ва г

3. Сулаймон Хўжаев қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан хисобланади?

а) Хива

б) Самарқанд

в) Тошкент

г) Қўқон ва Марғилон

д) Бухоро

4. Устахонада хар бир талаба учун майдон бўлса мақсадга мувофиқ деб хисобланади?

а) 30-35 $м^2$

б) 35-45 $м^2$

в) 40-50 $м^2$

г) 50-60 $м^2$

д) а ва б

5. Шохи-Зинда қандай маънони англатади?

а) Зиндонбанд

б) зиндондаги шох

в) зулматдаги шох

г) зулумкор шох

д) тирик шох

6. Қандай нақшларни хандасавий нақш дейиш мумкин?

а) ўсимликсимон нақшларни

б) геометрик шакллардан ташкил топган мураккаб нақшларни

в) чапу рост, лоласимон нақшларни

г) рамзий нақшларни

д) циркуль ёрдамида чизилган паргори нақшлар

7. Устахоналарда табиий ёруғлик етарли бўлмаган холларда қандай ёриткичлардан фойдаланиш зарур?

а) кундузги ёруғлик лампаларидан

б) прожекторлардан

в) турли рангдаги ёруғлик лампаларидан

г) стол лампаларидан

д) а ва г

8. Ўйма деганда нимани тушунасиз?

а) сиртини ранглаб бўяб ишлашни

б) сиртга зарб бериб ишлашни

в) сиртни ўйиб, кесиб ишлашни

г) сиртига елимлаш йўли билан нақш хосил қилишни

д) юқоридагиларнинг барчаси

9. Қандай нақш турига гирих дейилади?

а) ўсимликсимон нақшларга

б) модохимли чапу-рост нақшларга

в) турли геометрик шакллардаги ва ўсимликсимон нақш элементларидан ташкил топган нақшларга

г) паргор-циркуль ёрдамида чизилган нақшларга

д) турли геометрик шакллардан ташкил топган хандасавий нақшларга

10. Қўқон ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндалари қайси қатордан ўрин олган?

а) Қодиржон Хайдаров ва Хайдар Нажмидинов

б) Хайдар Нажмиддинов ва Ота Палвонов

в) Ота Палвонов ва Сулаймон Хўжаев

г) Сулаймон Хўжаев ва Мақсуд Қосимов

д) Мақсуд Қосимов ва Қодиржон Хайдаров

11. Арк деганда нимани тушунасиз?

а) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик

б) сағана, мақбара, дахма

в) хон турадиган жой, хон саройи

г) қубба шаклидаги том

д)масжиднинг кенг ва катта хонаси

12. Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг ўзига хос жихатлари қайси қаторда кўрсатилган?

а) йирик, чуқур ўйилади, юзаси рангланади

б) майда, замини, кам, новдалари зич

в) кўп қаватли, рамзий, чуқур

г) махобатли йирик, чуқур, кўп қаватли

д) ўртача чуқуршида кўп баргли, ўйма юзаси рангмонади

13. Ўймани бажаришда қандай асбоблардан фойдаланилади?

а) болға ва исканалардан

б) болта ва исканалардан

в) чизғич ва қаламлардан

г) кескир ва қаламлардан

д) б, в ва г

14. Бофта нима?

а) гачак кўринишдаги ислимий нақш бўлаги

б) доира шаклидаги тугалланган нақш

в) тўқима, тўқилган шаклдаги ислимий нақш бўлаги боғловчи элемент

г) новда ва танобларни боғловчи ислимий нақш бўлаги

д) юқоридагиларнинг барчаси

15. Таноб нима?

а) тўлдирувчи нақш элементи

б) боғловчи нақш элементи

в) мураккаб нақшлар уйғунлигининг асосини ташкил этувчи ва нақшга шакл берувчи чизиқ

г) доира шаклидаги  тугалланган нақш

е) юқоридагиларнинг барчаси

16. Хайдар Нажмиддинов қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндаларига мансуб?

а) Тошкент

б) Самарқанд

в) Қўқон

г) Хива

д) Бухоро

17. Дарахт танаси қандай қисмларга бўлинади?

а) Илдиз, ўзак, шох буток ва тола

б) ўзак, ёғочлик, шох тола ва пўстлоқ

в) ўзак, тола, пўстлоқ, шох ва барг

г) илдиз, тана, буток, шох ва барг

д) илдиз, пўстлоқ, шох, буток ва тола

18. Ёғоч хом-ашёси неча гурухга бўлинади ва улар қайсилар?

а) иккига-табиий ва қайта ишлов берилган ёғоч хом-ашёсига

б) учга-табиий, сунъий, елимланган ва пресланган ёғоч хом-ашёсига

в) тўртга-табиий, сунъий, елимланган ва қатлам-қатлам хом-ашёсига

г) иккига-табиий ва сунъий ёғоч хом-ашёсига

д) еттига-табиий, турли бузилишларга (чиришларга қарши антисептик моддалар шимдирилган), прессланган, елимланган, қатлам-қатлам, қатламли прессланган ва пластик (майдаланган қипиқ, пайраха, қириндиларни органик ва минерал боғловчилар билан елимлаб, қайта ишлаб тайёрланган) ёғоч хом-ашёси

19. Ўймакорликда қайси ёғоч хом-ашёсидан фойдаланилади?

а) Прессланган ва қатлам-қатлам

б) қатламли прессланган ва прессланмаган

в) табиий

г) қатлам-қатлам ва елимланган

д) пресcланган

20. Ўймакорликда қайси дарахтлардан олинган ёғочлардан фойдаланилади?

а) ёнғоқ, чинор, ўрик, қарағай ва қора қайин

б) чинор, нок, оқ қайин, оқ қарағай ва бақатерак

в) ўрик, шумтол, мирзатерак, тоғ тераги ва бақатерак

г) тоғ теракги, бақатерак, мирзатерак, оқ қайин ва қора қайин

д) юқоридагиларнинг барчаси

21. Ёғоч ўймакорлигига оид йўл ичидаги оддий нақшлар қандай накш турларидан иборат?

а) 6 та ислимий, 4 та паргори, 3 та гирих ва 3 та гули гирих нақшларидан

б) 9 та ислимий, 5 та паргори ва 2 та гирих нақшларидан

в) 10 та ислимий ва 6 та паргори нақшларидан

г) 7 та ислимий, 5 та паргори ва 4 та гули гирих нақшларидан

д) 9 та ислимий ва 7 паргори нақшларидан

22. Асбоб нима?

а) иш қуроли, мослама

б) ахта

в) хона

г) буюм

д) юқоридагиларнинг барчаси

23. «Халқлар дўстлиги» саройининг эшикларини ўйма безаклар билан безанган уста номини топинг?

а) Сулаймон Хўжаев

б) Қодиржон Хайдаров

в) Ота Полвонов

г) Мақсуд Қосимов

д) Абдухофиз Жалилов

24. «Устоз» деб кимларни айтиш мумкин?

а) касб, хунар ўргатувчи устани

б) бирор касб, хунарни эггалашга интилувчи шахсни

в) бирор касбни эгаллаган хар қандай шашсни

г) а ва б

д) б ва в

25. Қандай нақш гулли гирих дейилади?

а) геометрик нақшларга

б) геометрик шакллар ва ислимий нақшлардан иборат ва нақшларга

в) ислимий нақшларга

г) паргори нақшларга

д) рамзий нақшларга

26. Мураккаб бирикмалар қайси қатордан ўрин олган?

а) учма-уч ва бурчакли бирикма

б) қалдирғоч қуйруқ ва яширин бирикма

в) тирноқли ва ёнма-ён бирикма

г) кўп тирноқли ва ўртақлиқ бирикма

д) б ва г

27. Қандай нақш турига занжир нақши дейилади?

а) ўсимлик нақш турига

б) учбурчак пирамида шаклларни узлуксиз боғланиб кетишидан хосил бўлган нақш турларига

в) циркул-паргор ёрдамида чизилган нақш турларига

г) геометрик шакллардан хосил бўлган нақш турларига

д) а ва г

28. XVIII асрда бунёд этилган Хива Хума масжидига нечта устун ўрнатилган?

а) 24 та

б) 100 та

в) 214 та

г) 541 та

д) 1001 та

29. Мақсуд Қосимов қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби намоёндаларидан бири хисобланади?

а) Хива

б) Самарқанд

в) Қўқон

г) Тошкент

д) Бухоро

30. Муқимий номидаги мусиқали театрининг бир бутун композицияни ташкил қилувчи 3 та эшик ва равоқларининг ўймакорлик ишларини ким бажарган?

а) Сулаймон Хўжаев

б) Қодиржон Хайдаров

в) Ота Полвонов

г) Абдухофиз Жалилов

д) Мақсуд Қосимов

31. Гул деганда нимани тушунасиз?

а) нақшда гул асосида яратилган бандни

б) хандасавий нақш турларини

в) ислимий нақш бўлагини

г) ўсимликсимон нақшларнинг умумий номини

д) в ва г

32. Самарқаддаги Регистон ансамблини 3 та мадраса ташкил қилади. Улар қайсилар?

а) Улуғбек, Тиллақори ва Шердор мадрасалари

б) Модарихон, Норбўтабий ва Тиллақори мадрасалари

в) Мир Араб, Матниёз Девонбеги ва Шердор

г) Улуғбек, Кўкалдош ва Девонбеги мадрасалари

д) Бароқхон, Абулқосим ва Шермухаммад мадрасалари

33. Болға нима?

а) ёғочни чопиш, ёриш, кесиш учун ишлатиладиган ёғоч дастали темирдан ясалган асбоб

б) йирик ва оғир темирдан ясалган асбоб

в) дурадгорлик, ўймакорлик заргарлик ва хакозоларда ишлатиладиган ёғоч дастали асбоб

г) дастали, темир тиғли ёғочни чопишда, кесишда ва ёришда ишлатиладиган уй-рўзғор асбоби.

Д) а ва г

34. Қандай нақш турига мадохил нақши дейилади?

а) ўсимликсимон нақшларга

б) геометрик нақшларга

в) гулли гирих нақшларига

г) чапу-рост такрорланувчи лоласимон нақшларга

д) хар қандай мураккаб хандасавий нақшларга

35. Марғула нима?

а) тўқима тўқилган шаклдаги исмий нақш бўлаги

б) қўш бандли гажак кўринишдаги ислимий нақш бўлаги бўлиб, новда ва таноб шаклларининг тугалланиши билдиради

в) мураккаб нақшлар мужассамотининг асосини ташкил этувчи ва нақшга шакл берувчи чизиқ

г) а ва б

д) б ва в

36. Лакланган тайёр буюмларни қуритиш учун қандай жойда сақлаши лозим?

а) салқин, чангсиз, тоза ва қуруқ

б) қуёш нури тушадиган жойда

в) махсус иситилган хоналарда

г) 0 (ноль) градусдан паст бўлиб, махсус совутилган хоналарда

д) б ва в

2-вариант

1. Хива  ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндалари қайси қаторда кўрсатилган?

а) Ота Полвонов ва Сафо Боқибеков

б) Сафо Боқибеков ва Мақсуд Қосимов

в) Мақсуд Қосимов ва Қодиржон Хайдаров

г) Қодиржон Хайдаров ва Сулаймон Хўжаев

д) Сулаймон Хўжаев ва Ота Полвонов

2. Нақшнинг гажак, марғула, доира ва гул қисмларини кесишда қайси искана кўпроқ қўл келади?

а) куракча искана

б) замин искана

в) балиқ сиртли искана

г) чекма искана

д) наво искана

3. Ассиметрия нима?

а) лотинча сўздан олинган бўлиб, тўқиш, бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш

б) қоғоз сатхига тўғри жойлаштириш

в) симметрик қонун-қоидаларнинг бузилиши

г) доимий ва бир текисда такрорланиши

д) грекча сўздан олинган бўлиб, ўлчовнинг бир-бирига муносиблигини билдиради

4. Ўймакорликда ишлатиладиган ёғоч материали дарахтнинг қайси қисмидан олинади?

а) ўзак қисмидан

б) шох қисмидан

в) пўстлоқ қисмидан

г) тола қисмидан

д) тана қисмидан

5. Кимларни «уста» деб айтиш мумкин?

а) иш бошини

б) шогирдни

в) ўз хунарини яхши билган хунар сохибини

г) бирор хунар сохасида малака орттирган шахсни

д) в ва г

6. Паргор форсча сўздан олинган бўлиб….?

а) қалам деган маънони билдиради

б) циркул деган маънони билдиради

в) ўчирғич деган маънони билдиради

г) чизғич деган маънони билдиради

д) қоғоз деган маънони билдиради

7. Тарихда қайси мактаб вакиллари ўйма юзасидан тилло ва кумуш сувини юритиб рангланган?

а) Тошкент

б) Қўқон

в) Хива

г) Самарқанд

д) а ва г

8. Дастгох тўхтаб турганда нималарга рухсат берилади?

а) сим изоляциясини текшириб кўришга

б) дастгох атрофини тозалашга

в) арралаш, рандалаш ва тешишга

г) юқоридагиларнинг барчаси

д) а ва г

9. Хунар нима?

а) касб, соха

б) бирор касб устаси

в) малака

г) кўникма

д) хунарманд уста

10. Кимни «шогирд» деб айтиш мумкин?

а) талабани

б) бирор хунар сохибини

в) хунар сохибини фарзандини

г) бирор сохани эгаллаш мақсадида устадан хунар сирларини ўрганувчи шахсни

д) юқоридагиларнинг барчаси

11. Бирор буюмга нақш композицияси тузиш учун аввал….?

а) нақш композицияси тузилади ва буюм ясалади

б) буюм эскизи чизилади ваш у асосида нақш композицияси тузилади

в) буюм тайёрланади ва унинг аниқ ўлчами

г) юқоридагиларнинг барчаси

д) а ва г

12. Буюм ясаш учун қандай материал танланади?

а) сербутоқ ва ёрилган

б) нам ва буралган

в) қуруқ ва тўғри

г) силлиқ ва камбутоқ

д) в ва г

13. Оддий бирикмалар неча турга бўлинади ва улар қайсилар?

а) 3га- учма-уч, бурчакли ва тирноқли

б) 3га-тирноқли, ўрталиқ ва яширин

в) 4га-яширин, қалдирғоч қуйруқ, ўрталиқ ва учма-уч

г) 5га-қалдирғоч қуйруқ, ўрталиқ, яширин, бурчакли ва тирноқли

д) 6га- учма-уч, бурчакли, тирноқли, қалдирғоч қуйруқ, ўрталиқ ва яширин

14. Самарқанд ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндаларининг номи қайси қаторда кўрсатилган?

а) Қодиржон Хайдаров ва Мақсуд Қосимов

б) Сулаймон Хўжаев ва Ота Полвонов

в) Абдухофиз Жалилов ва Нурилла Назруллаев

г) Хайдар Нажмиддинов ва Сафо Боғбеков

д) Абдураззоқ Абдурахмонов ва Бахриддин Ахмедов

15. «Тожмаҳал» мақбараси қайси шаҳарда ва кимнинг кўрсатмасига биноан бунёд этилган?

а) Хиндистоннинг Агра шахрида – Акбар Шох томонидан

б) Хиндистоннинг Дехли шахрида – Шох Жахон томонидан

в) Афғонистоннинг Хирот шахрида – Хумоюн томонидан

г) Хиндистоннинг Бомбей шахрида – Мумтоз Махал томонидан

д) Хиндистоннинг Агра шахрида – Шох Жахон томонидан

16. Ёғоч нима?

а) ғуладан кесиладиган ясси ёғоч бўлаги

б) кесиладиган дарахтнинг танаси

в) Хода, ёғоч

г) а ва б

д) б ва в

17. Ўймани бажариш давомида искана ва болғани қандай ушлаган холда амалга ошириш лозим?

а) искана ўнг қул билан қаттиқроқ ва болғани чап қўл билан бўшроқ ушлаш лозим

б) исканани чап қўл билан бўшроқ, болғани ўнг қўл билан қаттиқроқ ушлаш лозим

в) Бунинг ахамияти йўқ

г) Хариккисини хам бўшроқ ушлаган маъқул

д) а ва г

18. Шукуфта нима?

а) гажак кўринишдаги ислимий нақш бўлаги

б) доира шаклидаги тугалланган нақш

в) тўқима, тўқилган шаклдаги ислимий нақш бўлаги

г) новда ва танобларни боғловчи ислмий нақш бўлаги

д) в ва г

19. Абдухофиз Жалилов қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндаларидан?

а) Тошкент

б) Қўқон

в) Самарқанд

г) Хива

д) Марғилон

20. Ўймакор усталар ўтмишда ёғочни ёрилишига қарши қандай чора қўллаганлар?

а) йиллар давомида сувда сақлаб, сўнгра қуёш нури тушмас қороғу жойда қуритганлар

б) қуёшнинг ўткир нурлари остида қуритганлар

в) дарахтларни кесиб тахта холига келтириб қуёш нурида қуритганлар

г) ярим тайёр буюм холига келтириб сўнгра қуритганлар

д) юқоридагиларнинг барчаси тўғри

21. «Бу мактаб номоёндалари асарларининг махобатлилиги, йириклиги, ўймаларнинг чуқурлиги, кўпқаватлилиги хамда ўйма рельефнинг фақатгина юза қисмига тўқроқ ранг бериб лаклашлари билан ажралиб туради». Бу таърифда  қайси мактаб усталари назарда тутилган?

а) Тошкент

б) Самарқанд

в) Хива

г) Қўқон

д) Бухоро

22. Ёғоч ўймакорлиги деганда нимани тушунасиз?

а) ёғочни чизиб, кесиб, ўйиб нақш ишланадиган Амалий санъатнинг қадимий ва кенг тарқалган турларидан бири.

б) ёғоч бумлар ясайдиган соха

в) ёғочни кесиб, елимлаб, ёпиштириб ишлаш касби

г) юқоридагиларнинг барчаси

д) а ва б

23. Хунарманд деганда кимларни тушунасиз?

а) хизматчини

б) ишчини

в) ўз ишини яхши билган шахс

г) бирор хунарни яхши эгаллаган хунар сохибини

д) юқоридагиларнинг барчаси

24. Компановка нима?

а) лотинча сўздан олинган бўлиб, тўқиш, бир-бирига маълум тартибда жойлаштириш, солиштириш,

б) юзага тўғри жойлаштириш

в) ўлчовнинг бир-бирига муносиблиги

г) маълум бир масофада нақшнинг бир қисмини доимий равишда такрорланиши

д) симметрик қонун-қоидаларнинг бузилиши

25. Қандай пардозга табақа пардози дейилади?

а) ёйма пардозга

б) ёрма пардозга

в) арабча сўздан олинган бўлиб, қатлам, даража маъносини билдирувчи пардоз турига

г) ярим юмалоқ пардоз турига

д) в ва г

26. Қандай нақш турига гули гирих дейилади?

а) гирих оралари ислимий нақш билан тўлдирилган мураккаб нақш турига

б) ўсимликсимон нақш турига

в) циркуль ёрдамида чизилган-паргори нақш турига

г) геометрик шакллардан ташкил топган нақш турига

д) чапу рост, лола шаклидаги мадохили нақш турига

27. Ота Палвонов қайси мактаб номоёндаларидан бири?

а) Бухоро

б) Қўқон

в) Тошкент

г) Самарқанд

д) Хива

28. Ўйма рельефни ярим юмалоқ шаклда ишлов бериш қайси пардоз турига киради?

а) чока пардоз

б) пах пардоз

в) лўла пардоз

г) табақа пардоз

д) чизма пардоз

29. Ўзбек халқ Амалий санъатининг ривожига хисса қўшган усталарнинг номи қайси қаторда кўрсатилган?

а) Уста Ширин Муродов, Қодиржон Хайдаров, Олимжон Қосимов ва Саидмахмуд Норқўзиев

б) Ёқубжон Рауфов, Сулаймон Хўжаев, Саид Олимхон ва наққош Моний

в) Сулаймон Хўжаев, Ота Палвонов, Хайдар Нажмиддинов ва Топўлат Арслонқулов

г) Жалил Хакимов, Сайдахмат Махмудов, Рахим Ахмедов ва Малик Набиев

д) а ва в

30. Буюм лаклангандан сўнг неча градусда неча соатда яхши қурийди?

а) 0 (ноль) градусда 36 соатда

б) 3-8 градусда 24 соатда

в) 18-22 градусда 48 соатда

г) 10-15 градусда 12 соатда

д) 25-30 градусда 6 соатда

31. Буюм тайёр бўлгач ўймани бажариш босқичлари қай тартибда амалга оширилади?

а) ахта ёрдамида нақш туширилади, заминни ўйилади, гул, барг ва новдалар атрофии кесиб чиқилади, замин текисланади, чакичланади, пардозланади ва лакланади

б) буюмга тўғридан-тўғри композиция чизилади, гул, барг ва новдалар атрофии кесилади, замин текисланади, чакичланади, пардозланади ва лакланади

в) буюмнинг ўлчами олиниб ахта тайёрланади, буюм жилвирланади ва ахта ёрдамида буюмга кўчирилади, игна тешикларидан ўтган хоки изларидан қора қалам билан нақш композицияси қайта чизиб чиқилади аввал жингалак, айлана, тўғри чизиқлар кесиб чиқилади, замин ўйилиб сўнг текисланади, мос

пардоз турини қўллаган холда пардозланади, чакичланади, Майин жилвир қоғоз билан жилвирланади (рельеф юзига ранг суртилади), бир неча марта лакланади

г) қоридагиларнинг барчаси

д) а ва б

32. Гармония нима?

а) рухни тетиклаштирувчи илиқ ранглар

б) рангларнинг зичлиги

в) муайян ранг тусига эга бўлган бўёқ

г) ёруғлик нурларининг предметда жиловланиши

д) рангларнинг уйғунлиги

33. Табақа пардоз услуги дастлаб қаерда ва нечанчи асрдан бошлаб қўллай бошланган?

а) Шахрисабзда 5-асрдан бошлаб

б) Қўқонда 7-асрдан бошлаб

в) Бухорода 19-асрдан бошлаб

г) Хивада 10-асрдан бошлаб

д) Самарқандда 12-асрдан бошлаб

34. Занжира нақшининг вазифаси нимадан иборат?

а) нақшга хошия беради

б) нақш композициясида рамка вазифасини бажаради

в) хеч қандай вазифани бажармайди

г) аксосий нақш композицияси билан рута нақшини боғлайди

д) в ва г

35. Нурилла Назруллаев қайси ёғоч ўймакорлиги мактаби номоёндаларидан бири хисобланади?

а) Самарқанд

б) Тошкент

в) Қўқон

г) Хива

д) Ургут

36. Ёғоч ўймакорлигига оид йўл ичида оддий нақш намуналарининг 10-си қандай номланади?

а) ислимий якрафтор

б) чор баргли паргори

в) ислимий қалампир

г) ислимий марғулали бофта

д) Кувача паргори

**Якуний назорат**

**Ёзма иш вариант намуналари**

**1-Вариант.**

1. Наiш композицияси тузиш усуллари ва босiичлари.

2. . Гирих наiш композицияси чизинг.

**2-Вариант.**

1. ¤iув ва тарбия жараёнида наiiошлик «композиция»си фанининг тутган ґрни.

2. Гулли гирих наiш композициясини чизинг.

**3-Вариант.**

1. Наiш композициясини ранглаш технологияси ва босiичлари.

2. Наво наiшини чизинг.

**4-Вариант.**

1.Наiошлик «композиция»сини бошiа фанлар билан бевосита боIлиiлиги.

2. Намоён наiшини чизинг.

**5-Вариант.**

1. Устоз-шогирд анъаналаримизµаiида маълумот беринг ва мисоллар келтиринг.

2. . Наiш композициясини ранглаш босiичларини кўрсатиб беринг.

**6-Вариант.**

1. Наiш композициясини тузишда компьютернинг iайси график дастурларидан фойдаланиш мумкин?

2. Ушбу намуналар асосида наiш композициясини тузинг.

**7-Вариант.**

1. Наiш композициясини пардозлаш босiичлари µаiида маълумот беринг.

2. Наiш композициясини чизинг ва уни пардозланг.

**8-Вариант.**

1. Наiошликда «Композиция» тушунчаси.

2. Содда гирих наiшини чизинг.

**9-Вариант.**

1. Наiш турлари ва ўзига хослиги.

2. Кўпбурчак юзасига наiш композицияси чизинг.

**10-Вариант.**

1. Халі амалий санъатида наіiошликнинг тутган ґрни.

2. Намоён наішини чизинг.

**11-Вариант.**

1. Наіiошликда iґлланиладиган бґёiлар µаiида маълумот беринг.

2. Наiш композициясини чизинг ва уни пардозланг.

**12-Вариант.**

1. Республикамиздаги тарихий обидаларимиз ва замонавий iурилиш иншоотларимиз µаiида маълумот беринг.

2. Наiш композициясини босiичма-босiич чизиб кґрсатинг.

**13-Вариант.**

1. Наiiош усталаримиз µаiида маълумот беринг.

2. Јутича юзасига наiш композицияси чизинг.

**14-Вариант.**

1.«Наiiошлик композицияси» фанининг асосий маiсад ва вазифалари.

2. Турунж наiш композициясини чизинг.

**15-Вариант.**

1. «Наiiошлик» санъати мактаблари µаiида маълумот беринг.

2. Ислимий наiш композицияси чизинг.

**16-Вариант.**

1.«Наiiошлик композицияси» фанида ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналар, уларни ишга тайёрлаш.

2. Гулли гирих наiш композициясини чизинг.

**17-Вариант.**

1. Мураккаб шаклдага ёIоч буюмларни наiшлаш босiичлари µаiида маълумот беринг.

2. Олти iиррали курси юзасига наiш композицияси чизинг.

**18-Вариант.**

1. ЁIоч буюмларни наiшлаш методлари.
2. Кґп iиррали курси ёки хонтахта юзсига наiш композицияси чизинг.

**19-Вариант.**

1. Ашёларга бадиий ишлов бериш.

2. Гулли гирих наiш композициясини чизинг.

**20-Вариант.**

1.Наiiошликда iандай ёIоч турларидан фойдаланилади? ЁIочнинг турлари ва унинг хусусиятлари µаiида маълумот беринг.
2. Наво наiш композициясини чизинг.

**21-Вариант.**

1.ЁIоч буюмлар iайси кетма-кетликка асосан наiшланади, уларни таърифлаб беринг.

2. Јутича юзасига наiш композицияси чизинг.

**22-Вариант.**

1. Тошкент наiiошлик мактаби намояндалари тґIрисида маълумот беринг.
2. Кґза юзасига наiш композицияси тузинг.

**23-Вариант.**

1. Биноларни ґзбек миллий усубида безаш.
2. Хонанинг шифти учин наiш композицияси чизинг.

**24-Вариант.**

1. Интеръер ва екстеръерни лойиµалашда компьютернинг iандай график дастурларидан фойдаланилади?
2. Бино безагига оид гирих наiшини чизинг.

**25-Вариант.**

1. ¤збек миллий наiiошлик мактаблари, уларнинг ґзига µос µусусиятлари ва иш услублари.
2. Журнал столи юзасига наiш композицияси чизинг.

**26-Вариант.**

1. Ашёларга бадиий ишлов бериш. Турли µажмли ёIоч буюмларни наiшлаш.
2. Ушбу намуналар асосида наiш композициясини тузинг.

**27-Вариант.**

1.Наiш композицияларини чизишда компьютер график дастурларидан фойдаланиш. Corel Draw ва Photoshop график дастурлари µаiида тушунча.
2. Кґп iиррали курси ёки хонтахта юзасига наiш композицияси чизинг.

**28-Вариант.**

1. Буюмни наiшлашгача бґлган жараёнлар µаiида маълумот беринг.
2. Хонтахта юзасига наiш композицияси чизинг.

**29-Вариант.**

1. Маµаллий материаллар, уларнинг турлари ва ґзига хос хусусиятлари.

2. Хонанинг шифти учун наіш композицияси чизинг.

## 30-Вариант.

1. Маъмурий турар жой бинолари ва тарихий обидаларимиз бадиий безагининг таµлили.

2. Хонанинг девор іисмига наіш композицияси тузинг.

## *(ГАНЧКОРЛИК)*

1-жорий ва оралиқ баҳолаш тестлари.

Ганч нима?
**гипсни қум билан аралашмаси.**
**тош тури.**
**оҳакни бир кўриниши.**
***тупроқ билан гипсни табиий аралашмаси.**
Тиллакори масжид-мадрасаси нечанчи асрда қурилган?
**14 асрда.**
**13 асрда.**
**10 асрда.**
***15 асрда.**
Ганчкор ким?
**ганч сувоқ устаси.**
**ганч қоришма таёрловчи.**
**ганч қолип устаси.**
***ганч ўймакор устаси.**
Ўзбекистон Истиқлол йилларида миллий анъаналар асосида қурилган бинони аниқланг?
***Темурийлар тарихи давлат музейи.**
**Кўкалдош мадрасаси.**
**А.Навоий номли опера ва балет театри.**
**Ҳалқлар дўстлиги саройи.**
Гилкор деганда нимани тушунасиз?
**ғишт қуювчини.**
**ганчкор устани.**
***лой сувоқчи устани.**
**лой таёрловчини.**
XX аср бошларида Бухорода амир Аҳадхон томонидан қурилган Ситораи Моҳи-Хосадаги ганчкорлик ишлари қайси уста бошчилигида
бажарилган?
**Уста Усмон Икромов бошчилигида.**
**Уста Тошпўлат Арслонқулов бошчилигида.**
**Уста Абдураҳим Ҳаётов бошчилигида.**
***Уста Ширин Муродов бошчилигида.**

Ганч ва гипснинг бир-биридан фарқи?
**уларнинг рангида.**
**ганчли қоришма тез қотади.**
***гипс ганчга қараганда сувга чидамсиз.**
**бир – биридан фарқи йўқ.**
Усталар ганчни секин ва мустаҳкам қотиши учун нима қўшганлар?
**қум.**
**тупроқ.**
***ширач.**
**оҳак.**
Газчўп бу- ...
**газ ўлчагич.**
**газмолчи.**
**ёғочли суваш асбоби.**
***бир газ ўлчамли текис ёғоч асбоби.**
Тожмаҳал қаерда ва қачон қурилган?
**Бухоро (1930-60).**
***Ҳиндистон Агра шаҳрида (1930-52).**
**Ҳиндистон Деҳли шаҳри (1930-60).**
**Самарқанд (1640-45).**
Улуғбек расадхонаси қаерда жойлашган?
**Қўқонда.**
**Хивада.**
***Самарқандда.**
**Тошкентда.**
Гипс нима?
**тошнинг бир тури.**
**ганч билан оҳак аралашмаси.**
**алебастрнинг олий нави.**
***оқ ёки сарғиш рангли минерал қурилиш материали.**
Хивада Жума масжиди нечанчи йили қурилган?
**1810 йил.**
***1788 йил.**
**1886 йил.**
**1817 йил.**

Тошкентдаги “Амалий санъат “ музейини асосий биносини безашда қайси усталар қатнашган?
**Ёқубжон Рауфов, Анвар Илхомов.**
***Тошпўлат Арслонқулов,Усмон Икромов ва бошқалар.**
**Жалил Хакимов,Махмуд Усмонов.**
**Абдулла Болтаев, Махмуд Усмонов, Жалил Хакимов.**
Самонийлар мақбараси қайси шаҳарда?
***Бухорода.**
**Самарқандда.**
**Хивада.**

**Тошкентда.**
Минқор қандай вазифани бажаради?
**ярим цилиндр сиртларини ҳосил қилиш.**
**ганч нақшни чизиб ўйиш.**
**релеьфларни юмалоқ қилиб кесиш.**
***ўйма заминни тозалаш ва текислаш.**
Компановка нима?
**тўғри ўлчаш.**
**компазицион уйғунлик.**
***жойлаштириш**
**тўғри бўлиш.**
Араќи нима?
**деворнинг панел ва ўрта қисм оралиғи.**
**деворнинг ўрта қисм ва фриз оралиғи.**
**пол ва шифт оралиғидаги хошия.**
***девор ва шифт оралиғидаги безак ҳошия.**
Нақшда тақсим деганда нимани тушинасиз?
***нақшда энг характерли тақсимланувчи бўлаги.**
**нақшнинг ҳарактерли қисми.**
**нусха кўчириш.**
**жойлаштириш.**
Хавоза нима?
***баландда  ишлаш учун махсус таглик.**
**муҳофаза учун мослама.**
**иш қуроли.**
**ҳаво берувчи мослама.**

Хандасий қайси нақш тури?
**мунаббат нақш.**
**печак ислими.**
**ислимий.**
***гириҳ.**
Йўл ичидаги бир йўналишдаги нақшлар номи нима?
***морнеч, як рафторий, печак ислими.**
**намоён, турунж, изора.**
**тақсим.**
**рута.**
Ахта нима учун ишлатилади?
**нусха туширишда.**
***нусхаларни тушириб олишда.**
**нақшларни бўяшда.**
**чизиб бўяшда.**
Тарх нима?
**нақш намунаси.**
***режа эскиз.**
**ўйма усули.**
**хомаки нақш.**
Барглар ичидаги энг катта барг?
**анжир барги.**

**тол барги.**
**беҳи барги.**
***шобарг.**
Нақшга хусн берувчи элемент?
***гул.**
**барг.**
**занжир.**
**новда.**
Ўзбекистон Истиқлол йилларида миллий анъаналар асосида қурилган бинони аниқланг?
**А.Навоий номли опера ва балет театри.**
**Кўкалдош мадрасаси.**
***Туркистон саройи.**
**Ҳалқлар дўстлиги саройи.**

Ганч ўйишдаги асосий асбобларни аниқланг?
***скафель, искана, шутургардон.**
**скафель, минқор, шутургардон.**
**минқор, лўлакаш, пух қалам.**
**скафель, шутургардон.**
Ганчкорликда қандай ўйма турлари бор?
**ислимий ва гириҳли.**
***заминли ва заминсиз.**
**чуқур ва ясси.**
**рангли ва рангсиз.**
Лола хошия нақш деганда нимани тушунасиз?
**мурракаб лола шаклидаги нақш.**
**лола шаклидаги мураккаб нақш.**
**лоласимон геометрик нақш.**
***лола шаклидаги тузилган оддий хошиясимон нақш.**
Замин ва юзаларни текислаб суваш учун қандай қоришма тайёрланади?
***тез ганч.**
**гул ганч.**
**соҳта ганч.**
**ҳованда.**
Банд нима?
***нақш элементи.**
**компазициядаги иккинчи даражали нақш.**
**новдани боғловчи.**
**ўсимлик барги.**
Ўзбекистон Истиқлол йилларида миллий анъаналар асосида қурилган бинони аниқланг?
**А.Навоий номли опера ва балет театри.**
**Кўкалдош мадрасаси.**
***Бахоуддин Нақшбандий мажмуаси.**
**Ҳалқлар дўстлиги саройи.**
Таноб нима?
***нақшга шакл берувчи элемент.**
**безак.**
**гирих.**
**банд.**

Бафта нима?
**тамобни бир тури.**
***тамобни айланиб ўтишдан ҳосил бўлган шакл.**
**гулнинг бир тури.**
**новда.**
Лола нима?
**асосий элемет.**
**наққошликда иккинчи элемент.**
**шакл элементи.**
***лолани эслатувчи нақш элементи.**
Рангли ганч тайёрлашда қандай бўёқлар ишлатилади?
**сув бўёқ.**
**акварель бўёқ.**
***қуруқ (пигмент) бўёқ.**
**мой бўёқ.**
Ҳунар нима?
**касбнинг бир тури.**
**тирикчилик манбаи.**
**ақлий меҳнат фаолияти .**
***муайян таёргарлик талаб этадиган ва тирикчилик манбаи бўлган ижодий меҳнат фаолияти.**
Шогирднинг энг яхши ҳислати?
**софдиллик.**
***биринчи салом бериш.**
**устоздан ижозат сўраш.**
**устоз олдида бошқаларни ғийбат қилмаслик.**
Устознинг касбий фазилатларига нималар киради?
***ўз ҳунарига қизиқиш, уни ёшларга сидқидилдан ўргатиш,ўзидан кейин содиқ шогирдлар қолдириш.**
**сахийлик, ободлик, меҳр-шавқат ва бошқалар.**
**катталарни ҳурмат қилиш.**
**тўғрилик, талабчанлик, поклик.**
Ўзбекистон Истиқлол йилларида миллий анъаналар асосида қурилган бинони аниқланг?
**Ўзбекистон давлат санъат музейи.**
***Олий мажлис биноси.**
**А.Навоий номли опера ва балет театри.**
**Ҳалқлар дўстлиги саройи.**

2-жорий ва оралиқ баҳолаш варианталари.

1-ВАРИАНТ

1. Ганч нима ўзи?
2. Ганч билан гипсни фарқи нимада?

2- ВАРИАНТ

1. Ховонда деганда нимани тушунасиз?
2. Ахта тайёрлаш технологияси.

3- ВАРИАНТ

1. Пардоз турлари.

2. Амалий безак санъати ва унинг турлари.

4- ВАРИАНТ

1. Тошкент ганчкорлик мактаби.
2. Фарғона ганчкорлик мактаби.

5- ВАРИАНТ

1. Хоразм ганчкорлик мактаби.
2. Самарқанд ганчкорлик мактаби.

6- ВАРИАНТ

1. Устоз ва шогирд анъаналари.
2. Устознинг шахсий фазилатларига нималар киради?

7- ВАРИАНТ

1. Устознинг касбий фазилатлари нимадан иборат?
2. Шахсий фазилат билан касбий фазилатлар ўртасида нима фарқ бор?

8- ВАРИАНТ

1. Устоз ва шогирд ҳақида қанақа ривоятларни биласиз?
2. Ҳунармандчиликни турларини биласиз?

9- ВАРИАНТ

1. Ганчкорликда қанақа нақшлар ишлатилади?
2. Наққошликда ишлатиладиган нақш элементлар ганчкорликда ишлатиладиган нақш элементларидан нимаси билан фарқ қилади?

10- ВАРИАНТ

1. Ширач ганч қоришмага нима учун қўшилади?
2. Тез ганч тайёрлаш технологияси.

11- ВАРИАНТ

1. Гулганч тайёрлаш технологияси
2. Хива нақшлари билан Тошкент нақшлари қайси томонлари билан фарқ қилади?

12- ВАРИАНТ

1. Қандил тайёрлаш технологияси.
2. Қандил тайёрлаш учун қандай қолип ишлатилади?

13- ВАРИАНТ

1. Қандилнинг қанақа турларини биласиз?
2. Панжара тайёрлаш технологияси.

14- ВАРИАНТ

1. Қуйма усули деганда нимани тушунасиз?
2. Қуйма усулида ганч нақшлар тайёрлаш йўллари.

15- ВАРИАНТ

1. Нақш ва унинг турлари.
2. Геометрик  нақш ва унинг турлари.

16- ВАРИАНТ

1. Нақшларда рамзийлик.
2. Стилизация унинг қоидалари.

17- ВАРИАНТ

1. Нақш композиция чизишда нималарга эътибор берилади?
2. Шогирднинг устоз олдидаги бурчи нимадан иборат?

18- ВАРИАНТ

1. Пардоз унинг турларини қўлланиш технологияси.
2. Геометрик нақшларга ном қўйиш.

19- ВАРИАНТ

1. Оддий нақш намуналари қайси қоидаларга амал қилинади?
2. Ганчкорликда бадиий лойихалаш.

20- ВАРИАНТ

1. Шарафа тайёрлаш технологияси.
2. Қуйма асосида шарафа тайёрлаш.

21- ВАРИАНТ

1. Тошойна заминли ўйма безакни тайёрлаш босқичлари.
2. Ганчкорликка оид қанақа адабиётлар мавжуд?

22- ВАРИАНТ

1. Симметрия ва ассиметрия турлари ҳамда унинг қоидалари.
2. Тарихий обидалар тиклашда ва безашда ганчга нималар қўшиб ишлатишган?

23- ВАРИАНТ

1. Хока ва уни тайёрлаш технологияси.
2. Ганч ўймакорликда ишлатиладиган материаллар.

24- ВАРИАНТ

1. Ганч ўймакорлигида ишлатилган қадимий асбоблар?
2. Маҳмуд Усмонов ҳаёти ва ижоди.

25- ВАРИАНТ

1. Амалий санъат музейини безашда қайси ганчкор усталар ишлаган?
2. Уста Ширин Муродовнинг ҳаёти ва ижоди.

26- ВАРИАНТ

1. Ганчкорлар нималар бўлганлар?
2. Композиция турларини тушунтириб беринг.

27- ВАРИАНТ

1. Муаллиф С.С. Булатовнинг “Ўзбек халқ амалий безак санъати” номли китобида қайси амалий санъат турлари ёритиб берилган?
2. Устага шогирд тушиш қоидалари.

28- ВАРИАНТ

1. Тошкент ганч ўймакор усталардан кимларни биласиз?
2. Занжира ва унинг турлари.

29- ВАРИАНТ

1. Занжира композициясини тузиш қоидалари.
2. Ганч ўймакорлигида ишлатиладиган накш элементларни босқичлари асосида чизиш.

30- ВАРИАНТ

1. Чакич замин пардоз нима учун ишлатилади?
2. Композиция нима?

## АМАЛИЙ БАЖАРИЛАДИГАН ВАЗИФАЛАР

| № | Ишлар мазмуни |
|---|---|
| **1.** | Ёрдамчи чизиілар асосида содда ўсимликсимон ва геометрик наіш элементларини чизиш. |
| **2.** | ¤симлик ва хайвонот дунёсидан олинган турли шаклларни іайта ишлаш. (буталар, новдалар, шохлар, барглар, гуллар, мевалар ва шу кабилар) |
| **3.** | Оддий наіш намуналарини тартиб раіами бґйича чизиш, бґяш ва унга пардоз бериш. |
| **4.** | Оддий наіш элементларидан фойдаланиб турли шаклдаги наіш композицияларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш. (Й□л, квадрат, айлана, учбурчак ва бош□а шакл юзаларига) |
| **5.** | Наііош усталар ишларидан нусµа кґчириш. |
| **6.** | Мураккаб шаклдаги гирих ёки гулли гирих наішларини чизиш, ранглаш ва пардозлаш. |
| **7.** | Компьютер график дастурлари оріали наіш композициялари µосил іилиш ва уларни ранглаш. (**Corel Draw Graphics Suite дастури** ёрдамида гирих композицияси ҳосил іилиш ва ранглаш) |
| **8.** | Содда шаклдаги ҳажмли ёІоч буюмни наішлаш. (носіовоі. кґза, турли шаклдаги іутичалар, курсилар ва ҳоказо) |

## Ганчкорликдан бажариладиган вазифалар

| № | Вазифалар | Ажратилган соат |
|---|---|---|

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Бошланғич 10 та гул композицияларини чизиш, ўйиш ва пардозлаш. | 12 |
| 2. | Гириҳли панжара композицияси тузиш ўйиш ва пардозлаш 70 х 50. | 16 |
| 3. | Намоён ислимий композицияси тузиш, ўйиш ва пардозлаш 70 х 50. | 24 |
| 4. | Мустаіил гулли гириҳли композиция тузиш, ўйиш ва пардозлаш 70 х 50. | 24 |
| 5. | Мураккаб ҳажмли шарафа композицияси бажариш ва іолипини олиш 25 х 50. | 10 |
| 6. | Қандил композицияси тузиш, ўйиш ва пардозлаш. Диам. 50 - 65 | 20 |
| 7. | Тошойнага ганч ўйиш ва пардозлаш. 50 х 70 | 30 |

**□ЗБЕК ХАЛ□ АМАЛИЙ САНЪАТИДА ИШЛАТИЛАДИГАН □ИС□АЧА АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ**

1. **Акварель** – (лотинча)- сувда эрийдиган ва осонгина ювиладиган елимли б□ё□.

2. **Ахта** – нусҳа к□чириш учун ишлатилувчи, на□ш й□ллари тешилган шаффоф □оғоз. Хоразм усталари ахтани **улги** деб атайдилар.

3. **Архитектура** – (лотинча)- меъморчилик санъати, инсон ижодий фаолиятининг □урилиш билан боғли□ б□лган алоҳида тури.

4. **Ассиметрия** – номутаносиблик.

5. **Ганч** – алебастрнинг бир тури, гипс ва тупро□дан иборат тошсимон жинсни □тда □издириш й□ли билан ҳосил □илинадиган бинокорлик материали.

6. **Гармония** – ранглар уйғунлиги ва мутаносиблиги.

7. **Гирих** – (форсча чигал, тугун) геометрик шакллардан тузилган ҳандасий на□ш.

8. **Гуашь** – елимли б□ё□ тури, сувда эрийди, устидан бош□а б□ё□ни суриш мумкин.

9. **Интерьер** – (французча)- бино ёки хонанинг ички □исми.

10. **Ислими** -- □симликсимон на□ш. Бу на□ш танобли, бандли, баргли, куртакли буталардан иборат. Улар бир-бири билан чирмашиб кетади.

11. **Композиция** – (лотинча «compositio» - тузилиш, □урилиш) бадиий асардаги образлар ва бадиий воситаларнинг муайян ғоявий ма□сад асосида жойлашиши ва уларнинг мувофи□лиги.

12. **Контраст** - ранглар □арама-□аршилиги.

13. **Колорит** – ранг туси.

14. **Морпеч** – (мор-илон, печ-□ралиш)– илон изи шаклидан иборат ҳошия на□ш.

15. **Орнамент** -- (лотинча «ornament» безак деган маънони билдиради.) Бино ёки бирор нарсага ишланган на□ш. Орнаментлар геометрик, □симликсимон, рамзий ва бош□а на□ш турлардан ташкил топиши мумкин.

16. **Пешто□** -- ката эшиклар, дарвозаларнинг тепаси ва икки ёни. Ана шу ерларга на□ш ишланади.

17. **Пардозлаш** – жило бериш.

18. **Пойкор –** о□со□ол ёрдамчиси. Бухорода зард□злар уюшмасининг бошлиғи. У ёш усталардан сайланиб, унга маълум маош ажратилган эмас эди.

19. **Раппорт -** накш тақсими бўлиб, накшнинг маълум бир шаклда такрорланувчи қисмидир.

20. **Ритм –** на□ш, безак элементларининг маълум тартибда ва маълум орали□да бир текисда такрорланиши; на□шдаги ҳаракатнинг узлуксиз ва г□зал к□ринишини таъминлайди.

21. **Рута --** ҳошия на□ши.

22. **Симметрия –** грекча с□з б□либ, □лчовларнинг бир-бирига мос келиши ва мутаносиблик, тенглик маъносини билдиради.

23. **Стилизация --** нарсанинг расми, ранги ва шаклини декоратив тарзда умумлаштириш.

24. **Таноб –** мураккаб на□шлар мужассамотининг асосини ташкил этувчи ва на□шга шакл берувчи чизи□.

25. **Турунж** – доира шаклидаги на□ш.

26. **Хока** – на□шни тушириш учун □□лланиладиган □ора ёғоч кукуни.

27. **Шукуфта** – новда ва танобларни боғловчи ислимий на□ш элементи.

28. **Эпиграфика** – унвонли ёзув, на□□ошлар авлиёлар шарафига битилган ҳамду саноларни араб ёзувида, на□шга □хшатиб тасвирлаган безак тури.

29. **Арк**-хон турадиган жой, хон саройи.

30. **Гумбаз**- □убба шаклидаги том.

31. **Даҳма** - □абр устига □рнатилган ёдгорлик, сағана, ма□бара.

32. **Изора**- деворнинг токча Билан саҳ на орасидаги пастки □исми шу □исмга ишланган безак.

33. **Кошин**- деворлар сиртини □оплаш учун ишлатиладиган сиркор безак материал тури.

34. **Кундал**- б□ртма безак тури.

35. **Фактура** – материалнинг табиий жилоси ва бошiа хусусиятлари.

36. **Кандакорлик** – мисга гул ғйиш санъати

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР Р□ЙХАТИ


1. Каримов И. А. **«□збекистоннинг сиёсий – ижтимоий ва и□тисодий исти□болининг асосий тамойиллари»;** --Т.**;** «□збекистон». 1995
2. **Хал□ бадиий ҳунармандчилик ва Амалий санъатини янада ривожлантиришни давлат й□ли билан □□ллаб-□увватлаш чора-тадбирлар** т□ғрисида. □збекистон Республикаси Президентининг фармони,-- Т.; «Тошкент о□шоми» газ. 2 апрель, 1997, 38 – сон.
3. Ремпель Л.И. **Панджара. --** Т.; Государственный издательство художественной литературы. 1957
4. Захидов П.Ш. **Ферганская роспись. –** Т.; Гос. изд. худ. лит. Узбекистана. 1960
5. Ремпель ЛИ. **Архитектурный орнамент Узбекистана**. -- Т: Государственный изд, худ. литературы. 1961
6. Пугаченкова Г.А. **Халчаян.** (Шимолий Бактрия бадиий санъати муаммосига доир) -- Т.; □збекистон «Фан» нашриёти. 1966
7. Ахроров И. Ремпель Л.И. **Резной штук Афрасиаба. --** Т.; Издательство литературы и искусства им. Гафура Гуляма. 1971
8. Фахретдинова Д.А. **Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. -** Т.; изд. литературы и искусства им. Гафура Гуляма.
9. Пугаченкова Г.А. **Зодчество Центральной Азии. XV век --** Т.; Изд. литературы и искусства им. Гафура Гуляма. 1976
10. Лютфия Айни**. Искусства Средней Азии эпохи Авиценны.** Душанбе. Издательство «Ирфон», 1980
11. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. **Очерки искусства Средней Азии. --** Москва. «Искусство» 1982
12. □осимов □.□. **На□□ошлик. --** Т.; «□□итувчи» 1982
13. Абдуллаев Н. **Санъат тарихи.** 1т-Т.; «□□итувчи» 1986.
14. Мирзаахмедов М. **Материалларга бадиий ишлов бериш. --** Т:, «□□итувчи» 1986.

15. Азимов И. **□збекистон на□шу нигорлари. –** Т.; ў. ўулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1987

16. □осимов □.□. **На□□ошлик --** Т.; «□□итувчи» 1990

17. Манакова В.Н. **□збек хонадонининг бадиий безаш маданияти.** - Т.; ў.ўулом номидаги «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1989

18. Булатов С.С. **□збек хал□ амалий безак санъати. --** Т.; «Меҳнат», 1991

19. Булатов С.С. Ашурова М.О. **Амалий санъат □ис□ача луғати.** – Т.; □омуслар бош таҳририяти. 1992

21. Абдуллаев Н. **Санъат тарихи.** 2т-Т.; «Санъат» 2001.

22. Боситхонов З. **Хандасий нақш (гирих)ларнинг ечимлари.** –Т.: «Очиқ Жамият Институти Кўмак Жамғармасининг Ўзбек Ваколатхонаси», 2002

23. Ғуломов К. **Ашёларга бадиий ишлов бериш.** -Т.: «Билим», 2004

## МУНДАРИЖА

Сґз боши

**I–боб**.¤збек миллий халі Амалий санъати тарихи. Наііошлик санъати.

**II-боб**.Наііошлик техналогияси, асбоб-ускуналар ва материаллар µаіида маълумот.

Устахоналарда техника хавфсизлиги, ёнIиндан саіланиш іоидалари.

**III-боб**. Наііошликда стилизация.

**IV-боб**. ¤збек халі Амалий санъатида устоз шогирд анъаналари.

**V-боб.** ¤симликсимон наіш композицияларини тузиш. (йґл. Квадрат, айлана, учбурчак ва бошіа шакл юзаларига).

**VI-боб**. Гирих наіш композицияларини чизиш.

**VII-боб.** Наіш композицияларини µосил іилиш ва уни ранглашда **Corel Draw 13 Graphics Suite** дастуридан фойдаланиш.

**VIII-боб.** Бадиий лойиµалаш µаіида маълумот.

Ашёларга бадиий ишлов бериш. Уй рґзIор буюмларини наішлаш.

**IX-боб.** Интерер ва экстерерни бадиий лойиµалаш. Биноларни наішлаш методлари.

**IX боб.** Интерьер ва экстерьерларни безатишда ёIоч ґймакорлиги санъатидан фойдаланиш

Устоз-шогирд анъаналари

**X боб.** Буюм ясаш, унга наіш композицияси тузиш, ґйиш ва пардозлаш.

**IX боб.** Буюм заминини чакичлаш технологияси

**IX боб.** Буюмни локлаш технологияси

Тест саволлари

Якуний назорат Ёзма иш вариант намуналари

Амалий бажариладиган вазифалар

¤збек хал□ амалий санъатида ишлатиладиган □ис□ача атамаларнинг изоҳли луғати

Фойдаланилган адабиётлар р□йхати

¤збек миллий халі Амалий санъатида ишлатиладиган

атамаларнинг изоµли луIати.

Фойдаланилган адабиётлар рґйхати.

Расмли иловалар.